

Муассислар:  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси,  
Ўзбекистон Республикаси ёшларининг  
"Камолот" жамғармаси

Бош муҳаррир:

Собир ҲНАР

Бош муҳаррир муовини:  
Абдуқаюм ЙЎЛДОШЕВ

Масъул котиб:  
Турсун Бой МУҲАММАД

Таҳрир хайъати:  
Ҳотам АБДУРАИМОВ  
Одил ЁҚУБОВ  
Абдул Фани ЖУМА  
Абдусайд КЎЧИМОВ  
Акбарали МАМАСОЛИЕВ  
Тўхтамурод РУСТАМ  
Вафо ФАЙЗУЛЛО  
Йўлдош ЭШБЕК  
Абулқосим ЎТЕПБЕРГЕНОВ  
Ғаффор ҲОТАМОВ  
Шодикул ҲАМРОЕВ

Жамоатчилик кенгаши раиси:  
Абдулла ОРИПОВ

Жамоатчилик кенгаши:  
Ўрол АБИЛОВ  
Келдиёр ИСРОИЛОВ  
Абулқосим МАМАРАСУЛОВ  
Низомиддин МАҲМУДОВ  
Миркамол ОДИЛОВ  
Нурмат ОТАБЕКОВ  
Аҳмад ОТАБОЕВ  
Қобил СОЛИХОВ  
Йўлдош СУЛАЙМОН  
Аҳмад УСМОНОВ  
ШУКРУЛЛО

Ёшларнинг адабий-ижтимоий жўрнали  
1982 йилдан чиқа бошлаган

Ушбу сон "Ёшлик" жўрнали таҳририяти-  
нинг компьютер марказида саҳифаланди.

Саҳифаловчи:  
Саодат ТЎЛАГАНОВА

© "Ёшлик" № 3 (162) 1998 й.

Муқовамизда: 1-бет. Ўзбекистон - телеви-  
дение ватани (60-бетдаги мақолага  
қаранг).

(А. Жумаев фотдаври)

**МАЪНАВИЯТ**

Саидхбор БУЛАТОВ. "Бир ривоят сўзлайин" 3

**НАСР**

М Ҳаммад ХАЙРУЛЛАЕВ. Ёшлик, ёшлик...  
Кисса 5  
Абдуқаюм ЙЎЛДОШ. Излаганинг не эди...  
Ҳикоялар 24  
Маҳкам МАҲМУД. Алоиддин ва Жалолиддин.  
Бадиа 56

**НАЗМ**

Иброҳим ПАЙДО. Бир ўлан келадир 4  
Шукур ҚУРБОН. Унутмадим адолат расмин 14  
Икром ОТАМУРОД. Истарим. Достон. 19  
Абдулла ТУРДИЕВ. Тириклик дарёсин  
кечгайман 42  
Рўзи ҚОДИРИЙ. Юрак - абадият чашмаси 62

**ОИЛА ЙИЛИ**

Исматулла ХУДОЙБЕРДИЕВ. Ўлмас урфлар 16

**ОЛИС-ЯКИН ОВОЗЛАР**

Нозим РАСУЛ., Шухрат ТОҲИР. 17

**АДАБИЙ САБОҚЛАР**

Ҳабибулло ЖўРАЕВ. Кўнгил кечмишларин  
кашф этиб 18

**ЖАЖЖИ ТАДКИКОТ**

Азмиддин НОСИРОВ. Имомуззамон шоҳ ва  
шоир 43

**ЖАҲОН АДАБИЁТИ ҲАЗИНАСИДАН**

Кнут ХАМСУН. Қазо. Ҳикоя 44

**БАҲС**

Узоқ ЖўРАҚУЛОВ. Фитрат яссавийшуносми? 51

**БОКИЙ КАДРИЯТЛАР**

Ҳамроқул ҚАРШИЕВ. "Ишки тугёң айлади..." 53

**"АЛПОМИШ"НИНГ МИНГ ЙИЛЛИГИ**

Йўлдош ЭШБЕК. Гулдирайди овози. 58

**МУҚОВАМИЗДА**

Рустам ФАНИ. Ўзбекистон "ойнаи жаҳон"ининг  
бугунги қувонч ва ташвишлари 60

**ОЛАМ, ОЛАМ**

Наполеон, Гитлер, "Титаник"... 63

Манзилмиз: 700000, Тошкент, Жавоҳарлаъл Неру, 1-уй  
Телефон: 133-40-83.

Босишга 18. 05. 1998 йилда руҳсат берилди. Қоғоз  
формати 60x84 1/8. Шартли босма тобоғи 12,2. Нашриёт  
хисоб тобоғи 12,0 Буюртма № 2521

Жўрналдан қўчириб босилганда "Ёшлик"дан олинди деб  
изоҳланиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси "Шарқ" нашриёт-матбаа  
концернининг босмаҳонаси, Тошкент, Буюк Турон  
кўчаси, 41-уй.



## «БИР РИВОЯТ

## СЎЗЛАЙИН»

Маънавият ўз халқининг тарихини,  
унинг маданияти ва вазибаларини  
чуқур билиш ва тушуниб етишга суян-  
гандагина қудратли кучга айланади.

Ислоҳ КАРИМОВ

Ёшлар маънавиятини шакллантиришда Шарқда кўп асрлар мобайнида сайқалланган ажойиб маърифий бойликлар, улуғ олиму фозилларнинг пурҳикмат асарларини, ибратомуз фикрларини чуқур ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, ривоятлар ҳам бизни ўтмиш билан боғлаб турадиган воситалардан бири, ўзига хос «ойна жаҳон»дир. Ривоятларни қайта-қайта мутолаа қилар эканмиз, улардаги маъно тугунлари тобора ечилиб бораверишига иқроор бўламиз. Нодир панд-насихатлар эса ривоятларнинг маъзи саналиб, ўқигувчи ва эшитувчига рухий таъсир кўрсатади, тарбиялайди, фалсафий фикр-озик беради, дунёқарашини кенгайтиради.

Чунончи «Кўзадаги икки қурбақа» деб номланган ривоят билан танишиб чиқайлик.

*«Икки қурбақа сут солинган кўзага тушиб қоладилар. Улар кўзадан чиқа олмай, бир қанча вақт суза-суза жуда чарчаб, толиқиб қолишади. Қурбақалардан бири: «Умримиз шу кўзада тугар экан. Жонимизни бекорга қийнагандан не фойда?» дейди-да, сутга шўнгиб жон беради. Иккинчи қурбақа эса зўр бериб сузаверади, сузаверади. Ниҳоят сут сузмага айланиб, копток ҳолида қотиб қолади. Шунда қурбақа унинг устига чиқиб, кўзанинг ичидан сакраб чиқиб кетади».*

Ўйлашимизча, ривоятнинг таъсири унинг фалсафий мазмунида: агар инсон ҳаётида ҳар қанча қийинчиликларга бардош берса, сабр-қаноат билан яшаса, ўз ниятларига албатта етишади. Бир сўз билан айтганда: «Ҳаёт курашдан иборатдир».

Ривоят нима ўзи? Ўзбек халқи оғзаки ижодининг ўзига хос жанрларидан бўлган ривоят аждодларимиз томонидан асрлар давомида яратилиб, тилдан-тилга, дилдан-дилга ўтиб, муайян бадиий силсила ҳолатига келган тафаккур мўъжизасидир.

Ривоят - арабча «ҳикоя қилмоқ» маъносини билдириб, оғзаки ижоднинг насрий тури, яъни воқеийликни ҳаётий, баъзан тўқималар воситасида ҳикоя қилувчи асар. Ривоятларнинг тарихий шахсларга боғлиқ бўлган ҳамда топоним характеридаги турлари

ҳам мавжуддир. Топоним ривоятларда шаҳар, қишлоқ, қалъа, сарой, қаср, мақбараларнинг номланиши билан боғлиқ воқеалар ҳикоя қилинади.

Тарихий шахсларга боғлиқ ривоятлар ҳам ўзига хос кўринишга эга. Масалан, Ибн Сино, Улуғбек, Амир Темур, Алишер Навоий, Машраб ва бошқаларнинг ҳаёти билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар нақллари эсланг. Абдулла Ориповнинг улуғ табиб Ибн Сино ва унинг нобакор шогирди ҳақидаги машҳур ривоят-достони эса, шубҳасиз, ҳар биримизга яхши таниш.

Зеро, устозга муносиб шогирд номни олиш қийин. Бунинг учун кўп йиллик мураккаб синовлардан ўтилган. Айни пайтда, уста деган ҳурмат-иззатга сазовор бўлиш ҳам осон кечмаган. Бу ҳол қуйидаги ривоятда ўз аксини топган:

*«Бир киши ўзини уста деб атагани учун Бухоро амири қаттиқ газабланибди. Ахир, бундай шараф камдан-кам ҳунармандга насиб бўларканда. Амир бу одамни зиндонга ташлашни, то ҳунарини амалда кўрсатиб, ўз номини оқламагунча озод қилмасликни буюрибди. Устанинг ёнида эса ҳеч қандай ши қуроли йўқ экан. Бироқ у ҳамшиша ёнида олиб юрадиган пичоги билан бир кечада зиндон деворига шу қадар гўзал нақш чизибдики, кўрганларнинг ақли лол қолибди. Шу тариқа ҳунарманд уста деган номини оқлаган экан».*

Хулоса қилиб айтганда, тажрибаларимиз шуни кўрсатадики, ривоятлар ёшларнинг бирон касб-ҳунарга бўлган қизиқишлари ошишига, дунёқарашлари шаклланишига, меҳнатга фалсафий ёндошишларига замин яратади.

Демак, бизнинг бой маънавий меросимизнинг бир кўриниши бўлган турлитуман ажойиб-ғаройиб ривоятлар асло эскирмайди. Аксинча, тобора сайқаланиб, янгиланиб бугунимизга, келажагимизга хизмат қилаверади.

Саидахбор БУЛАТОВ,  
Низомий номидаги педагогика  
университети профессори.



Иброҳим ПАЙДО



## БИР ЎЛАН КЕЛАДИР

### СОҲИБҚИРОН

Кажрафтор фалакнинг ярми азобдир.  
Чидаган ялайди асални-болни,  
Эътиқоднинг бўлса, ишончинг бўлса,  
Оллоҳ ўзи бергай ўғлим икболни.

Менинг ҳам азобли куним кўп бўлган,  
Ҳаргиз жаҳонгирлик қолмаган мерос.  
Қисмат бу дарёдир қуриган-тўлган,  
Гоҳо кирғоғини ютган басма-бас.

Аччиқ шамолларга юзимни тутиб,  
Толега интилдим, бахтга юз бурдим.  
Гоҳо гиналарни баҳридан ўтиб,  
Кимни қавмим дедим, кимга қўл бердим.

Олтин ўрдадаги мўғул баччани,  
Биргина сийловим шошириб қўйди.  
Менинг тузлиғимдан нон еб, гарчанд у,  
Ўзини гийбатга топшириб қўйди.

Сўнгра қашкирдайин изимни пойлаб,  
Чоҳ казиб панд бермоқ истади доим.  
Эдилгача қувдим ойлаб ва ойлаб,  
Ғолиблик бахш этди менга худойим.

Гарчанд алахусус не этган бўлсам,  
Ахли раиятни этмоқ бўлдим жам.  
Оллоҳ битта экан билдим инчунин,  
Битта бўлмоқ керак катхудоси ҳам.

\*\*\*

Май ичдик, гул хиди хор бўлди,  
Бизга ботқоқ макон, ёр ночор бўлди.  
Хумо қўлимизни хушлаган эди,  
Аттанг шайтон кўнди, у бекор бўлди.

\*\*\*

Самонинг ҳам кўкси ўксикка тўлик,  
Қайдан юрагига қадалдийкин ўк.  
Уни ҳам овулар бирор илинж йўк.  
Йиғлаётган сулув кўз ёшингни арт.

Эй, дейдаси бўшим, эй, меҳри бўшим,  
Эй менинг биргина илоҳий қушим  
Токи ўлғунимча ҳаёлим, тушим  
Йиғлаётган сулув кўз ёшингни арт.

\*\*\*

Кел деб оғушига чорлайверади,  
Минг турли ноз билан зорлайверади,  
Кокили бўйнимни дорлайверади,  
Хурларнинг базмидан толикдим тунлар,  
Мени алдайверар ёлғончи кунлар.

Бу даҳри дун аро у хусин йўқдир,  
Охудай бир қомат, бир малак суҳсур  
У дамда менда ҳам бўлмайдди собир  
Хурларнинг базмидан толикдим тунлар  
Мени алдайверар ёлғончи кунлар.

Кўз юмдим бир қаср ва битта малак,  
У менга илҳақдир, мен ҳам жонҳалак.  
Бу нимадир ўзи азобдан бўлак  
Хурларнинг базмидан толикдим тунлар,  
Мени алдайверар ёлғончи кунлар.

Тушларим ўнгимга айланса қани,  
У тирик дунёга боғланса қани.  
Туғиб берар эди Юсуф-Узрони,  
Хурларни базмидан толикдим тунлар,  
Мени алдайверар ёлғончи кунлар.

\*\*\*

Бир нурли ҳидоят, бир нурли хилқат  
Заминни кафтида оллоҳ суйган кун.  
Борлиқ ҳам жонланди оҳ ўшал фурсат  
Буюк иноятдан вакиф инчунун.

Шаккок азозилнинг дуоларидан,  
Кафтдайин заминга етганда озор.  
Оллоҳ инояти ушбу бўлдики,  
Пайгамбар юборди ерга сўнги бор.

Эй насим огоҳ эт борлиқни,  
Туяли карвонлар тухтангиз.  
Кўнгироқ сасини тинглаи-а  
У ҳам оллоҳ дейди изма-из.

Ердаки не гиёҳ кўкламиш,  
Оллоҳнинг номидан нишондир.  
Эй насим дили кўр бандингни  
Кўзларин ўзинг оч, ишонтир.

Бир ўлик мавсум бор, бир ўлик,  
Хазонлар алвидо айтарлар  
Улар ҳам тугилар одамдек.  
Улар ҳам рихлатга хайтарлар.

Мурдасин ювгайлар қор билан  
Кафани бўлгайлар тузонлар.  
Бир ўлан келадир бир ўлан,  
Шамоллар айтгайлар азонлар.

Эй насим огоҳ эт борлиқни,  
Туяли карвонлар тухтангиз.  
Кўнгироқ сасини тинглаи-а  
У ҳам оллоҳ дейди изма-из.

*Иброҳим ПАЙДО қашқадарёдан. Шоирнинг «Нигоҳинг»,  
"Турон чечаги" номли китоблари нашр қилинган. Ҳозир Ўзбекистон  
радиоси Адабиёт ва радиотеатр муҳарририясида ишлайди.*

Иброҳим ПАЙДО. Бир ўлан келадир.



Муҳаммад ХАЙРУЛЛАЕВ

ЁШАНҚ. ЁШАНҚ...

Қисса\*

### МУҚАДДИМА

Дилмурод, Тоир, Элик ва каминалари - тўртовлон орамиздан қил ўтмас дўст эдик. Мақабни тугатгач Тошкентга ҳам бирга келиб, олий ўқув юртларига киришга муваффақ бўлдик. Бир йил ҳар қайсимиз ҳар ерда - ётоқхонаю қариндошларникида турдик. Янаги йили эса биргаликда яшашга қарор қилиб, Сағбон кўчасидаги ҳовли-жойда бир хонаю даҳлиздан иборат болохонани ижарага олдик.

Биз бўш вақтларимизни бир-биримизга ҳазил-хузил қилиб, вақтичоглик билан ўтказардик. Айниқса Элик билан Тоир қаттиқ ҳазиллашишар, бир-бирини масхаралаб мот қилишга интилишар, баъзан қуюшқондан чиқиб кетадиган пайтлари ҳам бўлиб турарди...

### ОШ БЎЛСИН

Тоирнинг тиббиёт билим юртида ўқийдиган қизга ошиқ бўлиб қолганини Эликдан эшитиб:

- Вой, писмиқ-эй! - дея ҳайратландим. - Яқшанба кунлари, курсдошларим билан биргаликда дарс қиламан, деб жуфтакни ростлаб қолишининг сабаби бу ёқда экан-да.

- Биз ҳам тўсатдан кўриб қолдик, - деди Элик. - Хиёбонда апоқ-чапоқ бўлиб юришган экан. «У ким?» деб туриб олганимиздан кейин таништиришга мажбур бўлди.

Эликнинг гап оҳангидан ўша қиз дидига ўтирмаганлиги сезилиб турган бўлса-да:

- Хўш, қалай, сенларга маъқул бўлдимиз? - деб сўрадим.

Элик одатига кўра дангал:

- Шаҳсан менга ёқмади, - деди.

- Нимаси ёқмади? - яна сўрадим.

- Нималигини айта олмайман-у, ҳар қалай

Тоирнинг тенгимас.

- Ҳусни қанақа, чиройлими?

- Қаёқда дейсан!

- Тоирнинг ўзи нима дейди?

Элик кикирлаб кулди.

- Ўламан, олло, шунга уйланаман, дейди.

- Юрагидан урибди-да, - дедим мен жиддий.

Ўзимизга зеб берган бўз йигитлик пайтимиз эди. Фурур баланд, Келажагимиз, бўлажак қайлигимиз ҳақида тасаввуримиз осмонда: хурлиқо ёки малика бўлмаса-да, ақли, қора қош, шахло кўз, сочлари тақимига тушадиган, олий маълумотли гўзал қизга уйланишни орзу қилардик. Хуллас, дўстимиз танлаган кизни ўз кўзим билан кўришга ошиқдим. Тоир жон-

жон деб рози бўлди. Негаки, ўз маъшуқасининг Элик билан Дилмуродга ёқмаганлигини уларнинг оғзидан эшитмаган бўлса-да, сезган. Энди мендан илиқ бир фикр олиш ниятида эди.

Эртаси куни пешинда иккаламиз ўша қиз тайинлаган жойга беш-ўн минут олдинроқ бориб кутдик. Бир пайт ётоқхонадан чиққан, қора нейлон куртка, тиззасидан икки энлик юқорида турган мошранг юбка кийган, жуссаси кичик қиз шошмасдан биз томонга кела бошлади. Миямда «ўшами-йўқми?» деган савол пайдо бўлди-ю, ялт этиб Тоирга қарадим. У киздан кўз узмай жилмайиб, турар, ёнида мен бўлмасам унга пешвоз чопишга тайёр эди. «Ростдан юрагидан урибди!» дедим ичимда ва қизни энди синчковлик билан кузата бошладим. Сочлари қалта қирқилган, пешонасига тушиб турган бир тутам қуюк гажаги қирғизчехра юзига ярашган. Бодом қовоқ, кийик кўзлари шўх чакнар, ингичка камалак қошлари қаншари устидан туташган.

...У ёнимизга келиб жилмайганча салом берди.

Тоир бизни таништираётган экан, қиз кўлқопини ечиб:

- Лола! - дея қўлини узатди.

Учқовимиз биргаликда ғарч-ғурч қор босиб Эски Жўва томон йўл олдик. Мен улардан уч-тўрт қадам олдинда кетиб борардим-у, хаёлим Лолада эди. Холислигимни айтсам, истараси иссиқ қиз. Лекин Тоир дўстимни ҳар томонлама яхши билганим учун Лолани унга лойиқ дея олмасдим. Биринчидан, Тоир ҳам, қиз ҳам иккинчи курс талабаси. Иккинчидан, Тоирнинг ота-онасидан келаётган ёрдам пули белгилли. Хўш, ўзи сиғмас инига, ғалвир боғлар думига, деганларидек, ота-онасига қарам бўлган йигитчанинг уйланаман, дейиши ақлга сиғадиган гапми?! Лола бундан беҳабар, албатта. Аммо биринчи муҳаббат

\* Журнал нухаси

бошини айлантириб қўйган Тоирга бу гапларни айтиш бефойдалигини ҳам яхши билардим...

Бир пайт оёқларимнинг учи ачиша бошладим, башанг этик кийган Лоланинг ҳоли не кечди, деган ўй билан орқага ўгирилдим. У Тоирнинг пинжида муштдек бўлиб келар, юз ва бурни кизариб кетган, лаблари титрар, Тоирнинг эса парвойи палак, оғзи қулоғида...

- Тоир! - дедим улар етиб келишгач. - Бирон ерга кириб исиниб олмаймизми?

- Тўғри айтасан, - деди у ва боғ бурчагидаги қаҳвахонага кўз ташлаб олиб Лолага қаради. - Бир стакандан қаҳва ичиб, исиниб олайлик. Нима дейсан?

Лола обдон совуқ қотган шекилли, лаблари титраб:

- Яхши бўларди, - дея менга қараб миннатдор жилмайди.

Ўзимдан ўзим хурсанд бўлиб кетдим. Ичимда: «Ёмон кизга ўхшамайди», деб қўйдим. Биз кинога тушмоқчи эдик. Фильмнинг бошланишига ҳали бир соат вақт бор. Демак, бемалол улгурамиз.

Қаҳвахонада одам гавжум. Бўш жой кидириб атрофга алангладик. Юқорида боққа қараган дераза олдидаги столда Олимжон якка ўзи ўтирар, стол атрофидаги курсилар бўш эди. У бизга кўзи тушиб ўрнидан турди ва, бу ёққа келинлар, деган маънода кўл кўтариб чақирди. Бордиқ. Олимжон саломлашиб бўлгач биринчи навбатда Лолага қараб:

- Ўтиринлар, - деди.

- Бўшми? - сўрадим мен.

- Ҳа. - Олимжон кулди. - Сенларга деб атайлаб кўриқлаб ўтирибман.

- Раҳмат.

Олимжон катта тоғамизнинг бош фарзанди. Театр-санъатшунослик институтининг учинчи курс талабаси. У ёш болалик пайтидан қулағон эди. Баъзан сал нарсаям кикирлаб қулиб қўяверар, бир бошласа ҳадеганда тўхтамас, унинг бекордан бекорга қулаётганига қараб туриб бизнинг ҳам кулгимиз кистаб қоларди. Лекин сўнги йилларда жиддийлашиб қолган, умуман, камгап, ёқимтой йигит...

Олимжон овқатлангани ҳозиргина ўтирган шекилли, сосискаларга ҳали вилка тегмаган, стакан тўла қаҳвадан буғ кўтарилиб турарди. Хуллас, Лолани Олимжоннинг рўпарасидаги курсига ўтказиб, Тоир иккимиз навбатга тургани кетдик. Аммо қаҳва тамом бўлган эди. Тоир қаҳва олиб чиқишларини кутиб қолди, мен патнисда уч ликопча сосиска билан нон кўтариб уларнинг ёнига қайтдим. Олимнинг олдидаги сосискалар қандай бўлса шундайлигича турарди. У, киз болани қаратиб қўйиб бир ўзи овқат еб ўтиришни эп кўрмаганим, бизнинг келишимизни кутиб, Лолани гапга солиб ўтирарди. Фақат стакандаги қаҳвани, совиб қолмасин, деганми, ичиб тамомлаган эди.

- Тоир! - дедим орқамга ўгирилиб. - Яна бир стакан қаҳва қўшиб ол.

Лола қўл ювгани кетди. Олимжон унинг орқасидан бир зум қараб туриб:

- Бирга ўқийсанларми? - деб сўради.

- Йўқ. Тоирнинг гаплашиб юрган кизи...

Қалай, маъқулми?

Олимжон елка қисиб:

- Қайдам, - дея мужмалроқ жавоб берди.

Кейин стол устидап, кичкина туздонга ўхшаш идишчада турган сап-сарик хантал (горчица)га ишора қилиб: - Горчисага қалайсан? - деб сўради.

Мен Тошкентга келганимга қадар ханталнинг нималигини билмасдим. Биринчи марта яқинда татиб кўрдим мазасини. Аччиқ бўлса-да, хуштаъмгина, озгина-озгина хўрак қилса бўлар экан.

- Ейман, - дедим ва вилканинг учида хантал олиб нонга суркадим. Олимжон ҳам бир тўғрам ноннинг юзига пичок тигидек сўркаб, ўз олдига қўяр экан:

- Тоир ейдими? - деб сўради.

Тоир хантал ейдими, умуман бирон марта еб кўрганми-йўқми -- буни билмасдим. Олимжонга ростини айтдим-у, бирдан, шайтон йўлдан оздирдими, қувлигим тутиб:

- Лекин синаб кўрсак бўлади, - дедим.

Олимжон фикримни англаб ҳиринг-ҳиринг кулди ва иккинчи тўғрам нонга қалин қилиб хантал суркай бошлади. Лола келиб ўз жойига ўтирди ва Олимжоннинг қўлидаги нонга бир нафас қараб туриб:

- Вой, бунча кўп суркайсиз? Аччиқ-ку, қандай ейсиз? - деди.

Олимжоннинг бу иши менга маъқул бўлган эди. Шунинг учун ҳам маъсулиятини ўз зиммасига олиб:

- Тоир яхши кўради, - дедим жиддий.

Олимжон хантал суркалган нонни Тоирнинг ликопчасига, сосискалар ёнига қўйди. Тоир стаканларда буғи бурқираб турган қаҳва кўтариб келиб ёнимизга ўтирди-ю, ўз ликопчасини олдида тортар экан, суркалган нонга кўзи тушиб:

- Дадажон, бу менгами? - деб сўради.

- Ҳа, сенинг ғамингни еб ўтирибман, дўстим.

Бу гапим унга хуш ёқди шекилли, илжайиб:

- Раҳмат, ўрток! - дея миннатдорчилик билдирилди.

- Ош бўлсин.

Қаҳвадан бир-икки хўплаб сосиска ейишга тугиндик. Тоир таом танламас, ҳамиша икки лунжини тўлдириб, овқат чайнар, чучварани ямламай ютар, бир коса овқатни ҳаш-паш дегунча еб тугатар, умуман, яхшигина хўранда эди. Шунга яраша кучи ҳам бор, ҳафсала қилса, икки йигитнинг ишини бир ўзи уддаларди. Мана, ҳозир ҳам хантал суркалган ноннинг ярмисини оғзига солиб бир-икки чайнади-ю, кўзлари бодрок бўлиб, аввал менга, кейин Лолага қаради. Шу сонияда кўзларидан дув ёш қўйилиб, бир-икки ўқчиди. Сўнг қаттиқ акса урди. Кафти билан оғзини беркитмоқчи бўлди-ю, улгурмади. Оғзидан хантал аралаш нон атрофга сачради. Лола даст ўрнидан туриб ташқарига чиқиб кетди.

Стол устидаги қоғоз салфеткалару ҳар уччаламизнинг рўмолчаларимиз Тоирнинг оғзи-бурнини, кўксига ёпишган хантал аралаш нон бўтқаларни тозалашга ишлатилди....

Анчадан кейин ўзини ўнглаб олган Тоир менга қараб:

- Нима эди? - деб сўради. - Ишқилиб заҳар эмасми?

- Жиннимисан?! - дедим жеркиб. - Горчиса-ку. Нима, ҳеч қачон емаганмидинг?

- Йўқ.

Биз, ошхонаю қаҳвахоналарда овқатланмаймиз, деб сўз берган эдик. Биринчидан, ўзимизнинг хонақи таомларга ўрганган эмасмизми, ошхоналарнинг овқати ёқмас, аллақандай таъмсиздек туйилар, иккинчидан, овқатни ўзимиз пиширсак,

деярли икки баравар арзон тушарди. Муҳими ҳам шу эди. Шу боис Тоирнинг хантал нималигини билмаслиги табиий ҳол эди. Мен Тоирга жahl қилгандек бўлиб:

- Нималигини билмас экансан аввал бир оғиз сўрамайсанми ёки озгина татиб кўрмайсанми! - дедим.

- Мен қаёқдан билай. «Ғамхўрлик қилдим» деганингга ширин нарса эканми, деб ўйлабман.

Унинг бу гапига Олимжон шарақлаб кулиб юборди. Атрофимиздагилар бизга қарашди.

Ҳазилмиз бор бўлсин, биргина ўзимиз эмас. Лоланинг ризкига ҳам завол бўлди. Сосискалару қахвани столда қолдириб, ташқарига чикдик. Аммо Лола йўқ эди. Кинотеатр олдида ҳам топмадик уни. Олимжон хижолат, мен эса, чинимни айтсам, хурсанд эдим.

## ОЛАБЎЖИ

Биз баъзи ёшлардек кийимга ўч эмасдик, нима тўғри келса, яхши-ёмон, деб таъламай кийиб кетаверардик. Лекин бугун вазият бошқача. Хуллас, Тоир Эликнинг «импорт» кўйлагия Дилмуроднинг янги костюм-шимини кийиб олган. Мен унинг бўйнига галстук боғлаб ётган эдим. Ҳақи-замон бозорга тушиб кетган Элик эшикдан кириб келди-ю, Тоирни бу киёфада кўриб:

- Ҳа, бунча пўрим бўлиб олибсан? - деб сўради.

Тоир жавоб бермади. У ўзи билан ўзи овора эди.

- Лола билан театрга тушмоқчи, - дедим мен.

- Нима, мумкинмасми? - Тоир ижирганиб сўради.

Элик бепарволик билан:

- Нега энди, тушавер... Тенгингни топгансан!

- деб чикиб кетди ва кўп ўтмай қайтиб кирди. Энди у бошига сунъий мўйнадан тикилган эски қора қалпоқ кўндириб олган, лекин кўриниши жиддий эди. Дилмурод кулиб:

- Бу алмисокдан қолган қалпоқни қаердан топа қолдинг? - деб сўради.

Тоир эса кулди:

- Киявер, ўртоқ, сенбоп экан. Ярашибди.

Мен бу қалпоқнинг ҳовлидаги ёзлик ошхонада қозикқа осиглик тургани кўрган эдим. Аммо, Элик бекорга кийиб кирмаган, тагида бир гап бор бўлса керак, деб индамадим. Элик эса Тоирга қараб жиддий равишда:

- Сафаринг бехатар бўлсин. Ой бориб, омон қайт, - деб рўпарасига борди.

- Ҳой, Элик! - деди Тоир кулиб. - Жангга кетаётганим йўқ-ку...

- Муҳаббат жангига отландинг, - деди Элик тантанали оҳангда. - Яна бир синовдан ўтгани кетаяпсан. Кел, сени бағримга босиб омад тилай, кадрдон дўстим! - у Тоирни кучиб унинг чаккасига бошини қадади, қайта-қайта сурқанди.

Элик билан Тоир унчалик чиқишмас, ҳатто вақти-вақти билан ғиди-биди қилиб туришарди. Элик Тоирнинг ишидан ҳамиша бир нуқсон топиб, унга танбех бергани-берган. Ана шундан кейин даҳанаки жанг бошланарди. Аммо сан-манлар узоққа чўзилмасди. Муҳими, бир-бирига гина саклашмасди.

Ҳозир Тоир Эликнинг оғзидан бол томиб

гапиришидан эриб кетиб, киприкларини пирпиратганча нима дейишини билмай турарди.

Эликнинг бунақа ялтоқланишлари замирида нима ётганини у Тоирнинг кўксидан бошини кўтарганидан кейингина пайқади-у, Дилмурод иккимиз қийкириб кулишга тушдик. Тоирнинг икки чаккасига, қозоннинг қуяси бўлса керак, қора «упа» чапланган эди. Элик бизга қараб кўз қисиб кўйди-да:

- Нима, кулгили бир нима дедимми? Юрагимдагини айтдим-кўйдим-да, - деди.

Тоир эса бир менга, бир Дилмуродга қараб:

- Ҳой, ақлдан озганмисанлар? Нега бекорга хиринг-хиринг қиласанлар? - деди. У бизни жеркиб гапирар экан, олабўжи башараси янада ғаройиб кўринди. Биз қорнимизни ушлаб кулишда давом этдик. Тоир, сенларга гап қор қилмайди, дегандек, бизга қўл силтаб Эликка ўгирилди. - Буларни жин чалганга ўхшайди.

Элик ҳазиллашганда ёки бирор латифа айтадиган бўлса ўзи кулмас, гўё рост гапирётгандек жиддий сўзлар, шу боисдан унинг тўқима гаплари ҳам ҳақиқатдек туюларди. Мана, ҳозир ҳам у ўзини сипо тутар, кўриниши жиддий эди.

- Тоир, эътибор берма уларга. Бидасан-ку, бўлар-бўлмасга хиринглашаверади. Юр, ўзим кузатиб кўяман сени.

- Тоир, - дедим кулгидан тўхтаб, - майли, десанг мен ҳам бораман. Тунов кунги ҳазилим учун узр сўрайман.

Бу гапимдан Тоир эриб кетиб, мамнун жилмайди:

- Эсинг кириб қолибди-ку.

- Бир ўзим уйда қолиб нима қиламан? - деди Дилмурод ҳам. - Мен ҳам борай.

- Тўғри, - деди яна Элик жиддий оҳангда, - учта ўртоқ кузатиб қўйсак ёмонми? Қани, кетдик.

Бирин-кетин уйдан чиқдик. Кўчада кетар эканмиз бир Тоирга қараб кулсак, бир рўпарамиздан келаётган йўловчиларнинг Тоирга муносабатларидан кулардик. Бировлар хайрон бўлиб, баъзилар кулиб ўтиб кетишар, «бу йигит телбамасмиқан!» деб ҳадиксираб ундан олисроқ юришга шошадиганлари ҳам учраб турарди. Элик, гўё ҳеч нарса бўлмагандек, дўсти ёнида одимлаб кетиб борар, на Тоирга ва на йўловчиларга эътибор берарди. Тоир эса ажабланиб:

- Бугун одамларга бир нима бўлганми ўзи? - деб кўярди.

Шу йўсинда Эски Жўвага етиб бордик. Элик Тоирнинг бу кўринишда троллейбуста чиқолмаслигини сезиб «ўйин»ни яқунлашга қарор қилди шекилли, уни қўлтиғидан тутиб, кўчанинг нариги юзида турган енгил автомобил ёнига бошлади. Унинг ҳаракатидан ҳеч нарса англамади Тоир:

- Қаёққа судраяпсан? - деб орқа йўлкага интилди.

Элик:

- Анови машинанинг ойнасига бир қараб кўр, - дея уни яна ўша тарафга тортди.

Тоир бу сафар Эликка итоат қилган бўлса-да, тўнғиллади:

- Нима бор экан? Маймун ўйнатаётган эканми?

- Нималигини ўзинг кўрасан.

Элик уни қўлтиғидан тутганича «Москвич» ёнига олиб борди. Тоир автомобилнинг бикинига ўрнатилган кўзгуга эмас, эшик ойнасидан ичкарига кўз ташлаб олиб, яна Эликка ўдағайлади:

- Сен мени жинни қиялсанми?  
- Эй, гумрох, башарангни анави кўзуга солиб кўр, деяман!

Тоир энгашиб, кўзуга қаради-ю:

- Вой! - деб қичкириб юборди. Сўнг бир кўзуга, бир Эликка қараб: - Эрталаб бетимни ювганимда ҳеч гап йўқ эди-ку, - деди ажабланиб.

Элик ҳар эҳтимолга кўра анча нарига бориб жимгина турарди.

- Нега айтмадинг?! - Тоир шитоб билан Элик томон юрди. - Мени одамларга кулги қилмоқчи бўлибсанлар-да, а!

Элик орқага чекинди.

- Халигина, дўстман, деб айтган эдинг-ку, номард! - яна йиғлагандек бўлиб деди Тоир. - Сенларни дўст деб ким айтади! Буларинг нимаси, а? Шарманда қилдиларинг-ку одамни.

- Биздан ҳафа бўлма, - деди Дилмурод. - Ўзингдан кўр.

- Тўғри, - дедим мен ҳам. - Уйдан чиқишдан олдин ойнага бир кўз ташлаб қўйганингда олам гулистон эди.

- Мен қаёқдан билай... Галстук такқанингда тоза эди шекилли? Қаердан юқди экан, а?

- Ўғри мушукка ўхшаб қайси мўрига бош суққанингни биз қайдан биламиз.

Бусиз ҳам қони жунбушга келиб турган Тоир тутақиб кетди.

- Сен, Элик, жим тур! - деди у ўшқириб. - Сенинг ҳеч қачон дўст бўлмаслигингни биламан. Умуман ҳалол одам эмассан. Қитмирсан!

Уларнинг ўртасига тушмасак, кўчада жанжал бўлиши мумкин.

- Қўйинглар, - дедим мен, - ади-бади айтишиб атрофимизга одам тўпламайлик.

Дилмурод эса:

- Яхшиси, юзингни ювиб олиш чорасини кўрайлик, - деди.

Мен шундоқ биқинимизда турган сартарошхонага бош суқдим. Мижозлар йўқ, оқ халат кийган ўрта ёшлардаги киши, сартарош бўлса керак, бир чеккада газета ўқиб ўтирарди.

- Амаки, - дедим саломдан сўнг. - Оғайнимнинг юзига ўртоғимиз ҳазиллашиб куя суркаган эди. Шу ерда юзини ювиб олишга ижозат беринг. Театрга кеч қоляпмиз.

Шу пайт ёнимда Тоир пайдо бўлди. У негадир тиржайиб турарди. Сартарош унга қараб:

- Ана холо-ос! Бошлашибди-ку, жиян, - дея шарақлаб кулди. - Ха, бу қиёфада кўчада юриб бўлмайди.

«Оғайним Сағбон кўчасининг қоқ белидан шу ергача келди», деб айтишга менда забон йўқ.

Сартарош амаки яхши одам экан, олқинди совун билан кирга ташланган эски сочиқни Тоирнинг қўлига тутқазди... Тоир юзини ювиб, кир сочиқ билан артиб сартарошхонанинг кўзгусига рўпара бўлди-ю:

- Иш чаток! - деди менга қараб. - Бу кўйлақда бориб бўлармиди. Умуман, кеч қолдим. Лола кетиб бўлди.

«Импорт» кўйлақнинг ёқасию галстук аралаш кўкси қора куяга беланган, уйга кетишдан ўзга чора қолмаган эди. Тоир мунгайиб сартарошхонадан чиқди...

Эртаси куни пешиндан кейин Дилмурод ва Элик учовимиз институтдан қайтиб қилишимиз ҳамон Элик (у кечаси билан китоб ўқиб чиққан эди)

ўзини каравотга ташлаб, бир зумда уйкуга кетди. Кўп ўтмай Тоир ҳам кириб келди.

- Бўлди, - деди у хўмрайиб. - Лола билан орани очик қилиб келдим.

- Нима бўлди? Кеча бормаганинггами?

- «Сени кўргани кўзим йўқ» дейди.

- Ростданми? - деб сўради Дилмурод.

- Ёлғон гапирармидим. Бўлди, бошқа бормайман.

- Ажаб бўпти, - деди яна Дилмурод астойдил хурсанд бўлиб.

- Сенларга ёқмаганини билардим.

Тоир шундай деб бир чеккада турган сатилни кўтариб чиқиб кетди. Зум ўтмай бакириб, сўкиниб қора қолпоқни кўтариб қайтиб кирди-ю, узала тушиб ётган Эликка ташланди:

- Мард бўлсанг, тур ўрнингдан!

Дилмурод ҳам, мен ҳам сагчиб ўрнимиздан турдик. Иккаламиз икки қўлидан маҳкам ушлаб орқага тортдик. Уйқудан сесканиб уйғонган Элик нима бўлаётганини англамай, кўзларини жовдиратиб бизга қаради. Тоир эса қўлидаги қора қалпоқни кўрсатиб сўкинар, оғзидан боди кириб, шоди чиқар эди. Элик ниҳоят гап нимадалигини тушуниб, гўё ҳеч нарса бўлмагандек, вазминлик билан:

- Бир ҳазил қилувдим-да, дўстим, - деди.

- Сенинг ҳазилларинг қачон тугайди ўзи?!

Элик эланиб гапирди:

- Тоир, сени яхши кўришимни биласан-ку!

- Тулкилик қилма. Яна тилёғламаликка ўтдинг, номард!.. Сенинг кимлигингни билмасам экан. Лекин...

- Ҳазилимни кўтарасан, деб ўйлаган эдим.

Истасанг, оёғингга йиқилиб узр сўрайман.

Эликнинг ўз олдида ҳеч қачон тиз чўкмаслигини яхши билган Тоир:

- Узурингни пишириб е! - деди. - Лекин, айтиб кўяй, «дод!» демайсан.

- Қасос олмоқчимисан? Майли, жонажон дўстингдан қасос оламан, десанг...

- Сен менга дўстмисан? Сен-а?! Сендақа дўстдан иккита душман афзал, билдингми?!

Тоир ҳамон қўлида ушлаб турган қалпоқни жаҳл билан бир чеккага отди. Қалпоқ бориб тушган жойда гуп этиб қора тўзон бурқсиди. Хонада қаҳқаҳа кўтарилди. Тоир ҳам бизга кўшилиб кулди. Сўнг Эликнинг «импорт» кўйлагини келтириб олдига ташлади.

- Ма, ўзинг юварсан. Ҳали кетадими, йўқми - худо билади.

Элик айб ўзида бўлгани учун дами ичида эди, сўкиниб ўтирмади. Фақат кўйлақни оёғининг учи билан каравот тагига суриб кўйиб:

- Олифтачилингдан ўргилай! - деди. - Қизларга сосиска олиб бергандан кўра ўзингга кўйлақ сотиб олсанг бўлмасмиди...

Тоир, бир сўзли йигит эмасми, Лолага қайтиб бормади. Баъзан биз уни эслаб қолгудек бўлсак Тоир донолардек салобат билан:

- Хотин топилади, лекин дўст топиш қийин, - дея гапни қисқа қилиб кўя қоларди.

## МАРДИКОР

Тоир билан Элик имтиҳонларни топшириб бўлишган, биз охиригисига ҳозирлик кўрардик. Эрталаб Тоир, укаларимга у-бу харид қиламан, деб катта

бозорга, Элик эса уйга жўнаш олдидан Рўзимат аканикига кетишган эди. Тушга яқин бир сумка нарса кўтарган Тоир билан кетма-кет Элик кириб келди.

- Йигитлар, - деди Элик. - Поччамлар якшанба куни ҳашар қилишмоқчи. Бизларни ҳам чақиршияпти. Нима дейсанлар?

- Жон-жон деб борамиз. - Биринчи бўлиб Тоир хоҳиш билдирди. Дилмурод унга қараб тиржайди:

- Палов егинг келиб қолибди-да, а!

Элиқнинг холаси - Аяжон опа Тошкент зилзиласидан барпо бўлган, негадир «Штаб» деб аталмиш маҳаллада яшарди. Уларникига Эликка қўшилиб биз ҳам вақти-вақти билан бориб турардик. Аяжон опанинг эри - Рўзимат ака юк машинасини ҳайдар, саводи унчалик бўлмаса-да, ўта зийрак ва дилкаш одам эди. Бориб қолгудек бўлсак хушнудлик билан қарши олар, баъзан ҳатто қайнаб турган қозонни бир чеккага олиб қўйиб ош тайёрлашга тушиб кетарди. Дилмурод ҳозир шунга шаъма қилган эди. Тоирнинг жаҳли чиқиб:

- Паловнинг нима алоқаси бор бунга? - деди.

Дилмурод унга жавоб бермасдан ҳиринглаб кула бошлади. Тоир баттар жиғибийрон бўлди.

- Ҳой, нодон, Рўзимат акани билмасанг кўр бўларсан!

- Тоир, қизишмай тур, - босиқлик билан гапира бошладим. - Рўзимат акани биз ҳам сенчалик ҳурмат қилармиз. Гап шундаки, якшанбада имтиҳон топширишимиз керак.

Тоир қовоғини солганича:

- Ана унинг қитмирлик қилмай шунақа деб қўя қолмайдим! - дея тўнғиллаб хонадан чиқиб кетди.

Хуллас, Элик билан Тоир якшанба куни азонлаб Рўзимат аканикига жўнашди. Кўп ўтмай биз ҳам уйдан чиқиб институтга равона бўлдик. Тушдан кейин анча толиқиб, лекин яхши кайфият билан қайтдик. Апил-тапил овқатланиб ўзимизни каравотга олдик. Кечаси тун ярмидан оққанда ётган эдик-да...

Бир пайт уйғониб кетиб кўзимни очдим. Коронги тушиб қолган, Дилмурод ҳамон пишиллаб ухлаб ётар эди. Кўча эшик олдига келиб тўхтаган машинанинг товуши, сўнг Тоирнинг:

- Дадажон! - деб қичқиргани эшитилди.

Хайрон бўлиб ўрнимдан турдим, деразадан ҳовлига қарадим. Тоир кўча эшик олдига икки букилиб қолган Эликни қўлтиғидан тутиб турарди. Жон-поним қолмади. Уларнинг олдига шошилдим.

- Нима бўлди?

Элик менга қараб қадини тикламоқчи бўлдию, «Их!» дея яна энгашиб қолди. Баттар кўрқиб кетдим.

- Белим! - деди у кифтимга кўлини қўйиб. - Беланги бўлиб қолдим шекилли.

Тоир иккимиз икки қўлтиғидан суяб уйга олиб кирдик, аввайлаб каравотга ётқиздик. Дилмурод ҳам уйғониб кетди.

Тоир негадир хиринглаб кулди. Элик ётган жойида ижирганиб:

- Сенга кулги бўлса! - дея юзини терс ўгириб олди.

Тоир бизга қараб:

- Мардикорчилик қиламан, деб бели чиқиб кетди, - деди. Сўнг Эликка ўгирилиб: - Ҳолинг бир кунлик экан-у, ўрток, - дея яна қикир-қикир кула бошлади.

..Элик билан Тоир Рўзимат акаларникига

етиб борганларида ҳашарчилар тўпланишиб, ким нима иш қилишни гаплашиб туришган экан. Элик холаси билан кўришгани ичкарига кириб кетди. Тоир илдам қийимларини алмаштириб Рўзимат аканинг олдига борди. Рўзимат ака:

- Яхши келибсанлар, - деб хурсанд бўлди.

Тоир тўпланиб турганларга салом бериб, Рўзимат акадан:

- Биз нима иш қиламиз? - деб сўради.

Рўзимат ака чўққи сақолли кишига ишора қилиб:

- Уста нимани буюрсалар, шуни бажараверасанлар, - деди.

Буни эшитган уста Тоирни ёнига чақириб:

- Аяжоннинг укаси бўласизми? - деб сўради.

Тоир беихтиёр:

- Ҳа, - деб юборди.

- Студентсиз шекилли?

- Ҳа.

- Ана у йигитча ким? - Уста айвон олдига шилдираб турган жўмракдан сув ичаётган Эликка имо қилди. Тоирнинг миясига бир фикр келди-ю, қувлиги тутиб:

- Мардикор. Бозордан олиб чиқдим, - деди.

Уларнинг ёнида тамаки чекиб турган кушбурун, укки кўз одам:

- Муштдек бола-ку! - деди.

- Йўк. - Тоир кўпроқ устага қараб эътироз билдирди ва ёлғон сўз бўғоз бўлади, деганларидек, бўёғини ҳам дўндирди. - Жуссаси кичик бўлсаям икки йигитнинг ишини қилади. Ўзим кўрганман.

Уста ишонқирамай:

- Ҳай, ишлаганда кўрамиз, - деб қўя қолди.

Кейин: - Ҳой, йигит бери кел! - деб Эликни чақирди. - Оёғинг тагида турган челақларни ҳам ола кел!

Элик сув тўла челақни ағдариб, бўш челақка кўшиб кўлига олар экан яна уста:

- Чакки қилдинг, - дея уни тўхтатди. - Ҳай. Энди ҳар иккаласини тўлдириб олиб кел. Лойга сув керак бўлади ҳали.

Эликка устанинг сансираши ёкмади шекилли, хўмрайиб челақларга навбат билан сув қуйди. Сўнг уларни бепарво кўтариб, чайқаб, атрофга сув сачратиб устанинг олдига келди. Уста ундан:

- Отинг нима? - деб сўради.

- Элик.

- Ҳў-ўш, Эликбой...

Элик яна қовоғини уйиб:

- «Элик» эмас! - дея унинг гапини бўлди. -

Элик. «Эл» сўзидан олинган.

Уста бепарволик билан:

- Шундайми? - деб қўйди. Кейин мақсадга ўтди.

- Лой қаришни биларсан?

Элик жавоб қилишга улгурмай Тоир шошиб:

- Элик лой қаришни боплайди, уста ака, - деди.

Гапга укки кўз киши аралашди:

- Лой тайёр, уста ака.

- Ундай бўлса яна яхши. Ишимиз тезлашадиган бўлди. - Уста Эликка ўгирилди. - Сен, Эликбой...

Элик яна:

- «Элик» эмас, Элик! - деб такрорлади.

Уста унинг эътирозини эшитмагандек, гапини давом эттирди:

- Шу челақлар сеники. Ҳеч кимга бермайсан.

- Нима қиламан буларни? - Элик хайрон бўлиб

сўради.



Уста кулиб:

- Содда экансан, а, - деди. - Нима қилардинг, лой ташийсан.

Шундай қилиб ҳашар бошланиб кетди. Тоир устага ёки қолдими ёки уй бекасининг укаси, меҳмон йигит, деб аядими, ҳар қалай унга чой дамлаш, бирикки челақ сув келтириш, андавани ювиб бериш, ҳавозани бир ердан иккинчи ерга жилдириш каби енгил-елпи ишларни буюрар эди. Фишт тераётган устага лой етказиб беришдек оғир иш эса Эликнинг зиммасида. Айвонга қоғоз қопларда териб қўйилган цементни ҳам ғалтак аравада Элик ташиб келтирарди. Хуллас, уста уни бир нафас бекор қолдирмас, бир ишни тугатса иккинчисини буюриб турарди. Ниҳоят Эликнинг ишидан устанинг кўнгли тўлди шекилли, бир пайт Тоирга қараб:

- Олиб келган йигитингиз чакки эмас, - дея тан берган бўлди.

Унга фишт узатиб турган дарроз киши ҳам овозини пасайтириб:

- Ўзиям қора терга ботди бечора, - деб ачиниbroк гапирди.

Эликни «муштдек бола-ку» деган укки кўз одам эса:

- Пулини олгандан кейин ишласин-да, - деди.

Тушликда уста бошлиқ ҳашарчилар ичкарига, катта хонага кириб кетишди. Ҳолдан тойиб, анча сустлашиб қолган Элик оёқларини судраб босиб шотут соя ташлаб турган сўрига яқинлашди:

- Вой-эй, белимда бел қолмади-ку! - дея ўзини шолчага тўшалган кўрпачага таппа ташлади. Тоир унга далада берган бўлиб:

- Кўпи кетиб ози қолди, - деди. - Тушликдан кейин яна бир зўр берсак тамомлаймиз.

Элик, айтишга осон, дегандек Тоирга қараб қўйди-ю, ёнбошлаб ётган кўйи сергўшт угра ошини ҳўриллатиб ичишга тутинди. Бир неча дақиқадан кейин қафтларига бир-бир қараб олиб:

- Кабариб чиқмаса бўлгани, - деди.

Орадан кўп вақт ўтмай уйдагилар гимирлашиб қолишди. Лекин Эликнинг ўрнидан туришга ҳуши йўқ, қорни тўйгандан кейин бўшишиб кетган шекилли... Тоирга ялингандек бўлиб:

- Лойга энди сен ўтсанг бўларди, - деди у. - Мен чарчаб қолдим.

- Устага айт, - деди Тоир пинагини бузмай. - Менга барибир.

- Нима деб айтаман? Умуман ўша устанг менга ёқмаяпти.

- Бўлмаса поччанга айт. - Тоир бўш келмади.

- Чарчадим, ишга ярамай қолдим, де.

- Уят-ку... Бир марта ишлари тушганда...

- Уят бўлса чида ёки... - Тоир ҳиринглаб кулди. - Холанга арз қил.

Тоирнинг бу гапи Эликка оғир ботдими астойдил ранжиб:

- Мен сени одам деб гапирсам... - Элик қўлидаги пиёлани «так» этиб дастурхонга қўйди. Яна нимадир демоқчи бўлиб оғиз жуфтлади-ю, гурунглашиб уйдан чиқишган ҳашарчиларга кўзи тушиб индамай ўрнидан турди.

Куннинг иккинчи ярми анча суст бошланиб, ланж давом этди. Бугунга режалаштирилган иш ҳайбарақалла қилиб аранг ниҳоясига етказилди.

- Тамом. Яшанлар-э! - дея ҳавозадан пастга тушган уста лойчуқурнинг лабида, тўнтариб қўйилган

челақда бошини ҳам қилиб ўтирган Эликка яқинлашди.

- Раҳмат, Эликбой, - деди у Эликнинг елкасига кафтини қўйиб. - Ҳалол ишладинг, жиян.

Элик:

- Ҳа энди, - дея гўлдиради. Бечоранинг жилмайишга ҳам мадори қолмаган эди.

Ҳашарчилар кечки таомга яна ичкарига кириб кетишди. Элик челақдаги сувга чала-чулпа юз-қўлини ювиб, икки букилиб сўрига аранг етиб борди...

Лаганда палов кўтариб келган Тоир шолчада узала тушиб ётган Эликни турткилаб:

- Элик, бу ёққа ўгирил. Тез-тез еб олайлик, уйга кетамиз, - деди.

Элик ётган жойидан кўзгалмай жеркиб берди:

- Ўзинг еявер.

- Турақол. Ширин палов бўлган кўринади. Совиб қолади. Уйда дам оламиз.

Элик бошини кўтариб гавдасини тиклашга бир интилди-ю:

- Их! - дея қайта чўзилиб қолди ва дардли оҳангда: - Йўқ. Белим узилиб кетди шекилли, кимир этгани қўймапти, - деди...

Тоир бир жиддий, бир илжайиб ҳикоя қиларкан, биз ҳам ўзимизни кулгидан тия олмасдик. Элик бўлса гоҳ ингранар, гоҳ хуноби ошиб сўкинар, бизга қараб:

- Кулинглар-а, кулинглар! Сенларга кулги бўлса... - деб қўярди.

Элик ростдан беланги бўлган эди. У эртаси куни ҳам кимир этмай ётди. Тоир, бекорчи эмасми, кинога тушаман, деб чиқиб кетган эди. Тушдан кейин эшикдан кириб келди-ю:

- Қалайсан, ўрток? - деб Эликдан ҳол сўраган бўлди.

Кун бўйи шипга қараб, зерикиб ётган Элик бирдан тутоқиб кетди. Оғзига нима келса аямай сўкинди. Тоир унинг сўкинишларига парво қилмай:

- Қайтар дунё, ўрток, - дея тиржайди.

Элик бир неча дақиқа жим бўлиб қолди. Сўнг сал юмшаб:

- Тоир, худойлигингни айтчи-чи, мен сенга бирон марта жисмоний азоб берганманми? - деб сўради.

Тоир жавоб бериш ўрнига:

- Ўзинг ҳам молдек ишладинг-да, ўрток! - деб қикир-қикир кула бошлади.

Элик тагин жиғибийрон бўлиб:

- Одам эмассан, тўнқасан, пихини ёрган галямиссан! - деди.

Тоир яна бир Эликка, бир бизга қараб ҳиринглашда давом этди.

## «БОЙВАЧЧА»

Тоирнинг Эски Жўвадаги босмахонага ишга кирганига икки ойча бўлиб қолди. Ишга асосан тушдан кейин, яқшанба кунлари эса эрталаб соат олтиларга яқин борарди. Қиладиган юмуши - босмадан чиққан тайёр маҳсулотларни машинага юклаш. Хуллас, ўқишига халал бермас, маошига эса ўзига усти-бош харж қилиш ниятида эди.

Бугун яқшанба. Биз одатдагидек ухлаб ётардик. Тоирнинг эшикларни тарақлатиб очиб-ёпишидан уйғониб кетдик. Элик ётган жойида бошини кўтармасдан:

- Бошга битган бало бўлдинг-ку! - деб

тўнғиллади. - Дам олиш куни ҳам уйку бермайсан одамга!

Тоирдан ун чикмади.

Мен ҳам:

- Эшикни секинроқ очиб-ёпсанг бўлмасмиди!

- деб норозилик билдирдим.

Тоир хонада у ёқдан бу ёққа юрар, ўчакишгандек, ҳали стулни тарақлатиб сурар, ҳали эски каравотни гичирлатиб ўтирар, зум ўтмай туриб кетар, хуллас, оромини йўқотганлиги сезилиб турарди.

Элик яна бакирди:

- Хой, хумпар, тинчлик берасанми-йўкми?

Ишингга борадиган бўлсанг, тезроқ жўнасанг-чи!

Тоир унга жавобан кўрслик билан:

- Бўлди, ишга бошқа бормайман, - деб тўнғиллади.

Элик:

- И-я! Манглайингга нима қилди? - деб сўраб қолди.

Бошимни кўтариб қарадим. Тоирнинг пешонаси гурра бўлган, чап қовоғи кўкарган эди. Шартта ўрнимдан туриб:

- Нима қилди? - деб сўрадим.

- Таксичи... - Тоирнинг лаблари титраб, кўзига ёш келди. Ортиқ гапира олмади.

- Нима «таксичи»? - яна сўрадим.

Ҳозиргина жаҳл билан бўғилиб норозилик билдирган Элик эса дардкашлик билан:

- Тушунтириб гапир, оғайни, нима бўлди? - деб Тоирнинг рўпарасига бориб, унинг юзига диққат билан разм солди. Сўнг: - Ҳеч нарса қилмайди. Икки-уч кунда тузалиб кетади, - деб юпатган бўлди.

Бу гап-сўзлардан кейин Дилмурод ҳам оёққа турди. «Нима қилди?», «Ким билан муштлашдинг?» деб савол бера бошлади.

... Уйимиз билан босмаҳона оралиги унча олис эмас. Тоир ишга одатда пиёда борарди. Аммо якшанба кунлари мўлжалланган вақтда турулмас, ишга кеч қолмаслик учун кўча юзиде туриб такси тўхтатар эди. У пайтларда такси нархи ҳозиргидек осмон эмасди. Ҳайдовчилар ҳам анча диёнатли эди. Тоир ўтирганлиги учун йигирма тийин, Эски Жўвагача бўлган масофа учун йигирма тийин ҳисоблаб олдиндан эллик-олтмиш тийин тайёрлаб қўяр, манзилга етгач, тангаларни узатиб, «рахмат» деб тушиб кетаверарди. Бу сафар ҳам шундай қилмоқчи бўлган эди, таксичи ҳовучидаги тангаларга қараб олиб:

- Шошманг, ука! - деди. - Садақа бераётганингга йўқ-ку...

Очиқ эшик олдида туриб қолган Тоир:

- Счётчигингизда кўрсатиб турганидан кам берганим йўқ, ака, - деб илжайди.

- Ука, паркдан ҳозир чикдим. Биринчи мижозим сиз бўлдингиз, - деди ҳайдовчи. - Бола-чақа боқаман, деб кун бўйи изғиб юраман. Эрталабки почин яхши бўлса...

Тоир бу таксичига учинчи марта кезлашиб турибди. Шунга шама қилиб:

- Ҳар сафар берадиган пулим. Яна нима дейсиз? - деди.

Пастга тушган ҳайдовчи машинани айланиб ўтиб, Тоирнинг ёнига келди. Кира ҳаққига тиржайиб туриб танга пул узатадиган «сахий» мижозни у ҳам эслаб қолган шекилли:

- Учунчи марта чиқишинг бу машинага, - деб сансирашга ўтди. - Сен касофатга йўлиққан куним

ишим юришмайди.

- Ҳақорат қилманг! - деди Тоир ҳам кизишиб. - Корхонангизга ёзаман!

Ҳайдовчи бу гапдан озгина юмшаган бўлди. Кафтидаги тангаларни Тоирга узатиб:

- Илтимо, мана буларингизни олинг-да, менга уч сўм беринг, - деди. - Кечга уйингизга йигирма сўм олиб бориб бермасам - одам эмасман.

- Бошқа пулим йўқ.

- Хой, номард, ҳеч бўлмаса бир сўм бер!

Тоир ўзининг ҳақлигини билар, бунинг устига ўжарлиги тутган эди:

- Пулим йўқ. Бўлганда ҳам бермасдим, - деб шартта ўгирилиб кетмоқчи бўлган эди тўсатдан пешонасига мушт келиб тушди. Кўзларидан ўт чакнаб кетди... Хушини йиғиб олганида таксичи ғойиб бўлган эди.

Бу воқеанинг тафсилотини эшитиб ғазабга келдик ва ўша таксичининг йўлини пойлаб, ундан ўч олиш режасини туздик. Эртаси куни азонда «жанговар» кайфиятда йўлга отланиб турган эдик, кўча эшиги тақиллаб қолди. Мурод амаки ҳозиргина чиқиб кетди. Демак, эшик очик, Келган одам, бегона бўлмаса, тўғри ҳовлига кирарди. Хабар олгани Дилмурод чиқиб кетди ва кўп ўтмай қирқ ёшлар чамасидаги қотмадан келган, ўрта бўйли кишини бошлаб кирди.

- Тоир, сенга келибди, - деди.

Тоир меҳмонга кўзи тушди-ю, ранги оқариб серрайиб қолди. Меҳмон аввал Элик иккимизга салом берди. Кейин Тоирга юзланди-ю, унинг пешонасидаги шишни кўриб бир зум эсанкиради. Сўнг ўзини ўнглаб олиб, ялингандек:

- Ука, мени кечиринг, - деди. - Аҳмоқлик қилдим... Мана, қилмишимдан пушаймон бўлиб, бош эгиб келиб турибман. - У ёнидан бир даста пул чиқариб стол устига қўйди. - Шайтон бир йўлдан оздирди. Кечира олсангиз кечиринг.

Бу одам ўша зўрабон ҳайдовчи эканлигини эшикдан кириб келиши биланоқ англаган эдик.

Тоирнинг юзига қон югурди. У нулни ҳайдовчининг олдига суриб қўйиб:

- Ёнингизга солиб қўйинг! - деди.

Меҳмон яна эланди:

- Ахир дори-дармон дегандек... Гап пулда ҳам эмас. Мени виждон азобидан қутқаринг, жон ука!

Тоир бу сафар индамади. Қутилмаган меҳмон эса, ўйлаб қўйган гапларини айтиб олишга шошарди шекилли, тез-тез гапира кетди:

- Биринчи мижоздан мўмай пул олмасанг кун бўйи ишинг юришмайди, деганларига ишонардим. Бўлмаган гап экан. - У кўпроқ бизга қараб гапирарди. - Нотўғрилиги а кеча амин бўлдим. Бир дақиқа бекор турмадим. Яна қанақа мижозлар денг, серпул бойваччалар. Хуллас, уйга қайтгач ўйланиб қолдим-у, эрталабки қилигимдан ҳафа бўлиб кетдим. Нега бунақа тезлик қилдим, ҳайронман. Кечаси билан қийналиб чиқдим. Ўлай агар...

Тоир ҳамон қош-қовоғини солинтириб ўтирар, сенлар нима дейсанлар, дегандек бизга қараб қўяр эди. Тоирдан нидо бўлавермагач ҳайдовчи яна бизга ўтирилди. Бошқа гап топмади шекилли:

- Студент экансизлар-да? - деди.

Ҳалитдан бери бир ҳайдовчига, бир Тоирга қараб жимгина ўтирган Элик:

- Ха, студентмиз! - деб дағалроқ жавоб берди.

- Бир пайтлар мен ҳам ўқишни ҳавас қилганман. Лекин эплай олмадим... Биринчи курсдан кетворганман. Ўшандан бери шофёрлик қиламан.

- Мижозларни уриб пулини оламан, денг! - Эликнинг важоҳати ёмон эди.

- Умримда бировга озор берган одам эмасман. Дилмурод вазият мураккаблашиб кетиши мумкинлигини сездим, вазминлик билан:

- Майли, амаки, - деди. - Ким янглишмайди, дейсиз... Эгилган бошни қилич кесмайди. Кечирмай иложимиз йўқ.

Тўртта йигитнинг ўртасига тушиб қолган ҳайдовчи ҳам, бирон ишқал чиқмаса эди, деб хавфсираб ўтирган эканми, астойдил хурсанд бўлиб:

- Раҳмат-е, - деди. Сўнг яна Тоирдан қайта-қайта узр сўраб, хайрлашиб чиқиб кетди.

Элик стол устида турган пулга қараб:

- Ў-ҳў! - деб қўйди. - Бунақа пул беришадиган бўлса, мен ҳар куни мушт ейишга розиман.

Кулишдик. Тоир бизга қараб илжайиб қўйди.

### ЖИЛМАЙИБ

Кунлардан бирида Элик холасиникига боришга шайланиб қолди-ю, Тоирга бирга юришни таклиф қилиб:

- Бир йўла ҳаммомларига тушиб келамиз, - деди.

Тоир бажонидил рози бўлди. Улар қора сумкани кўтариб жўнашди.

...Рўзимат ака сафарга кетган, лекин ҳар шанба ҳаммом ёқиш одати бу сафар ҳам қанда бўлмаган эди. Айвонда бошига қатта сочиқ ўраб олиб, Насибанинг сочларини ўриб ўтирган Аяжон опа жойидан туриб:

- Келинлар, келинлар, - дея ҳар қачонгидек жилмайиб илик қарши олди ва омон-эсонлик сўрашиб бўлгач: - Ҳаммомга тушасизларми? - деб сўради.

- Албатта, - деди Тоир ҳозиржавоблик билан.

- Бўлмаса иссиғида кириб чиқа қолингизлар.

Болалар ювиниб чиқишди.

Аяжон опа оёқлари тагида турган пастак курсига қайта ўтириб Насибанинг сочларини ўришда давом этди. Тоир билан Элик ҳаммомга киришди. Элик бир чеккага тўнкариб қўйилган тоғорага сув қуйиб печ устида қалашиб ётган тошлар уюмига сочди. Вожиллаб қуюқ буғ кўтарилди. Ана шундан кейин икки поғона зина орқали кўтариладиган тахта сўрига мукка тушиб ётди. Тоир эса иссиқ сувга совуқ сувни омухта қилиб ювина бошлади. Элик иссиқ бугта кўп бардош бера олмади шекилли, пастга тушди. Тоғорага сув қуйиб олиб Тоирнинг ёнига келиб ўтирди.

- Бор, юқорига чик, - деб унинг биқинига туртди. - Қанча узоқ ётсанг - шунча фойда сенга.

Тоир:

- Донолик қилма! - деб тўнғиллади.

Элик ҳам ўшқирдиб:

- Яхши гапни билмаган нодон! - деди. -

Жиринг камаяди. Қара, ҳалитдан корнингни ёғ босиб кетибди.

Тоир бу сафар ҳам бўш келмади:

- Нима, сенга ўхшаб арвоҳдек қилтиллаб юришим керакми?! - деб эътироз билдирди. Аммо кўп ўтмай тоғорадаги сувни бошидан «шов» этиб қуйиб, сўрига чиқиб узала тушди. Элик ювиниб бўлиб, қора

терга ботиб ётган Тоирга бир нафас қараб туриб эшик томон юрди. Тоир бошини кўтариб:

- Ҳа? - деди.

- Бўлди. Сен бемалол ётавер... Чиқишингга чой дамлаб қўяман.

- Раҳмат, ўртоқ! - Тоирнинг оғзи қулоғига етди. - Сен борсан - мен борман-да.

Элик жилмайиб қўйиб чиқиб кетди. Орадан кўп ўтмай Тоир лавлагидек қизариб пастга тушди ва эшикка қараб:

- Элик! - деб чақирди.

- Нима дейсан? - ечинадиган бўлмадан Эликнинг овози эшитилди.

- Хайр қилсанг, бутун қил, ўртоқ. Холангдан сўраб кўр, кўк чойлари бормикан...

- Хўп, хўжайин. - Эшик очилиб сочиққа артинаётган Элик кўринди. - Яна нима буюрадилар?

- Илтимос қиялман, ўртоқ. Томогим қақраб кетди... Ҳар куни нонушталарингга чой дамлаб қўяман-у. Мен ҳам бир марта...

- Хўп, дедим-ку.

Элик ташқарига чиқиши ҳамон совуқ сув келадиган трубаининг мурватини маҳкам буради. Кейин сочикни дорга илиб, айвонга қараб юрди. Насиба сўрида шолчанинг бир чеккасида оёқларини солинтириб китоб ўқиб ўтирар, дастурхон ёзилган хонтахтада қизил духоба «қалпоқ» кийдирилган чойнак билан иккита пиёла турарди. Насиба баҳорда ўн икки ёшга тўлган, ёқимтой, одобли қизча эди. Элик айвонга яқинлашиши ҳамон катталарга хос одоб билан:

- Кўрпачага чиқиб чой ичинг, - дея илтифот билдирди Насиба. Сўнг қўлидаги китобни дераза раҳига қўйиб, секин юриб ошхонага кетди.

Элик бир йўла икки пиёлага тўлдириб чой қуйиб устма-уст ичди. Чанқоғи босилгандек бўлди. Шу пайт Тоирнинг:

- Элик! - дея чақиргани эшитилди.

Элик ҳаммом тарафга бир қараб қўйди-ю, жавоб бермади. Тоир яна устма-уст чақирди. Элик пинагини бузмай ўтираверди. Насиба ошхонадан чиқиб:

- Тоға, Тоир ака чақиряпти, - деди.

Элик мийиғида кулиб, бепарволик билан:

- Кўявер, - деди. - Чўмилиб бўлса ўзи чиқади.

Насиба орқа изига қайтди. Бир нафасдан кейин яна Тоирнинг:

- Элик!.. Хў-ў, Элик! - дея чорлагани эшитилди. У энди бақирришга ўтган эди. Бу сафар ошхонадан қапир кўтарган Аяжон опа чиқди.

- Эликжон! - деди у одатдаги майинлик билан.

- Ўртоғингдан хабар ол-чи.

Элик жилмайиб:

- Орқасини ишқалаб қўйишим керак экан, - деди. - Ёш бола эмас, ўзи ювиниб чиқар.

Аяжон опа мийиғида кулиб:

- Ундай бўлса майли-я, - деб қайта кириб кетди.

Тоир яна чақира бошлади:

- Хой, Элик! Одаммисан?!.. Шунча ҳазиллашганинг етар.

Элик ҳаммом эшиги олдига бориб ичкарига мўралади:

- Бунча бақирмасанг! Кар эмасман.

- Кар бўлмасанг нега ярим соатдан бери жавоб бермайсан?



- Хўш, нима дейсан?  
 - Сувни оч!  
 - Канақа сув?  
 - Совуқ сувни айтяпман.  
 - Мен беркитганим йўк.  
 - Ёлғон айтяпсан.  
 - Ишонмасанг ўзинг чиқиб кўр.  
 - Хой, хумпар, кўзимни очолмайман. Совун суркаб кўйганман.

- Иссиқ сув билан ювин.  
 - Кўл теккизиб бўлмайди, қайнаб кетибди.  
 Ярим челақ бўлсаям келтир.  
 - Бақириб-чақирганингдан кўра илтимос қилсанг бўлармиди.

Тоир хуноби ошиб, жиғибийрон бўлиб турар, Эликни опгани ўки, кўргани кўзи йўк. Лекин ятанишдан ўзга чораси ҳам қолмаган эди.

- Жон ўртоқ, - деб эланишга мажбур бўлди.  
 - Илтимос, бир челақ сув келтириб бер. Ўчоқ бошида бордир.

- Бу бошқа гап. Хозир қараб кўраман.

Орадан кўп ўтмай Элик ярим челақ сув кўтариб кириб, совун кўпигига беланиб ўтирган Тоирнинг олдига қўйди.

- Ма, бори шу экан. Кўзларингни очиб олишингга етади.

У ҳаммомдан қайтиб чиққанида Аяжон опа унинг челақда сув кўтариб ўтганини кўрган шекилли, ошхона эшиги олдига ҳайрон бўлиб кутиб турарди. Буни сезган Элик:

- Совуқ сув тўхтаб қолибди, - деди.

- Бунақа касали йўк эди-ку.

Аяжон опа ажаблангандек елкасини қисиб қайта кириб кетди. Тоир тинчиб қолган эди. Аммо узоққа чўзилмади. «Элик!» дея такрор-такрор чақира бошлади. Элик эса ҳаммом атрофида имирсилаб юрар экан ахён-ахёнда «Хозир» деб овоз берган бўларди-ю, ичкарига киришга шошилмасди. Ниҳоят:

- Нега бақиряпсан? - деб эшикдан бош суқди.

Тоир ечинадиган бўлмада қип-яланғоч ҳолда шумшайиб ўтирар, сочларидан юз ва кўзларига, баданига сув томчилари сирғалиб тушарди. Элик ҳеч нарсадан хабарсиздек:

- Яна нима дейсан, хумпар? - деб сўради.

- Сочик қани? Кийимлар қани?

Элик бир зум индамай қараб туриб:

- Хозир, - деб эшикни ёпди. Кейин ошхона олдига бориб: - Хола мен сигарет олиб келаман. Магазанда ишингиз йўқми? - деб сўради.

- Йўк. Ўзинг тезроқ кир. Ха демай овқат тайёр бўлади.

- Хўп. - Элик кўчага чиқиб кетди...

Тоир ҳикоясини:

- Хуллас, яна ярим соатча ҳаммомда кутиб ўтиришга мажбур бўлдим. Опадан уялганимни айтмайсанларми. Бу ҳам майли-я, чанқаганимдан тилим оғзимга сиғмай, ўлар ҳолга келдим. Бир қултум сувга зор бўлдим, - деб яқунлади.

Бу хангомага ҳеч қандай алоқаси йўк кишидек бир чекқада жилмайиб қулоқ солиб ўтирган Элик эса:  
 - Яланғоч авлиё! - деб қўйди.

(Давоми келгуси сонда)



УНУТМАДИМ  
АДОЛАТ РАСМИН

(Шеърга тушган ҳадислар)

**Бисмиллаҳир раҳманир роҳийм**

Маълумки, ҳазрат Али, Расулдуллоҳнинг пайгамбарликларини биринчилар қаторида тасдиқлаган мусулмонлардан ҳисобланадилар. Ушанда ёшлари ўн уч атрофида бўлиб, ҳали балозат ёшига етмаган эканлар. Оталари Абу Толиб - Расулдуллоҳнинг ўн иккита амакиларидан бири эди.

Ҳазрати Али илмда жуда ўткир бўлиб, дунёвий саналган фалакиёт, илми ҳисоб, назм, тарих, наҳв ва сарф каби соҳаларни ҳам жуда чуқур билганлар. Шунинг учун ҳам, пайгамбаримиз Ул кишининг ҳақларида: «Мен - илмнинг шаҳри бўлсам, Али унинг дарвозасидир. Агар ким илм олмақчи бўлса, ушбу дарвозага келсин» (Таброний), - деб таъриф қилганлар.

Қолаверса, чориёрлардан бири, дини Ислому учун жон олиб, жон берган бу ҳазратни пайгамбаримиз жуда яхши кўрганлар. Жумладан, унинг юзига боқиб ўлтиришликни ибодат ҳисоблаганлар. (Таброний).

Лекин дини Исломда, пайгамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳиссалом «Алига ваъсият қилмаган», деган қараши борлигини ҳам айтиб ўтиши керак. Бунга қўлингизни пайгамбаримизнинг рафиқалари - Ҳазрат Ойша онамизнинг гаплари мисол қилиб келтирилади. Шундоқ бўлса-да, қўллаб манбаларда бу гап рад этилади ҳам. Чунончи, бир манбада шундай дейилади: Ҳазрати Али карамуллоҳу ваҷҳаҳу (Аллоҳ таоло у зотнинг юзларини мукаррам қилсин!) дин ривоят қилибдурларки, бир кун сарвари олам Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи васаллам мени ҳузурларига талаб қилдилар. Вақти ки, хизматларига бордим. Менга меҳрибонликлар қилиб айтдилар: - Ё Али, сен менга Мусо алайҳиссаломнинг Хорун деган акаси каби яқинсан, лекин Хорун каби пайгамбар эмассан, чунки мендин сўнг пайгамбар чиқмас.

- Ё Али, бу кун мен сенга бир васият қилурменки, уни асрасанг, дунёда яхши ҳолда бўлгайсен. Агар ўлсанг, шаҳид кетгайсен!

Бу гапларнинг қайси бири ҳақиқатга мос келиши ёки келмаслигини шу соҳа билимдонлари ҳал қилсинлар. Биз бунга аралашмаймиз. Бизга - неча юз йиллардан бери халқимиз маънавиятининг узвий бир бўлагига айланиб қолган ҳадислардаги маъно ва моҳиятнинг чуқурлиги, инсонийлиги қадрли. Шақ-шубҳа йўқки, буюк ҳикматларда нафақат улар яратилган даврнинг; балки бугуннинг, эртаннинг дардлари ҳам ўз аксини топган.

Эътиборингизга ҳавола қилинаётган ваъсиятда халқимиз ҳаёти ва дунёқарашига ҳамоманг жихатлар бор, деб ўйлаймиз. Уларда учрайдиган саҳв ва хатоларни Оллоҳ таолонинг ўзи кечирсин.

Муаллиф

Шукур КУРБОН. Унутмадим адолат расмин

1. - Ё Али, бу мусулмон аҳли Юмшоқ кўнгли билаён устивор, Қай банданинг қаттиқдир қаҳри, Анинг кофир бўлиш ҳавфи бор.
2. - Ё Али, валийлик - валийлар учун Намозу рўзанинг шарофатимас, Хор тутишган нафсини кун-тун, Жувонмардлик қилган басма-бас.
3. - Ё Али, беҳиштни яратди Аллоҳ, Беҳишт сўрди: «Кимлар учун мен паноҳ?» - Аҳли жувонмарду аҳли парҳезкор, Жой олур бағрингдан - Алҳамдулиллоҳ.
4. - Ё Али, дўзахни яратди Аллоҳ, Деда: «Мени кимлар макон айлар, оҳ?!» - Мутқааббирлару баҳиллар-сенинг! - Орий! Улар менга муносиб мутлок.
5. - Ё Али, баҳиллик бир дарахт, дўзахда ўсган, Ҳасадгўйлар боғланар қўл қўзиб унга баттар, Ўша, шоҳ-шаббаси-ла, жаннат йўлини тўсган, Нокасларни дўзахга торгадир ул, албатта.
6. - Ё Али, бир хурмо бахш эта олганинг - Ким-бирова омон-соғ юрганинг чок, Сен учун бошқаларнинг, ўлганингдан сўнг, Юз тилла бахш этганидан кўра яхшироқ.
7. - Ё Али, иши тушса сенга бировнинг, Иноят бу илоҳий, ҳожатин чиқар. Бўлур шунда сенинг ҳам ҳожатинг раво, Гуноҳларинг ёрлақаб, Аллоҳ кечирар.
8. - Ё Али, бутун олам душманинг бўлса-бўлсин, Иродали, қатъиятли, бир сўзли бўл сен. Ёлғончи бу умрда ёлғонни айтма, Жувонмардликдан, омонат асрашдан қайтма.
9. - Ё Али, сиддикнинг уч аломати бор, Кўздан ниҳон тоату ибодати бор, Қилган барча гуноҳу садақатин ҳам Оллоҳимдан ўзгаси билмайди зинҳор.
10. - Ё Али, саховат бир дарахт - жаннатда ўсган, Дахл қила олурлар соҳиблар бу дарахтга. Ўша, шоҳ-шаббаси-да, дўзах йўлини тўсган, Ўша жувонмардларни чорлар жаннатга, бахтга.
11. - Ё Али, бирор етим йиғлар экан, ҳар қачон Аллоҳнинг Арш Маниди зилзилага келадир, «Йиғлатганлар, албатта, йиғласин!» - бўлар фармон, Ўзига ул дўзахдан жойини кенг қиладир.
12. - Ё Али, бирор етим қувнар экан, ҳар қачон Осмон эли ҳаммадан илгарироқ биладир, «Қувнатганлар, албатта, қувнасин!» - бўлади шундай фармон, Ўзига, ул, жаннатдан жойини кенг қиладир.

13. - Ё Али, тўрт нарсa бор - равшaн этар кўз нурин:  
Курьонга ва хонаи Каъбага назар қилмоқ,  
Бокмоқ уламоларга кўзга тўплаб қалб кўрин,  
Ота-она васлидан тез-тез бахраманд бўлмоқ.
14. - Ё Али, уйқу, бу - ўлим билан тенг,  
Ўлимдан сўнг эса, сўроқ-жавоб бор.  
Бўлгил душманларга доим бағри кенг,  
Ризо этмай уларни, ухлама зинҳор.
15. - Ё Али, донишманд - ғазаб вақтинда,  
Собиру бардошли - азоб вақтинда  
Ва хожат вақтинда билинадир - дўст...  
Бошқа вақт гофилдай яшаймиз, афсус.
16. - Ё Али, ҳар кимники дўст-ҳамдами бўлса оз,  
Уст-боши, ейиш-ичиши бўлса ҳамки сўз,  
Ҳар қаерда ҳеч қачон ургани бир ҳадди йўқ,  
Парвардигор қошида кадру манзалати йўқ.
17. - Ё Али, дўсти йўқ киши - чап кўлдай,  
Ўнг қўлсиз, айт, нима қилишга қодир?!  
Эй, ёлғиз яшама Худо йўлинда,  
Эй, Оллоҳ йўлинда кўпроқ дўст орттир.
18. - Ё Али, Тангрига ҳаммадан кўпроқ -  
Душманни ҳам эл-юрт ёқтирар гоҳ-гоҳ.  
Унинг ташдан малиҳ ва ичдан қабих -  
Эканлигин яхши биладир Аллоҳ.
19. - Ё Али, золимнинг уч аломати бор:  
Ўзига тобеларнинг ичар у қонин,  
Зўрлар қошида ўзин кўрсатар ночор  
Ноҳаддан-ноҳад ер халқнинг ош-нонин.
20. - Ё Али, кимнинг маоши ҳалол,  
Келмас яхшиликлар кўнглига малол,  
Қувват касб этадир дин-этиқоди,  
Дуоסי ижобат бўладир дарҳол.
21. - Ё Али, Одамзодда жинниликдан бир томир,  
Гунг-қарликдан бир томир, кўрликдан бир <sup>томир бор.</sup>  
Жиннилик қилса гоҳо, бермагил «жинни» номин,  
Гоҳо кўрлик қилса, гунг-қарлик қилса, эт сабр.
22. - Ё Али, ҳар қуни тавба қил, ҳар кун -  
Етмиш марта тавба қилурман мен ҳам.  
«Истиғфор» калимаси - мустаҳкам кўрғон,  
Ташқаридан кўра у ичидан кўркам.
23. - Ё Али, кўланқада бўлмагани қаби жон,  
Ёлғончида вафо бўлмас, баҳилда-чи, мурувват.  
Ёмонларда жувонмардлик бўлмас ҳеч қачон,  
Кўланқада жон ўрнини эгаллаган рутубат.
24. - Ё Али, барча бирдай балким олавермас т.н,  
Балким ақли етмас бу ҳақиқатга ҳар кимнинг:  
Ризқ-рўзнинг танг бўлмоғи - гуноҳнинг <sup>кўплигидан</sup>  
Ҳамда ғазабидандир Худованди қаримнинг.
25. - Ё Али, ҳар кишики Курьонни ўқиб,  
Ҳалол билан ҳаромни айламаса фарқ,  
Парвардигор қаҳридан омонлик йўқдир,  
Маҳшар қуни бўлар ғам дарёсига фарқ.
26. - Ё Али, дўзахда бир тегирмон бордир,  
Курьон ўқиб, Курьонга амал қилмаганларнинг,  
Олим бўлиб, парҳез нима билмаганларнинг  
Миялари ўшанда янчилиб хордир.
27. - Ё Али, бу зўравонлар яшаш тарзин фаҳм эт,  
Бир-бирининг гўштини ейишадир кетма-кет,  
Мурасасиз бўл уларга, нафратинг соч, жаҳл эт,  
Шикастадил, заифларга леккин қайиш, раҳм эт.
28. - Ё Али, маоши ҳалол банданинг  
Ризқ-рўз, насибаси жаннатдан келур,  
Дини маҳкам, дили нурафшон анинг,  
Ҳақсизлик ичра ҳам ҳақ йўли билур.
29. - Ё Али, менга ваҳий келди: «Аҳмадо,  
Фаришталар аро мен бирлик ташладим,  
Саҳобалар аро сен ҳам меҳр эт пайдо,  
Билгилки, биродарлик яхши нарсадир.
30. - Ё Али, Аллоҳга турш юзлик айлама,  
Номаъи аъмодингни қора сайлама,  
Очик юзликларни ёқтирар Худо,  
Бекин-у, бегилчир ҳамда бетанна.
31. - Ё Али, хотинига қулфат ва озор -  
Берган эр, сўнгра рози қилмаса уни,  
Барча яхши амаллари кетади бекор,  
Душмани бўлар Худо қиёмат қуни.
32. - Ё Али, тилдан яхшироқ ҳамда тилдан <sup>ёмонроқ</sup>  
Одамийзод вужудида яратилмаган аъзо,  
Тушган - тушар жаннатга, шу тил сабаб бўлур,  
Тушган - тушар дўзахга, сабабчи шу тил танҳо. <sup>бок,</sup>
33. - Ё Али, сақлан мудом лаънат айтмоқдан  
Худо маҳлуқига - ҳар кимга, ҳар нега,  
Акс-салодай ёпишар лаънат ҳар ёқдан,  
Қайтар, ўрнин топмаса, ўзинга - сенга.
34. - Ё Али, ўликлар-ла ўлтирма зинҳор,  
Айтдим: «Ўликлар ким, ё Расулulloҳ?»  
Айтдилар: «Жоҳиллар мурдалардир - хор,  
Гофиллар мурдалардир, Али, бўл огоҳ».
35. - Ё Али, эҳтиёт бўл зулм кўрганнинг -  
Қарғишидан, ҳатто ул бўлса ҳам кофир  
Худо ҳимоя этар банд урганни  
Ва дуосин мустажоб айлашга қодир.
36. - Ё Али, ҳамр ичувчи, закотни билмас -  
Кимсаларга бўлма дўст, бўлма ошино,  
Ундайларни осмонлар назарга илмас,  
Уйдайларга душмандир Аллоҳ таоло.
37. - Ё Али, ёлғон-яшиқ ичилган ҳар бир қасам  
Юз-кўзингдан кетказар фариштани ва нурни,  
Аритар ҳаётдан файз-баракани дам-бадам,  
Қискартириб борадир ва ўткинчи умрни.
38. - Ё Али, парҳезкорнинг аломати шу учов:  
Қочар ёлғон-яшиқдан, гийбат ва фикс-фасоддан,  
Ҳазар қилар ва ёмон сўхбатдошдан, ҳасаддан  
Ва ҳаромдан ҳалолни эҳтиётлаб бўлар гоф.
39. - Ё Али, ҳар кун бўл шод, хушнуд,  
Намоздан сўнг тонг отишин кут.  
Саҳар вақти турғувчиларни  
Фарзандларинг қаби азиз тут.
40. - Ё Али, бор неъматнинг, айтайин аслин  
Сенга ўргатдим ва болин ичирдим  
Ва унутмадимки адолат расмин,  
Балоларнинг асидан сени қочирдим.



Ўзбекистон халқларининг «оила» деб аталмиш кичик жамоасининг шаклланиши ва ривожланиши бошқа элларникидан озми-кўпми фарк қилади. Тарихга назар ташласак, ҳозирги Осиё минтақасида истиқомат қилган халқларда ибтидоий жамоа тузуми босқичидаёқ патриархал оила таркиб топа бошлаганига амин бўламиз. Этнографлар ҳақли равишда таъкидлаётганларидек, катта-катта оилавий жамоалар Марказий Осиё деҳқончилик билан шуғулланувчи қабиларидаггина эмас, киргиз, қозоқ, туркман, уйғур каби қатор туркий қавмларнинг авлод-аждоғлари саналмиш кўчманчи халқларда ҳам мавжуд бўлган. Кейинчалик улар ўз аҳамиятини йўқотиб, индивидуал оилага ўрин бўшатиб берганлар. Бирок бу жараён зиддиятли характерга эга бўлиб, кўп асрлар мобайнида давом этган.

Ўзбекларнинг патриархал оиласи, унинг турмуш тарзи, нималардан иборат эди? Аввало, ер, сув, чорва молларига, бошқа ишлаб чиқариш воситаларига ҳужайинлик эркаклар, тўғрироғи ота қўлида эди. Оиладagi ўзаро муносабатлар отанинг аёллар ва болалар устидан чекланмаган ҳокимияти, кичикларнинг катталарга тўла ва сўзсиз бўйсуниб асосига қурилган.

Ўғиллар ва уларнинг оила аъзолари ота кириб келган пайт ўринларидан туришлари ва у ўтиргандан кейингина ўтириши мумкин бўлган. Бундай ҳол фарзандлар балоғатга етгандан кейин ҳам давом этган. Ҳатто, ота хонадонида истиқомат қилувчи уйланган ўғил ҳам унинг изн-ихтиёридан чиқмаган. Кексалар оилавий жалжалларга аралашиб, айбдорларни жазолаш ҳуқуқига эга бўлган. Ёш болалар оилада, жамоат жойларида ҳам катталарни иззат-ҳурмат қилиш руҳида тарбияланган. Ёшлар бу қоидаларни бузишга журъат эта олмаганлар. Уларни бузиш жамоатчилик кўз ўнгига шармандали бир ҳол ҳисобланган. Эр билан хотин ўртасидаги оила-никоҳ муносабатлари, ота-оналар билан болалар ўртасидаги муносабатлар олатдаги ҳуқуқ нормалари - шариат ва олатнинг турли йуриқлари билан изга солинган.

Бола туғилиши, усиши, тарбияланиши билан боғлиқ урф-олатлар, маъракалар келажак авлод давомийлигини таъминлаш истаги билан йўғрилган. Ҳақиқатдан ҳам ўзбеклар серфарзандликни ёқтирадилар. Зеро, «болали уй бозор, боласиз учун мовор» дея бежиз айтилдилар.

Фарзанд туғилиши биланок турли

маросимлар, урф-олатлар ва байрамларнинг бутун бир мажмуи бошланган. Булар - чакалоқ кулоғига азон айтиш, уни бешикка солиш, биринчи марта чўмилтириш (41-кун), биринчи тирноқ олиш (4 ойда), соч олиш (7 ойда), хатна қилиш ва бошқалардир.

Ўзбекларнинг ўғил уйлантириш ва қиз чиқариш маросимлари ҳам миллий анъаналар руҳи билан суғорилган. Албатта, никоҳ ўқитиш зарур бўлган. Зеро, никоҳ оиланинг вужудга келишида бирдан-бир асос ҳисобланади. Шунинг учун у фақат ахлоқ нормалари билангина эмас, балки ҳуқуқий қоидалар билан ҳам тартибга солинади. Бу соҳада умуминсоний ва миллий қадриятларнинг ўрни ва аҳамияти жуда катта.

Қиз чиқариш маросимларида келинни инс-жинсларнинг зарарли таъсиридан, асраш учун турли урфлар ва жарилалди. Масалан, тўй арафасида қиз ота-онаси уйилан ҳеч қаерга чиқмаслиги, никоҳ кўни эса қариндош-уруғларникида ёки энг яқин ишончли кишиларникида туриши керак.

Келин тушгач эса инс-жинсларнинг таъсиридан учраш учун у 40 кун давомида чиллада сақланади. Марказий Осиё халқларига мансуб бўлган бундай урф-олатлар, удумлар, ниҳоятда синалган, ижтимоий тарихий

тажрибага асосланганига шубҳа йўқлир.

Шунингдек, кўзи ёриган аёл ва унинг чакалоғини ҳар хил салбий таъсирлардан сақлаш учун 40 кун чиллада сақлайдилар. Айтишларича, чилда қоидаларига риоя қилиш билан кўплав касалликлардан, ёмон кўзлардан асралар экан. Ҳомиладорлик пайтида аёл танасида жуда катта ўзгаришлар кечали, ниҳоятла толиқиб, ночора аҳволга келиб қолади. Бу даврда овқатланиш, кийиниш, асаб бузмаслик каби қоидаларга келинчақлар риоя қилишлари лозим. Афсуски, бу ҳақда ҳозир ўрта мактаб ва олий ўқув юртларининг ўқув қўлланмаларида, дарсликларида етарлича маълумот берилган эмас.

Жамиятнинг покланиш ва янгланиши, иқтисодий ислохот, демократия ва ошқоралик жараёнининг ривожланиши, республика ҳуқуматининг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий муаммоларни ҳал этиш юзасидан белгилаб берган талбирларининг рўёбга чиқарилиши, бизнингча, жамият ва оилада анъаналарнинг тикланиши учун қулай шарт-шароитларни вужудга келтиради.

Исматулла ХУДОЙБЕРДИЕВ,  
Қарши Давлат Университети доценти

## ЎЛМАС УРФЛАР



Нозим РАСУЛ

## ВАТАН

Сен азизсан, жуда ардоқли,  
Сенга меҳрим дилимда лим-лим.  
Фақат изҳор қилгим келмайди,  
Ўта сийқа туюлар балким.

Барча сенга мадҳия битиб,  
Ўқиб юрса элга қийқириб.  
Шубҳа аста қўлимдан тутиб,  
Ётовига олди ҳайқириб,

- Кўзларингдан ўсаётган ўша -  
Юрагинга илдиз отган Ор.  
Сен туғилиб ўсган шу гўша.  
Қуруқ сўзлар дастидан бемор...

Ўкинчим шу - қила олмадим,  
Битта кичик мушқулинг енгил.  
Этолсам мадҳ, сени қачондир.  
Майли, юз бур! Ёнсин-ей кўнгил.

Юрагимда боқилаверар,  
Ҳали номи номаълум сўзлар.  
Юролмайди..., йиқилаверар,  
Қариб, қадри тўкилган бўзлар...,

Кошки ёнса, битса шу кўнгил.

\* \* \*

Фақирлик қуръаси бурар тилимни,  
Мен энди йўқликлар ичра йўқсизи.  
Чангалзор оралаб ўтади йўлим  
Елкамда... милтиқнинг ўқсизи.

Даҳшатлар қамрайди қалбимни  
Ўзимча қўрқувдан қўрқмайман.

"...О, буюк муҳаббат хайр энди,  
Англадим мен сенга ёқмайман".

Шитирлаб шоҳларнинг ортидан  
Йиртқич нигоҳида ҳайрат сочилар.  
Ишқпараст илонлар оғзини  
Юмолмас, ҳолимга ачинар.

Англадим, хузурбахш эсан  
насим ҳам  
Аслида ашаддий ёв умр шамин.  
Калтанхур сағирга ҳануз  
ризқ суйил...  
Ҳақимлар лабида ҳолванинг таъми.  
Андижон

Шуҳрат ТОҲИР

## КУРТАКЛАР СИРИ

Беун пичирлади куртақлар,  
Сирларга айланди сўзлари.  
Фақат ошқор «қиш ўтди» деди  
Бодомнинг гуллаган кўзлари.

Майсалар кўтарди қаддини,  
Елкасидан совуқ қиш кулаб.  
Тошлар таҳлил қилар байтини  
Жилға ўтгач - ненидир куйлаб.

Тўп-тўп бўлиб оппоқ булутлар,  
Гурунглашар чоллардек сокин.  
Шундай сулув манзара билан  
Тиллашмоқда яна бир оқин.

Паркент





## КЎНГИЛ КЕЧМИШЛАРИН КАШФ ЭТИБ

Улуғ шоир Алишер Навоийни бошқа ижодкорлардан ажратиб турадиган, ўша тор ва чекланган муҳитни, анъаналарни ёриб чиқишида муҳим аҳамиятга эга бўлган усулларида бири лирик тимсолларнинг нафақат ташқи кўринишини таъриф ва тавсиф этиш, балки уларнинг маънавий оламини ҳам ёритиб беришга интилишидан иборатдир.

Навоийнинг лирик қаҳрамони ўз кўнглини банд этган ёр васфига киришар экан анъанавий таъриф ва тавсиф усуллари, тасвирий воситалар билан қаноатланмайди. Аксинча, ёрнинг руҳий-маънавий олами, ўзига хос психологияси, ошиғига бўлган муносабатининг нафис ва нозик томонларини ҳам очиб беришга интилади. Маъшуқанинг маънавий олами, феъл-атвори, психологияси акс этган байт унинг ташқи кўринишини, унинг ички олами билан боғлаб, ҳар бир хатти-ҳаракати табиийлик ва мантиқ нуқтаи назаридан асосли эканлигини кўрсатади:

*Кечрак очмоқ бурқаб эрмас эл  
улар деб раҳм учун,  
Балки айларсен улус кўпрак  
йиғилсин деб ҳаял.*

Ғурур кўпинча ҳусннинг ҳамроҳи бўлади. Лирик қаҳрамоннинг раҳми, ботиний ички норизолиги, ўлка-гинасига сабаб бўлган гўзал ҳам ғурурдан ҳоли эмас. У гўё ҳуснни кўрган одамлар туғенга тушиб, ҳалок бўлмасин деган мақсадда юзидаги пардани очмай турибди. Аслида эса ҳуснни кўз-кўз қилиш учун кўпроқ эл йиғилсин, деган пинҳона мақсадда юз очмаяпти. Маъшуқа психологияси санъаткорона очиб берилгани учун ҳам мазкур байт ғазални ич-ичидан нурлантириб туради.

Ёрнинг айёрона шўхлиги, ошиқ кўнглига ўт ёқувчи ноз-қарашмаси сўз ўйини воситасида ҳам ойдинлаштирилади:

*Бош қўйя дегим оёғи туфроғига,  
gedu: «қўй»,  
Бўса истаб лали рангин сўрдум,  
эрс деду, «ол».*

Шоир тажнис санъатидан ғоят моҳирона фойдаланиши унинг қатор туюқларидан маълум. Аммо ғазал жанрида тажнис санъати - омонимлардан ўринли фойдалана билиш нисбатан ноёб кўринишлардан. Келтирилган намунадаги «қўй» сўзи ҳам, «ол» сўзи ҳам икки хил манога келади: қўй - майли, қўя қол; қўй - қўйсанг-чи, қўйма. Ол - олақол; ол - қизил. Маъшуқанинг чиройли сўз ўйини ошиқ - лирик қаҳрамонни додиратганидек, шеърхонни ҳам завқлантиради.

*Орзуи васлигин ранжур эрур  
мунглуг кўнгул -  
Қут учун тазвир ила бемор  
бўлгондек гадо.*

Ғадонинг бирор нарса ундириш умидида ўзини беморликка солиши ҳам жамиятда тез-тез учраб турадиган ҳодисалардан бўлиб, лирик қаҳрамоннинг ўзини ана шу ҳодисага муқояса қилиши шеърнинг таъсирчанлигини, лирик қаҳрамон, умуман, ошиқлар психологияси қирраларидан бирини бўрттириб кўрсатмоқда.

*Неча мен меҳнат чекиб, ул ой  
танаъум айлагай,  
Ошкоро йиғласам, пинҳон  
табассум айлагай.*

Келтирилган байтда қаршилантириш усули орқали ошиқ ва маъшуқанинг аҳвол-руҳияси ҳамда ҳолатлари психологик планда ёрқин очиб берилган. Ошиқ ғам-ташвиш билан кун кечиради, маъшуқа эса танаъум - роҳат-фароғатда. Ғам-ташвишлар йиғига сабаб бўлса, ошиқ йиғиси ёрнинг хушнудлиги - табассумига сабаб бўлмоқда. Чунки маъшуқанинг ноз ва истиғно билан ошиқ кўнглига оташ солиши ва унинг ўртанишидан завқланиши табиий ҳол.

Алишер Навоийнинг инсон руҳияти қатламларини кашф эта олиши, кўнги кечинмаларини бадий талқин этишдаги маҳорати қуйидаги характерли мисолдан ҳам кўриниб турибди:

*Ёрига борса юз иш бўлса  
Навоий тарк этиб,  
Лек қайтур вақти ҳар соат  
бир ишга қуйманиб.*

Бу ўринда психологик жараён ошиқнинг хатти-ҳаракати орқали ёритиб берилмоқда. Чунки маъшуқ сари интилиб яшаш, васл учун туғилган ҳар бир имкониятдан фойдаланиш, хайрлашиш пайтида эса бўлар-бўлмасга қуйманиб, вақтни чўзишга ҳаракат қилиш ўз ёрига дилдан боғланиб қолган чин ошиқларнинг азалий одатидир.

Алишер Навоийнинг лирик мероси инсоннинг маънавий олами қирралари, психологик кечинмалари, ўй-фикрлари, махфий туйғуларини образли гавдалантирувчи ана шундай мисолларга ғоят бойдир. Унинг ижодий меросини абадиётга дохил қилган фазилатлардан бири ҳам шу дейиш мумкин.

*Ҳабибулло Жўраев*



Икром ОТАМУРОД

# ИСТАРИМ



Достон

Кўзинг беморимен, мендин юмиб кўз,  
Яна оғритмагил беморларни.  
Заҳириддин Муҳаммад Бобур.

Биз учрашдик оддийгина:  
сен қарадинг,  
мен қарадим.  
Бошланди сўнг жиддийгина  
канглумда бир тарадди.

Чаросларинг хуршиди ял,  
канглумни суйди насимлар.  
Дил мулкига чизди ҳал-ҳал,  
сулув-сулув зўр расимлар.

Чилвир-чилвир дайроларинг  
кўзларимни оқизди.  
Қалдирғочим, парволаринг  
жон нурига томизғи.

Дийдори гавҳар ганжина -  
феруза ҳис торғди тим-тим.  
Жим, бир лаҳза ҳеч не демай,  
ҳеч не демай бир лаҳза, жим!

Бир лаҳза уйғониб, сочди  
анбарафшон соғинчини.  
Бир-бирига дилин очди,  
очди диллар боғичини.

Юрагимнинг чок-чокидан  
аё, сийрилди хоҳилар.  
Сибизғалар қоқ-қокида  
чамбар-чамбар зулоҳилар.

Биз учрашдик оддийгина:  
сен қарадинг,  
мен қарадим.  
Бошланди сўнг жиддийгина  
канглумда бирр тарадди...  
Кенглумда... бирр... тарадди...

\* \* \*

Хаёлимда истаргинам,  
хаёлингда истар эдинг.

Хаёлимда мустаргинам,  
хаёлингда мустар эдим.

Хаёлимда ўйларгинам,  
хаёлингда ўйлар эдинг.  
Хаёлимда бўйларгинам,  
хаёлингда бўйлар эдим.

Хаёлимда изларгинам,  
хаёлингда излар эдинг.  
Хаёлимда бўзларингинам,  
хаёлингда бўзлар эдинг.

Хаёлимда соғинчгинам,  
хаёлингда соғинч эдим.  
Хаёлимда доғинчгинам,  
хаёлингда доғинч эдим.

Хаёлимда гинагинам,  
хаёлингда гина эдим.  
Хаёлимда синагинам,  
хаёлингда сина эдим.

Хаёлимда аффонгинам,  
хаёлингда аффон эдим.  
Хаёлимда армонгинам,  
хаёлингда армон эдим.

Хаёлимда... хаёлгинам...  
Хаёлингда... хаёл эдим...  
Хаёлимда...  
Хаёлингда...

\* \* \*

Сени не деб эркалай,  
не деб суяй суйгулим?!  
Сўз излайман ҳар қалай  
айланиб, ўргулули.

Куйик бағрим танида,  
соғинч-интиқ сўзларим.

Икром ОТАМУРОД. Истарим

АЁ, ИШҚ ВАТАНИДА  
сени қанча изладим?!

Канглум тушмас жойига,  
моҳим - камдек туйилар.  
Ахир, сенинг пойингта  
шамсдан нурлар қуйилар.

Гулим - ожиз бу нисбат,  
рангсиз қиёс - фариштам.  
Сенинг васлингни истаб  
Эрам чорбоғида ғам.

Қалдирғочим - руҳафзо,  
интизорим, узорим.  
Ўзинг - канглумда изо,  
ўзинг - руҳимни зори.

Сени не деб эркалай,  
не деб суяй суйгулим?!  
Сўз излайман ҳар қалай  
айланиб, ўргулгули...

\* \* \*

Мен сенга энг гўзал сўзни айтаман,  
Энг ширин, энг латиф сўзни айтаман,  
Энг майин, энг қийин сўзни айтаман -  
И С Т А Р И М ! . . .

Сулувим, бувишим - атаганим шу.  
Минг йиллаб канглумда асраганим шу,  
Тил остига кўмиб сақлаганим шу -  
И С Т А Р И М ! . . .

Уммон ичра туриб, қақраган жонман,  
Имкон ичра нетай, ох, беимконман,  
Мулки соғинч бўлган ғариб султонман -  
И С Т А Р И М ! . . .

Қалбимга ўт ёқиб, суйдирган оҳим,  
Жонимга азобни уйдирган оҳим,  
Руҳим иқлимларин куйдирган оҳим -  
И С Т А Р И М ! . . .

Мен сенга энг гўзал сўзни айтаман,  
Энг ширин, энг латиф сўзни айтаман,  
Энг майин, энг қийин сўзни айтаман -  
И С Т А Р И М ! . . .

\* \* \*

«Сиз менинг излаганим,  
топганим...» дединг.  
Канглумм бирр тўллди,  
қалқидимм...  
Танимга сиғмайлар кетдима,  
дунёга сиғмайлар кетдима,  
қалдирғоч,  
сен  
марҳамат айлаган  
гўзал мурувватдан.  
Кўзингта термулдим,

қалдирғоч.  
Термулдим мени ёндирган чўғта,  
термулдим синовли-синовли,  
ишониб-ишонмай  
ўзимга-ўзим,  
қалдирғоч...  
«... Сиз менинг излаганим,  
топганим!...»  
Шивирлаб дединг сен,  
қайта-қайта,  
қалдирғоч...  
Шивирлаб....  
канглумга сингидинг, қалдирғоч...

\* \* \*

Суманбар рухсоринг ой каби тоқдур,  
Кўзларинг ангаки нарғиз мунчокдур,  
Дилимда армонлар дарёдай оқур,  
Қалдирғоч қарошлим, қалдирғоч қарош.

Бул қарош айланди жонимга хуммор,  
Бул қарош бойланди жонимга туммор,  
Бул қарош шайланди жонимга суммор,  
Қалдирғоч қарошлим, қалдирғоч қарош.

Хаёлим тўкилди дайрона-дайрон,  
Соғинчим сўкилди сайрона-сайрон,  
Канлум-да юкилди қайрона-қайрон,  
Қалдирғоч қарошлим, қалдирғоч қарош.

Мен - ишқнинг хужрасин излаган гадо,  
Ғамларин ғамларга сўзлаган адо,  
Ҳижроннинг торида бузлаган садо,  
Қалдирғоч қарошлим, қалдирғоч қарош.

Самонбар рухсоринг ой каби тоқдур,  
Кўзларинг ангаки нарғиз мунчокдур,  
Дилимда армонлар дарёдай оқур,  
Қалдирғоч қарошлим, қалдирғоч қарош...

\* \* \*

Соғинч - гуноҳим,  
айбимда - соғинч.  
Симар тун охин  
юлдузлар боғи.

Узилар чирс-чирс,  
тунги япроқлар.  
Синади қирс-қирс,  
катрон қадоқлар.

Хоболуд тешиқ -  
ёздуғлар зим-зич.  
Сен кирган эшиқ  
қавалар ғим-ғич.

Йўлақлар титраб  
қолади ташда.  
Гардишин судраб  
ой чизар кашта.

Чоғирин сунгай  
нилгуң салоҳи.  
Бағримда унгай  
соғинч малоҳи.

О, қалдирғочим,  
канглумда зуфун.  
Телба соғинчим  
кучиб ётар тун.

Соғинч - гуноҳим,  
айбимда - соғинч.  
Симар тун оҳин  
юлдузлар боғи...

\* \* \*

Ҳар гал, келишингни кутар интизор,  
интиқ дилим, интизор дилим.  
Ҳар гал, соғинчини айлағай изҳор,  
соғинч дилим, сарвисор дилим.

Нигоҳи титилар нигорон ҳар гал,  
нигоҳ дилим, нигорон дилим.  
Фироғинг уқбида фиғорон ҳар гал.  
фироғ дилим, фиғорон дилим.

Ҳар гал, васлинг равши далли танг кўнглак,  
далли дилим, девона дилим.  
Ҳар гал, пойинг гарди залвона бўлмак.  
залли дилим, залвона дилим.

Хусн боғинг - феруз гул чоғлиғ ҳар гал.  
феруз дилим, феруза дилим.  
Ишқинг сайли руҳфуз мурувват ҳар гал,  
руҳфуз дилим, руҳфуза дилим.

Ҳар гал, куяр шаминг ўтида парвон,  
парвон дилим, парвона дилим.  
Ҳар гал, ўз-ўзини доғлайди армон,  
армон дилим, армона дилим.

Ҳар гал, келишингни кутар интизор,  
интиқ дилим, интизор дилим,  
Ҳар гал, соғинчини айлағай изҳор,  
соғинч дилим, сарвисор дилим...

\* \* \*

Сен бугун кунғироқ қилмадинг,  
бўй тортди нозланиб хавотир,  
Сен бугун билмадинг, билмадинг.  
канглумга бир оғир тош ботир.

Сен бугун жим эдинг, жим эдинг,  
бўй тортди нозланиб хавотир.  
Мен бугун тим эдим, тим эдим,  
канглумнинг раҳида занг қотир.

Сен бугун ўтмадинг, ўтмадинг,  
бўй тортди нозланиб хавотир.  
Сен бугун кутмадинг, кутмадинг,

канглумда букланиб ғам ётир.

Сен бугун келмадинг, келмадинг,  
бўй тортди нозланиб хавотир,  
Мен бугун селмидим, селмидим,  
канглумнинг рошлари нам тортир.

Сен бугун кунғироқ қилмадинг...  
Сен бугун жим эдинг, жим эдинг...  
Сен бугун ўтмадинг, ўтмадинг...  
Сен бугун келмадинг, келмадинг...  
Сен бугун...  
Сен бугун...  
Сен бугун...  
...Канглумга бир оғир тош ботир...  
Канглумнинг раҳида занг қотир...  
Канглумда букланиб ғам ётир...  
Канглумнинг рошлари нам тотир...  
Мен бугун...  
Мен бугун...  
Мен бугун...

\* \* \*

Сенсиз ўтган кунлар - изтироб,  
сенсиз ўтган кунлар - бекарам.  
Сенсиз ўтган кунлар моҳитоб  
соғинчим тарам-тарам.

Сенсиз ўтган кунлар кўп узун -  
ингичка қатимдай чузилар.  
Сенсиз ўтган кунлар кун тўзиб -  
халқа тўғанок узилар.

Сенсиз ўтган кунлар йўлимда  
на бир асрор,  
на бир синоат.  
Сенсиз ўтган кунлар канглумда  
қувончлар беинобат.

Сенсиз ўтган кунлар йўрмалар  
юрагимни нил тортиб урчук.  
Сенсиз ўтган кунлар - бўлмаган,  
сенсиз ўтган кунлар - йўк!

Сенсиз ўтган кунлар изтироб,  
сенсиз ўтган кунлар - бекарам,  
Сенсиз ўтган кунлар моҳитоб  
соғинчим тарам-тарам...

Сенсиз...ўтган... кунлар...  
.....  
.....  
.....

\* \* \*

Бувишгинам,  
мастона бўлиб,  
сочларинга кумилиб кетсам.  
Юлдузларнинг ҳаваси келиб -  
ғамлар ютса,  
ғуссалар ютса.

Бувишгинам,  
шивир-шивирлаб,  
тилим тўкса, соғинчин, аё.  
Дарахтлар сукутга босиб лаб,  
дарахтлар термулса махлиё.

Бувишгинам,  
ёнимда алфоз  
юрсанг, йўллар тугаб бардоши,  
пойимизга тушаб поёндоз,  
ортимиздан кетса эргашиб...

Бувишгинам...  
бувишим...  
бувиш...

\* \* \*

Сен бир вақтда чиқасан йўлга,  
Мен бир вақтда чиқаман йўлга.

Йўлда кўришар кўзлар бир вақтда,  
Йўлда айрилар кўзлар бир вақтда.

Бир вақтда дил кетади йўлда,  
Бир вақтда дил кутади йўлда...

Бир вақтда...  
Бир вақт...

\* \* \*

Хайрлашув бекатига келдик.  
келдик мунча тез етиб?!  
Вақт чорчахи шамолдай елди,  
яғир елкасин тутиб.

Келдик хайрлашув бекатига:  
сен - маҳзун,  
мен - маҳзун.  
Юлдузларни тутиб осмон қатига,  
жандасини кийлиради тун.

Бекат гавжум эди.  
Одамлар  
кўз тутар кечиккан уловга.  
Менинг юрагимда ичиккан дамлар  
айланади хомуш тиловга.

Келади йўл қаратган улов,  
чиқасан кангунг ситилиб.  
Сенинг нигоҳинг ёнади лов-лов,  
менинг нигоҳим қолар титилиб.

Бекат ҳорғин-ҳорғин кузатар.  
кузатар бирён-бирён.  
Бекат чайир илкин узатар,  
узатар гирён-гирён.

Бир томир ичимда узилар титраб -  
эзиламан,  
ҳар гал,  
хайр пайти ман.

Кузатиб,  
ортимга бурилмай, ё раб,  
соғинаман,  
ҳар гал,  
кутиб қайтаман...

Хайрлашув бекатига келдик.  
келдик мунча тез етиб?!  
Вақт чорчахи шамолдай елди,  
яғир елкасин тутиб.

Хайрашув... бекатига... келдик...

\* \* \*

Кўришгунча -  
хайр дегани,  
сукутга шунғиган сукут.  
Интизор чечаклар унгани  
интизор кут!

Кўришгунча -  
бор висол,  
қакноғи тўлар ёр-а!  
Нилуфар комати дол-дол,  
тиловат айлар зор-а!

Кўришгунча -  
унгу сўл  
бир маконга ёлланар.  
Солланиб кетаётган йўл,  
қайтар яна соллана.

Кўришгунча -  
диллар оч,  
ҳажр ғамларин суяр.  
Мунисгина қалдирғоч  
сабр шомларин кияр.

Кўришгунча -  
эски сағана,  
бўшлиқни ямлар хувиллаб.  
Багрин ютқаб ағанар  
дайди еллар зувиллаб.

Кўришгунча -  
яқин аҳд,  
инобат бўлғай ақик.  
Жиловини қантар вақт,  
шиштин қўйворар дақик.

Кўришгунча -  
умид борғи,  
масофа тортар ёйни.  
Қарри тутнинг ялпок барғи  
қизганиб  
яширар ойни...

Кўришгунча -  
хайр дегани,  
сукутга шунғиган сукут.  
Интизор чечаклар унгани  
интизор кут!

\* \* \*

Бағрига олиб мен - ёлғизликни,  
йўллар қадди букилди.  
Мен йўлларга топширдим ўзни,  
мен йўлларга тўкилдим.

Ҳавосин симаман кеч кузнинг,  
хазонлар пойимга тўкинди.  
Мен йўлларга топширдим ўзни  
мен йўлларга тўкилдим.

Юрагимга қададим бўзни,  
синонлар бўғзимга тиқилди.  
Мен йўлларга топширдим ўзни,  
мен йўлларга тўкилдим.

Ул маъюс, ул маъсум юлдузнинг  
хаёли канглумга йиқилди.  
Мен йўлларга топширдим ўзни,  
мен йўлларга тўкилдим.

Шайдойи дил измида тўзим,,  
шайдойи дил сўкилди.  
Мен йўлларга топширдим ўзни,  
мен йўлларга тўкилдим.

Бағрига олиб мен - ёлғизни,  
йўллар қадди букилди.  
Мен йўлларга топширдим ўзни,  
мен йўлларга тўкилдим.

Мен...  
йўлларга...  
тўкилдим...

\* \* \*

Канглум шивирлайди ўзига,  
ўзигина эшитар фақат.  
Шивирлар айтган сўзига,  
шивирлар топади тоқат.

Канглум шивирлайди ўзига,  
шивирлар очади гар.  
Анғизлар мушки тўзиган -  
муаттар.

Канглум шивирлайди ўзига,  
шивирлайди ишқ сунбуллари.  
Тўрғайнинг махлиё кўзига  
суқилади тикон тиллари.

Канглум шивирлайди ўзига,  
шивирлайди мулойим сабо.  
Ҳисларим тўқиган бўзига  
ой суратин тикади қабо.

Канглум шивирлайди ўзига  
шивирлар тебранар бежирим,  
Соғинчимнинг эрка қизига,  
соғинчим очар дил сирим.

Канглум шивирлайди ўзига  
шивирлайди шивалаб найсон.  
Васлнинг бекарам изига,  
халқоб-халқоб тўлади кайсон.

Канглум шивирлайди ўзига  
муштоқ-муштоқ шивирлар,  
Нур бериб шикаста фузига  
канглумни тўлдирар шивирлар.

Канглум шивирлайди ўзига  
шивирлар бахш этади хузур.  
Жоним ришталарин тақар изига,  
жоним бағрида яшаётган ҳур.

Канглум шивирлайди ўзига  
ўзигина эшитар фақат.  
Шивирлар айтган сўзига,  
шивирлар топади тоқат.

Канглум... шивирлайди... ўзига...

\* \* \*

Биз учрашдик оддийгина:  
сен қарадинг,  
мен қарадим.  
Бошланди сўнг жиддийгина  
канглумда бирор тарадди.

Чаросларинг хуршиди ял,  
канглумни суйди насимлар.  
Дил мулкига чизди ҳал-ҳал,  
сулув-сулув зўр расимлар.

Чилвир-чилвир дайроларинг  
кўзларимни оқизди..  
Қалдирғочим, парволаринг  
жон нурига томизғи.

Дийдори жавҳар ганжина -  
феруза ҳис тортди тим-тим.  
Жим, бир лаҳза ҳеч не демай,  
ҳеч не демай, бир лаҳза, жим!

Бир лаҳза уйғониб, сочди  
анбарафшон соғинчини.  
Бир-бирига дилин очди,  
очди диллар боғичини.

Юрагимнинг чок-чокидан  
аё, сийрилди хоҳилар.  
Сибизғалар қоқ-қоқида  
чамбар-чамбар зулоҳилар.

Биз учрашдик оддийгина:  
сен қарадинг,  
мен қарадим.  
Бошланди сўнг жиддийгина  
канглумда бирр тарадди...

Канглумда... бирр... тарадди...



Абдуқаюм ЙЎЛДОШ

## ИЗЛАГАНИНГ НЕ ЭДИ.

Ҳикоялар

## «СПОНСОР»

Ўзбековулнинг кун ботар тарафида жойлашган, туманда ягона ҳунар билим юрти директори Амир Хонкелдиев битирувчи босқич ўқувчилари математика дарси ўтаётган хонага ҳовлиқиб кириб келасола, на салом бор ва на алик, қўлида бўр билан доска олдида туриб қолган ўқитувчига ваҳимали оҳангда буюрди:

- Дарров уёқ-буёқни тузатиб олинг-чи!

Айнан қаёқни тузатиб олиши лозимлигини англолмаган муаллим ҳар эҳтимолга қарши бўрни жойига қўйиб, қўлини артди-да, стол устидаги гуруҳ журналини тўғрилаган бўлди. Бу орада оёққа қалққан ўқувчиларни синчков назардан ўтказишга улгурган директор нордон нарса егандай афтини буриштириб, беҳад норози тарзда бошини бир-икки чайқаб қўйиш асносида илдам бориб нечукдир эшикнинг катта-кичик иккала тавақасини ҳам ланг очди ва йўлакка чиқиб, ўнг қўлини кўксига қўйганча бааини қобил аскардай ғоз қотди.

Туяни шамол учирса эчкини осмонда кўр...

Директорники оёғи куйган товукдай питирлатиб қўйган текширувчи кимлигини билишга қизиқиб қолган ўқувчилар ҳам бўйинларини чўзиб-чўзиб шу томонга илҳақ кўз тутдилар.

Алоҳа аввал зинадар «тап-туп», сўнг тахта тўшалган йўлакда «гумбур-гумбур» овозлар эшитилди.

Ранги сезиларли даражада оқариб кетган директор қўлини кўксидан олмай қаддини сал эгди.

«Гумбура-гумбур» яқинлашди ва ниҳоят юм-юмалоқ, тўнтарилган қозон боғлаб олгандай улкан қорни осилиб қолган қирқ-қирқ беш ёшлардаги бир киши ҳарсилаб-пишиллаганча лапанглаб кириб келди-ю, тўғри бориб ўқитувчининг стулига ўзини ташлади. Стул аянчли гичирлади, лекин, ҳар қалай, камида етти-саккиз пуд вазни кўтарди.

- Хў-ўш, - деди эшик тавақларини бугал оҳиста ёпиб, оёқ учиди юрганча текширувчи қошига келган директор қўлларини бир-бирига ишчан қиёфада ишқаркан, тантаналироқ гапиришга уриниб. - Ҳурматли ўқувчилар. Бугун сизнинг олдингизга

туманимиздаги энг илғор, энг яхши фирмалардан бири бўлган «Саломат» кичик корхонасининг Бош директори ҳурматли ўртоқ Азизжонов Суннатуллажон ака ташриф буюрди. Биз ҳаммамиз бундан хурсандмиз. Суннатуллажон ака катта ҳиммат кўрсатиб, билим юртимизга спонсорлик, яъни ҳомийлик қилишни зиммасига олди. Шундайми, Суннатуллажон ака?

Ҳали нафасини ростлаб улгурмаган Суннатулла ака аталмиш ҳомий бошини қимирлатиб, «бурк» деганга ўхшаш садо чиқарди.

- Шундай экан, ҳурматли ўқувчилар, биз ҳаммамиз бундан жуда хурсандмиз. Ишонамизки, - шу ерга келганда директор, афтидан, қайдадир ўқиган маърузасини эслаб, бир мўддат тин олди ва қолган сўзларни силлиққина, ҳеч бир адашмасдан тўкиб солди: - маърифатга сарфланган ҳар бир сўм фуқаропарвар ҳомийга улкан иқтисодий ютуқлар ва муваффақиятлар омили бўлиб хизмат қилади.

Нутқдаги хулоса оҳанги таъсиридами, орқа партадаги ўқувчилардан бири қайтиб жойига ўтираётган эди, директор шу томонга қараб ёмон ўқрайди. Буни иллаган ўқувчи яна «смирно» ҳолатига келди-да, айбини шу заҳоти бир йўла ювиб қўя қолиш мақсадида чапак чалиб юборди. Қолган болалар ҳам унга эргашишди.

- Раҳмат, - деди ёқимли ташаббусдан мамнун бўлган директор ҳамон кўксига турган ўнг қўлини юқори кўтариб, чапакбозликни тугатаркан.

Гап навбати ўзига келганини анлаган чоғи, ҳомий оғир қўзғалиб ўрнидан турди-да, шишиб кетган қабоқлари орасидаги бит кўзларини йириб очиб, меъдасига зиғир ёғдай урган чучмал сўзлардан иборат нутқини ўлганининг кунидан, беҳафсала тарзда ирод қилишни бошлади:

- Азиз ўқувчилар... Ўқинглар, болалар. Яхши ўқисаларинг яхши бўлади. Ўқишга борсаларинг кириб кетаслар...

Дабдурустан ҳаяжонланиб кетган директор орага суқилди:

- Айтгандай, яна бир янгилик, ҳурматли ўқувчилар. Суннатуллажон ака яна бир катта иноят кўрсатди. Ораларингдан кимлар агар билим юртимизни битириб, олий ўқув юртига

ўқишга қирса, Суннатиллажон ака ўз кичик корхонаси, шахсан ўз номидан, шахсан ўз номидан... - Директор аниқ миқдорни айтиб қолар деган илинжда бир-икки бор ҳомийга термулди. Аммо ташқаридан тепса тебранмасдай туюлган Суннатулла ака деганлари пул масаласида анча-мунча пишиқ ишбилармонлардан шекилли, ҳеч нарса эшитмаган каби пинак бузмай тураверди. Шу боис ноилоҳ қолган директор гапнинг суробини тўғрилаб кетишга мажбур бўлди: - шахсан ўз номидан маълум миқдорда маблағ бериб турадиган бўлди. Шундайми, Суннатуллажон ака?

Ҳомий бу сафар ҳам ҳеч қандай маъно англатмайдиган «бурк» этганга ўхшаш овоз чиқарди.

- Лаббай, Суннатуллажон ака? - дея директор ним эгилиб, қулогини ҳомийнинг оғзига тутди.

- Фақат экономикага кирганларга, фақат бир кишига, фақат бир марта, фақат ўзимга қайтиб келиб ишлаш шарти билан... - пишқирди ҳомий.

Директор бу шартларни овоза қилиб ўтиришни лозим кўрмай, янада баландпарвозроқ оҳангга ўтди.

- Демак, биз ўқувчилар бундай серҳиммат, фуқаропарвар инсонлар, қолаверса ота-оналаримиз, ака-опаларимиз ишончини оқлаш учун нима қилишимиз керак? Яхши ўқишимиз керак!

Яна қарсақбозлик бўлиб кетди. Бундан руҳландими, ҳайтовур, ҳомий сал чиройи очилиб, илжайгандай бўлди ва одатда мажлисларда, раҳбарлар олдида айтиладиган сийқа гапларни унутиб, одамбашара тилга ўтди.

- Менга ҳоким бова кўп жойларни айтди. Боғчаям қолмади, мактабам, балнисаям. Бари «берсанг ейман, бермасанг ўламан» деб турибди. Мен шу училишени аввал бир бориб кўрай-чи, сўгин гаплашамиз, дедим. Мен пулини бекорга осмонга совурадиган аҳмоқлардан эмасман. Пул топиш осонмас, пулни совуриш осон...

- Миннатдоримиз, Суннатуллажон ака, - дея яна бир бор чуқур эҳтиромини намойиш этмоқчидай тавозе ила эгилиб қўйди директор. - Бу яхшилигингизни бутун билим юрти коллективи, бутун ўқувчилар ҳеч қачон унутишмайди. - Салга тўлиқиб кетаверади директор энди жидовни бутунлай қўлдан чиқариб юборди. - Ўз навбатида биз сиздан қарздор бўлиб қолмаймиз. Боя ваъда берганимдек, Суннатуллажон ака, кичик корхонангизнинг қандай иши бўлса айтинг, биз «лаббай» деб жавоб берамиз. Олма теришми, узум теришми, олма қоқи қилишми, пахтами, қурилишми, молларга қарашми - биз ҳамма-ҳаммасига тайёрмиз. Биз сиз айтган заҳоти етиб борамизу, ёшлик шиддати билан керак бўлса бир кун, керак бўлса ўн кун, керак бўлса қирқ кун ҳашар қилиб ташлаймиз. Тўғрими, ҳурматли ўқувчилар?

Узун-қисқа «Тўғри... Ҳа...» деган товушлар эшитилди. Бу қисир маъкуллов директорни қониқтирмади шекилли, ўқувчиларга ўқрайиб қараб қўйгач, ҳомийни

қизиқтиришнинг, уни чиндан ҳам билим юртига ҳомий қилиб олишнинг янгида-янги йўллари излай бошлади. Ва топди ҳам.

- Бунинг устига, Суннатуллажон ака, - дея алоҳида ургу билан таъкидлади ногаҳоний топқирлигидан мамнунлик туйиб, оғзининг суви қочиб кетган директор, - бунинг устига биз сизни мақтаб газетага ёзамиз, радио-телевизорга ёзамиз!

Ҳалдан буён бу мижгов тезроқ гапини тугатсаю, юмушимга жўнай қолсам дегандай бетоқатланиб турган ҳомий туйқус сергак тортди:

- Газитга?

Директор ишшайди.

- Ҳа, ҳа, газетага! Ахир мен сизни бу ерга бежиз обкирмадим, Суннатуллажон ака. Бизнинг ишончимиз бўлган ушбу битирувчи гуруҳимизда ўз шоирларимиз, ўз ёзувчиларимиз, ўз журналистаримиз бор. Улар сизни ёзмаса, кимни ёзади ахир!

Ҳомий директорга ишонқирамай қаради.

- Газитга?

Қалам аҳли вакиллари кўпликда айтиб юборганидан заррача хижолат чекмаётган директор яна жўшди:

- Газетага! Радиога! Телевидениега! Халқ билсин ўз қахрамонларини!

Ниҳоят, юзида чинакам қизиқиш унсурлари пайдо бўлган ҳомий қайтариб сўради:

- Газитга?

- Ҳа, ҳа, Суннатуллажон ака! Газетага ёзамиз! Бутун жамоамиз номидан, норасида болалар номидан ёзамиз! - Ҳомий эътиборини ўзига жалб қила олганини сезган директор тамомила илҳомланиб кетди-да, кўрсаткич бармогини бигиз қилиб орқароқда турган бир ўқувчи қизни кўрсатди: - Мана, қаранг - фаҳримиз бу! Шеър ёзади. Зўр шеърлари район газетасида чиққан, область газетасида чиққан, «Гулхан» деган, «Ёш куч» деган журналлардаям чиққан. Айтсамиз, зўр қилиб ёзиб беради. Керак бўлса бир кунда сценарий ёзиб беради, биз корхонангиз ҳақида сахна асари тайёрлаб ташлаймиз. - Директорнинг товушида «қилт» этган сохталик сезилмади. Тўғриси айтганда, у киши ҳақиқатни гапирмоқда эди. Бундан икки ой бурун, ҳокимият тавсия этган бир ҳомий билим юртига келиши маълум бўлиб қолганда директор бошчилигида жамоа ярим соатлик сахна асари тайёрлаб, ўша корхонани ва табиийки, бошлигини кўкларга кўтарган эдилар. Шеър, маълумотлар, қўшиқлар, рақслар, миннатдорчилик, дил изҳорлари қоришмасидан иборат бу асарни ҳеч ўйланиб ўтирмасдан шартта қайтадан сахнага олиб чиқса бўлаверади, фақат у ердаги ном ва исмлар ўзгартирилса бас... - Керак бўлса билим юртимизда имзо йиғамиз. Бир куннинг ўзида тўрт юзта имзо тайёр деб ҳисоблайверинг. Бир кун ҳам гапни, керак бўлса бир соатда! Керак бўлса мен шахсан ўзим олиб бориб бераман раҳматномани керакли идораларга. Қани, коллективнинг фикрини инобатга олмай кўришсин-чи! Қани,



- илҳомланиб кетган директор ўзига бағоят чиройли туюлган иборани иккинчи бор лаззатланиб тилга олди, - норасида болалар фикрини инобатга олмай кўришсин-чи!

- Да-а, - деди нечукдир қўйи дўрдоқ лаби усткисидан бир энлик чиқиб турган ҳомий кўзларини сузиб, бир нималарни мулоҳаза этиб кўраркан. - Идея...

- Ёзамиз! - учрашув давомида биринчи бор кўкрагини ғоз керди директор. - Керак бўлса уюштирамиз. Бу ёққа, бу ёққа чиқ, Ойсулув.

Лекин Ойсулув деганлари ўртага чиқмади - кўзини ердан узмай, жойида тураверди. Ҳомийнинг ҳам қиз томон қизиқсиниб қараб қўйганини кўрган директор мақтовга зўр берди:

- Шеърларни қарсиллатиб ўқиб ташлайди. Муқаррамаҳонимдан қолишмай ўйнайди. Фаҳримиз бу! Худо хоҳласа, бу йил журналистикага кириб кетса, сизни катта-катта газеталарга ҳам ёзади. Ахир, Суннатуллажон ака, ҳамкорлигимиз бир-икки йил эмас, доимий бўлиб қолади-ку, шундай эмасми?

Директор ташлаган қармоққа дарров илиниб қўя қолмаган ҳомий ўрнидан оғир кўзгадди ва «билим юрти фаҳри»ни шахсан ўзи бориб кўришдек шарафга ноил этгиси келдими, қиз томон юрди. Директор пилдираб ҳомийга эргашди.

Э ёронлар, ўн етти ёшли қизнинг хунути бўладими, деган экан бир қаламкаш. Ойсулув ҳам... чиндан-да сулув эди. Юзи тиниқ, қошлари қалдирғоч қанотидай, узун-узун киприклари куюқ, ҳеч қандай бўёқ-мўёқ сурилмаса-да гунчадек қип-қизил лаблари тагида биттагина мошдек хол, иягида ҳуснини яна ошириб турган чуқурча, зулуқдай қоп-қора соч деганингиз елкани шалоладай қоплаб турибди, яна оппоқ, ҳарир либосда, балоғат остонасидан ўтайинми-ўтмайинми деб ноз ила ер чизиб турган маликалик пайти...

Хуллас, ҳомийнинг-да кўнгли сушт кетди чоғи... қорнини андак ичкарига тортишга уринганча пишқириб нафас чиқараркан, отжаллобдай синчковлик билан қизга бошдан-оёқ разм солди. Кейин, кўнгли тўлиб, «маъқул» маъносига бош ирғаб қўяркан, баноғоҳ қалта-қалта нафас олган қўйи бош эгиб турган «билим юрти фаҳри»нинг билагидан оҳиста ушлади ва шаҳодат бармоғини ўйнатиб, қизнинг бўртиб турган сийнасига теккизиб қўйишга уриниш асносида, илон чаққандек сесканиб кетган Ойсулув қўлини кескин силтаб ташлашга уринаётган маҳал:

- Чим-чим еган лабингдан! - деб юборди ёввойи завқ билан.

Директор донг қотиб қолди...

Э ёронлар, қиз билим юртида ўқиса, бунинг устига битирувчи гуруҳда бўлса, бунинг устига фаришта мисоли сулув бўлса, бунинг-да устига бутун ўқув юртининг норасмий маликаси бўлса - бундай қизнинг ошиғи бўлмайдами! Бундай қизнинг сон-саноксиз ошиқлари орасида маҳзун нигоҳини ундан олиб қочиб юрадиган тортинчок гуруҳдоши бўлмайдами!..

Мухтасарки, буларни кўз қири билан кузатиб турган шундай қони қайноқ ошиқ йигитчалардан бири чидаб туролмасдан паканагина ҳомийнинг йўғон бўйнига орқадан мушт туширди. Мункиб кетган ҳомий ўз залвори билан директорни ичига пат солинган қопдай нари учириб юборди.

Яхшиямки буларни бари оний лаҳзалар ичида, ўрта қаторнинг охириги партаси ёнида содир бўлиб ўтди. Яхшиямки, одобли болаларга хос тарзда тўғрига ёхуд қўйига қараб турган ўқувчиларнинг деярли бариси тўқнашув не боисдан юз берганини илғаб ололмади.

Мияси фавқулодда тез ишлаб кетган директор эса мана шу имкониятдан жамоа манфаати йўлида фойдаланиб қолишга аҳд қилди-да, дарҳол бузғунчи болага қараб ўшқирди:

- Кўзингга қараб юрмайсанми, ҳайвон! Ўтаман десанг бошқа йўл қуриб қолганми? Бор, чиқ, борадиган жойингга тез бор тоза ўлиб қолаётган бўлсанг!

Э ёронлар, ўн етти яшар ўсмирнинг-да зеҳни ўткир бўлади. Ошиқ йигитча директорнинг доғули қилиғи маънисини англади ва шу билан бир қаторда суюклисининг шарманда бўлмоғидан кўра ёпиғи қозон ёпиғиғича қолмоғи мақбул эканини ҳис этиб, партани айланиб ўтасола ташқарига отилди.

Йўлақда тез-тез узоқлашиб бораётган қадам саслари тингач, рўмолчасини олиб, терлаб кетган пешонасини артган директор ҳеч нарса бўлмагандай мулоимлик билан ҳомийга мурожаат этди.

- Суннатуллажон ака, бир пиёла чойимиз бор эди.

- Қайирда? - деб сўради тутқунга тушган кабутардай қалт-қалт титраётган, юзи кўрқув, нафрат ва номус ҳисларидан лов-лов ёнаётган Ойсулувдан кўз узмаётган ҳомий.

- Кичгинагина ошхонамиз бор. Пастда. - Ҳомийдан яна недир юлиб қолмоққа чоғланган директор ялтоқи оҳангга ўтди. - Уч-тўрт куб тахта, йигирма-ўттиз кило бўёқ берсангиз эди, ўз кучимиз билан ошхонани янги қилиб олардик, сиздай азиз меҳмонларни ҳеч тортинмасдан тақриф қилиб...

- Бераман! - директорнинг гапини чўрт кесди ҳомий. Сўнг, яна қўйи лабини усткисидан бир энлик каттароқ қилиб, кўзларини сузганча бир муддат ўйланиб қолгач, неларнидир хомчўт қилиб улгурди шекилли, сўради: - Гурпуада қанча бола ўқийди?

- Йигирма битта.

- Йигирмата экан, - хулоса қилди ҳомий.

- А? - Директор аввалига тушунмади, кейин бояғи исёнкор бола ҳисобдан чиқарилганини англаб ва англаганини кўрсатишга уриниб маънодор тарзда ишшайаркан, тасдиқлади: - Тўппа-тўғри. Ровно йигирмата!

- Ҳар битта болага уч юздан бераман!

Директор бу қадар хотамтойликдан ҳайратга тушиб, тили калимага келмай қолганини ифодалаш учунми, кўзларини катта-катта очишга ва уларни чақнатишга

уринди. Болалар орасида эса шовир-шувир кутарилди.

Ҳомий бунга эътибор ҳам бермай яна директорга марҳамат кўрсатди.

- Пулни шахсан ўзингиз тарқатасиз!

Бу сафар директор ўзида забон пайдо бўлмоғини мақбул кўрди.

- Э, раҳмат, минг раҳмат, Суннатуллажон ака. Кўнглим сезувди...

- Бир журналист қанча пул олади? - дабдурустдан сўраб қолди Ҳомий.

Директор гарангсиди.

- Билмадим энди анигини... Ҳар қалай, икки-уч мингга борар. Яна гонорариям бордир. Яна... уёқ-буёқдан тушиб турса... Район газетасида бир танишим бор. Сира пулга ёлчиганини кўрган эмасман. Қачон қарасангиз қарз сўрагани...

- Мен беш минг бераман! - гулдираб эълон қилди гапида ишбилармонлик оҳанглари пайдо бўлган Ҳомий. - Шу киз менинг фирмага секретарликка ишга борсин. - Ушбу қарордан кейин Ҳомий овозини пасайтириб, тўнғиллашга ўтди: - Сичқон сигмас инига... Шу замонда ўқишга бало борми! Йўл пулининг ўзи унча-бунча одамни чақиб ташлайди...

- Тўппа-тўғри, Суннатуллажон ака, - хи-ҳилади не қилиб бўлса-да Ҳомийнинг кўнглини олишга, унга яхши кўринишга уринаётган директор. - Ҳозирги замонда гап дипломда эмас. Мана масалан ўзингиз, тўлиқсиз ўрта маълумот билан не-не олий маълумотлилар қилолмаган савоб ишларни қилиб юрибсиз. Қолаверса, ўқишнинг сиртки бўлимиям бор. Қайтанга шу формаси яхши. Сизникидек катта фирмада котибами ва ёки пресс-секретарми бўлиб ишлаш эса, ўйлашимча, бизнинг ҳар бир ўқувчимиз учун шараф...

- Кетдик бўлмаса, - деди Ҳомий чўнтагидан калит чиқариб директорга тутаркан. - Биронтасини юборинг, машинанинг ичида у-бу нарса бор. Ҳаммасини обкелаверсин. Бир ўтирайлик столовойингизда... ҳали янги бўлмасидан бурун!

- Иншоолло, иншооло. Илоё айтганингиз келсин...

- Мен сизга ишга бормаيمان! Юз минг берсангиз ҳам!

Келишув «имзоланган» ҳисоблаб, энди эшик томон юрган Ҳомий жойида таққа тўхтади. Гапирган Ойсулув эди. Ҳомий ўтирилди. Ҳамон иситмаси бор бемордай бўғриқиб, титраб-қақшаб турган қиз Ҳомийга нафрат билан тикилиб турарди.

Ҳомий недир демоққа чоғланди.

Лекин Ҳомийнинг қисик кўзлари янада қисилиб кетганини кўрган директор чаққонлик билан унинг билагидан тутиб эшикка бошлади. Унчалик ҳафтафаҳмлардан бўлмаган Ҳомий директорнинг сирдошларча билак қисиб қўйишидан «Ҳали... гапашамиз, сиз дарво қилманг, буёғини менга қўйиб беринг...» деган маъноларни туйғач, бош ирғаб қўйиш билан кифояланди-да, ўрдақдай лапанглаб эшик сари юрди.

«Гумбур-гумбур» қадам товушлари

тингандан сўнгина болалар ўринларга қайтиб ўтиришди.

Ўқитувчи дарсни келган жойидан давом эттирди.

Кўнғироқ жиринглади. Ўқитувчи хайрлашиб, эшикдан чиққан заҳоти директорнинг котибаси қуюндай отилиб хонага кирди-да, Ойсулувни директор ошхонасида кутиб турганини эълон қиласола яна ёв қувгандай учиб орқасига қайтди.

Ўқувчиларнинг нигоҳи китоб-дафтарларни йиғиштираётган Ойсулувга қадалди.

Ойсулув миқ этмай сумкасини елкасига осди-да, эшикка юрди.

Худди шу маҳал, баайни олдиндан келишиб олингандай, қизнинг гуруҳдошлари ўринларидан туриб, эшик ёнида гуж бўлиб олишди.

Ойсулув ҳайрон бўлиб, жойида тўхтади. - Қаёққа? - деб сўради гуруҳдошлардан бири.

- Йўл бўлсин? - деди иккинчиси.

Миясида санчиқ турган Ойсулув ҳатто саволни кимлар берганини ҳам англаб ололмади.

- Етоққа. Бошим оғрияпти.

- Кўнғизга арпа баҳонами... Аввал сумкангни жойига қўй-да, кейин ҳеч қаёққа бурилмасдан тўғри ошхонага бор!

Бу гапни қизлардан бири айтди. Пешонасидаги санчиқ кучайган Ойсулув фармонни қайси дугонаси берганини яна илғаёлмай қолди.

Мана шундан кейин Ойсулувнинг кўз олдида гуруҳдошлар чехралари чайқалиб суза бошлади, у барча қиёфаларни бир-бири билан чалкаштириб юборди, тўғрироғи, қизнинг қаршисида бир тўда қиёфасиз тенгдошлари тургандек эди. Мана шу қиёфасиз тўда, ногаҳон бири қўйиб-бири олиб Ойсулувнинг бошига маломат тошларини ёғдиришга тушиб кетди-ку!

- Бориб чой-пойига қараб турсанг ўлиб қолмассан!.. Нима, бир сенинг касрингта шундай олижаноб Ҳомийдан ажралиб қолайликми?! Нозингни бориб онангга қиласан, бу ер билим юрти, бу ерда кўпчиликнинг гапи - гап!.. Нима, сен жамоанинг фикрини назар-писанд қилмайсанми, сен учун биз бир тийинмизми?! Э, ўргилдим сендақанги ноз-финоқли ойимтилладан, катта одам бор деганда кейин индамай боравер-да!.. Олти минг осмондан тушиб қолмайди, шусиз ҳам стипендия олмаганимизга қанча бўлди-ю!.. Қорни тўқнинг қорни оч билан неча пуллик иши бор, юрибдилар-да ойимтилла ҳам хушторларининг совға-саломларига кўмилиб, бизга ўхшаб қаттиқ нонни бир кун кемирса эди, биларди уч юзнинг қадрини!.. Бормаям кўр-чи, нима қиларканмиз, туғилганларингта пушаймон ерсан!.. Э, сен ҳали бизнинг совунимизга кир ювмасан, тўрттамиз гувоҳ бўлиб, сени «ғар» дейлик-чи, додингни кимга айтаркансан! Сен-ку, сен, кейин ота-онанг-у ака-укаларинг ҳам овулда бош кўтариб юришолмас!.. Ҳей, қиз, кўзингга қара, ўт билан ўйнашма, шусиз ҳам кейинги пайтларда

бизни назар-писанд қилмай жуда осмонда юрардинг. Бир таъзирингни е энди!.. Бормаям кўр-чи... - Ва ниҳоят Ойсулувни тамом ер билан яксон қилган сўнгги машғум жумла ҳам янгради: - Кўкракни катта қилгандан кўра, каллани катта қилиш керак эди, сулув қиз!..

Э ёронлар, қайси сулув қизнинг ҳасадгўй дутоналари бўлмайди, қайси сулув қизнинг ғаразгўй омадсиз ошиқлари бўлмайди. Улар патос бойлаб кетган юракларига интиқом оғусини қатрама-қатра йиғиб юрадилар ва қачондир, бир-бирларидан кўмак, рағбат олганлари ҳолда, «бир мен эмас, фалончи ҳам шундай қиялпти-ку, демак шундай қилиш керак экан-да», деган ғариб тасалли паноҳида, айниқса жон аччиги бўлиб кетадиган пул аччиги турткиси боис ўз шўрлик қурбонларига ниш ураверадилар, ураверадилар...

Кимлардир, ўша қиёфасиз гуруҳдошлар бошламасига Ойсулувнинг сумкасини юлқиб тортиб олишди. Сўнг итариб-туртиб, сочидан тортиб, юзидан юмдалаб, баданини ўйиб олгудай чимчилаб, судраб-ортмоқлаб миясидаги санчиқ бошини ёриб юборгудай даражада кучайган, кўз олдини дамодам оқиш туман босаётган, гоҳ ҳушини йўқотиб, гоҳ ўзига келаётган, шуурсиз-караҳт аҳволига қарамасдан ожизона-талвасали ўлим олди қаршилигини кўрсатишга уринаётган Ойсулувни биринчи қаватдаги, билим юрти биносининг кунчиқар тарафида жойлашган ошхона эшигига қадар олиб келишди-да:

- Қани, энди ичкарига ўз оёғинг билан кириб бор-чи! - дея навбатдаги ҳукми эълон қилишди.

Мўрт вужудига ёпишган ўнлаб йиртқиш чангаллардан ногоҳ халос бўлган, сочи тўзгиган, юзи тилинган, қуйи лабидан қон сизиб чиқаётган, эшик кесакисига суяб қўйилган Ойсулув мувозанатини аранг сақлаб, не бир азобларда қаддини ростлагач, орқасида турган қиёфасиз тўданинг ёвуз тантана ила пишиллаб олаётган нафаси тўғри елкасига келиб урилаётганини ҳис қилган кўйи қалт-қалт титраётган ўнг оёғини остона бўйи базўр кўтарди ва...

Э ёронлар, воқеликни баён қилиб бермакликнинг-да ўз сарҳади, ўз имкон даражаси бордир ахир... Бас. Мен қаламимни синдириб ташлайман, иккала қўлимни эса юқорига кўтараман. Мағлубман. Ҳодисот васфини давом эттирмакка на тоқат бор ва на-да сабот...

## БИЗ БЎЛМАГАН ЖОЙЛАРДА...

Қўйвор набирангни,  
отажоним, Шарқ!..  
А.Орипов

1

1981 йил эди.

Терим авжи, ит эгасини танимамай ётган ур-тўполон кунларнинг бирида армияга

\* *Биз томонларда хизматдан қайтган йигитни келган меҳмонлар салом-алиқдан сўнг «юз ойдин» дейишади, мезбонлар «ҳамиша ойдинлик бўлсин», деб жавоб беришади.*

\*\* *Тўла - тепаликни ўйиб ишланган ертўла (шева).*

тўпа-тўғри даладан, военкомнинг машҳур қора «Виллис»ига босиб олиб кетилган ўзбековуллик Дўстбой яна икки қовун пишигини эсон-осон ўтказиб, уйдагиларни саргайтириб йўл қарата-қарата, ниҳоят декабрь ойининг ўрталарида, эрта саҳар, ҳали юдузлар чарақлаб турган палла жомадонини кўтариб қишлоққа кириб келди.

Бир тутам қиш кунини узайтирмоқчидай, аллақачон ўрнидан туриб, тандир қизитишга уннаб кетган Чўтбой кўкнорнинг ўртанча келини насибасига бутун жонлиқ битилган экан - қўлида косовини ташлашнинг унутиб, чопиб борасола суюнчи сўраб турган жувонга оппоқ яқтак-иштонда ҳовлиқиб чиқиб келган оқсоқол бостирмада қуйругини кўтаролмай ётган кўчқорлардан бирини бахшида этиб юборди.

«Дўстбой қачон келади-ю, қачон оқсоқолнинг гўштини еймиз», деб томоғи тушиб юрган эл «юз ойдин»га \* оқиб кела бошлади. Бундай пайтлари энтиқиб, босар-тусарини билмай қоладиган, балки шунинг учундир орқаворатдан «мард-тектак» лақабини олган оқсоқол меҳмонлар пойига бирданига иккита кўчқорни олиб урдик, ҳаммаёқ «сен же, мен же» бўлиб кетди. Олқишлардан шишиб кетган оқсоқол бунгаям қаноат ҳосил қилмай, кўпчилик ҳовлида маҳалини кўзлаб туриб тўладан\*\* икки яшиқ «тентак сув»ни олиб чиқиб ўртага қўяркан, сохта беписандлик ила илова қилиб ўтиб кетдики, бу зорманданинг уруғи сероб, кўрқмасдан олаверинглар, магазиндаям менинг номимга ёзилган яна иккита яшиги турибди, биронтангнинг кўлигинг бўлса ҳозир бориб олиб келиб қўйсаларингга бўлади, бўлмаса сўнгроқ борарсизлар...

Қип-қизаришиб, хўроз бўлиб олишган тўртўғлоннинг муносабатларни аниқлаш учун пастга эниб кетганию, кейин уларнинг иккалови тўйхонага қайтиб келиб ўтирмай, йўлни тўғри марказда яшовчи, синган-чатнаган суюкларни мўмиё билан даволовчи табибнинг уйи томон солишганини; тўрт нимча чарвини ўнгирига босиб, зипиллаб чиқиб кетаётган Қодир қассобнинг аёлини Солия кайвони нақ эшик олдида ушлаб олганини; совхоз директори бўлмиш «Каттакон» қўлга сув қўйиш учун ўзига пешвоз чиқаётган беқасам чопонли, аллақачон «ширингина» бўлиб, сузилибгина турган уч кунлик куёв Темирбойни қумғон-сочиғи билан кўшиб маҳкам кучоқлаганча: «Хизмат яхши ўтдими, жиян?!» деб кўпчиликни ўнғайсиз аҳволга солиб қўйганини; худди шу Темирбойнинг бир банка ермойни адашиб самовар ичига қуйиб юборганини; Офтоб қушнотининг ҳадеганда невараларининг киссаларини қанд-курсга тўлдириб, уйга югуртиравериши хотин-халаж оғзида сақичга айланганини; шунингдек, солдат боланинг оқсоқолни чеккароққа олиб ўтиб, гуноҳкорона қиёфада: «Бунча ташвишларнинг кераги йўғиди...» деб гап бошлаганини-ю, бунга жавобан ота

огриниброк; «Худога шукр, ўладиган жойда эмасман, шу пайтгача биров мени «қаттиқ»<sup>\*</sup> демаган, эл-юртдан кам жойимам йўқ, болам», деганларини ҳисобга олмасак, тўй силлиққина ўтди.

Хай, ишқилиб, тўйлар кўпаяверсин.

Кейинги ҳафта-ўн кун солдатни «чойга чақирувлар»да ўтди. Еган-ичганига мааз, тутун чиққан жойда ҳозир нозир, қишлоқда отнинг қашқасидай танигли тўда Дўстбойни ҳар куни навбатдаги хонадонга судрагудай олиб боришар, бечора солдатнинг минг қаршиликлари, ароқ лим-лим пиёлани тутишганида кўнгли айниб юзини четга буришларини биргина «удумимиз шу» деган сирли жумла билан енгишар, «уй эгасини хафа қилмайлик, одамгарчиликдан чиқмайлик, ўзбекчиликни унутмайлик» дейишиб, дастурхонга фалончига қараганда кўпроқ ароқ қўйганидан ғурурланиб, гилжайиб ўтирган мезбонга ишора қилишарди.

Хай, майли, буларам ўтди. Даҳшатли даражада ичиш билан нишонланган Янги йил оқшомидан кейин ошқозон огриши, бош айланиши, дармонсизлик сингари бало-баттар касалликларга дучор бўлиб улгурган, ранги синикиб, кўзлари киртайиб қолган солдатни тинч қўйишди.

Шундай саодатманд кунларнинг бирида, ўзининг ка-атта «солдат тўй» ўтказгани ҳақидаги хушомадли мақтовларни, ялтоқланишларни эринмасдан битталаб ййғиб, тулининг тагига носдай ташлаб олиб, кайфини сури-иб юрган оқсоқол кенжа келинни чақиртириб писанда қилдики, энди шу ишгаям оппоқ соч-соқолим минан ўзим аралашиб юрмай, сен аста кўнглига қўл солиб кўр-чи, Дўстнинг хоҳлаган-поҳлагани бормикан, агар бўлмаса, бир-иккита кўз остига олиб қўйган жойларим бор, бари таг-тугли одамлар, худо хоҳласа, йил бошида\*\* икки оёқли мошин олиб бераман.

Келин итоатлигина эди, ҳаяллаб ўтирмай, шу куниёқ бир пиёла чой устида бор гапни қайнисига тўкиб солди. Тўйингизда бир ўйнайлик-да, деб кўшиб кўйди. Уялманг, ваъдалашганингиз бўлса, мана менга айтаверинг, бу ҳар кимнинг бошида бор савдо, ҳалиям отамиз сизни кенжатоим деб суўб ўз эркингизга қўйиб берапти, шунисига раҳмат денг.

Гапнинг буромадидаёқ маъюс тортиб қолган Дўстбой дастурхон попугини эзгилаб кўп ўйланди, хўб ўйланди, охирида синиқ жилмайиб айтдики, э, чеча, мусофир бўлмагунча мусулмон бўлмас деб тўғри айтган эканлар, биз ўша ёқларда юрганимизда отамизнинг, акаларимизнинг, сизларнинг, қариндош-уруғларнинг, қишлоғимизнинг қадрига етдик, билмадим; балки ҳаётнинг қадрига етишниям ўргангандирмиз, не бўлсаям, бу нотавон кўнгида бир ният пайдо бўлдики, ўша юртларда қолиб, яна икки-уч йилча яшаб кўрсак, сочилган ризқ-насибамиз бўлса, териб есак; ўйланиш бўлса қочмас, ҳали ёшимиз, аввал ҳаётнинг аччиқ-чучугини

тотиб кўрсак, сўнгминан бир гап бўлар, бизнинг пешонамизга ёзилганиям бордир.

Келин, ҳар қалай, саккиз йилликни битирган, оз-моз жуғрофий маълумотларга эга, қайниси хизмат қилган кентни харитада бир-икки бор кўрган, бир чўчиб тушиб сўрадики, ўша ёқларгами, қайним-ов? Дўстбой маъқуллаб бош ирраган эди, келиннинг кўлидаги пиёла тушиб кетди, хайриятки синмади.

Бир муддат сукутда ўтгач, юзи сал ёриша бошлаган келин, уёқ-буёққа аланглаб олгач, пастроқ овозда айтдики, майли, болагана, ёшлиқда ҳар не бўлуви мумкин, лекин буни бировга айтиб юрманг, биласиз, отамиз бунақа ишларга жуда-а қаттиқ, бунинг устига, биласиз, ҳозир одамлар оёғи билан эмас, тили билан юради; сизнинг хабарингиз йўқдир, жўрангиз Мардонбой хотинидан ажраб қутулди, Раима шўрлик районга борганда сал мазаси қочиб, қайтишда бир энгил мошинга минган экан, одамлар денг бир гап қилди, бир гап қилди, нақ олти ойга чўзилди-ёв; бегоналарни қўя турайлик, ўзимнинг акам йигирма бешга кириб бултур ўйланди, бир уч йилча шундай гапларни эшитгандикки, айтаверсам бетим сидирилиб тушади, йўқ, мана, худога шукр, ҳозир қучқордай ўғли бор; Собир маллим бу йил боласини мактабдан чиқариб олди, кўли калталиқ қилиб, суннат тўйини ўтказмаган экан, не бир маломатларга қолмади... Лекин, болагана, сиз кўп куйинаверманг, ҳеч бўлмаса у-бу тикиштириб тинчигишнинг иложи бор чиқар, қанча ҳаражат бўлсаям айтаверинг, қарз-ҳавола кўтариб бўлсаям топамиз; ишқилиб, болагана, «овсинимиз» бўшанадиган бўлиб қолмаганма, у ёқнинг халқи жуда закунчи бўлади, дейишади... Мени тушунмадингиз, чеча, деди қип-қизариб кетган Дўстбой, мен ўзим бориб яшаб кўрмоқчиман, ўзим. Хай, болагана-ёв, деди кенжа келин энди бемалол илжайиб, барини тушуниб турибман, тушуниб турибман, тушунмай ўлибманми...

Суҳбат хотимаси шу бўлдики, Дўстбой этак силкиб чиқиб кетди, келин илжайганча қолаверди.

2

Кенжатоининг нияти пат-қанотлари юлиниб, мумкин қадар беозор тарзда етказилган эди, оқсоқол кўзининг пахтаси чиқиб ўшқириб бердики, бораман деса Самарқанд бор, Бухоро бор, ҳа, ана, Тошкан бор, лекин тупқаннинг тубидаги бегона юртни хаёлигаям келтирмасин; фалокат босиб, бу гапдан эл-юртни хабардор қилиб юрманглар тагин, биласизлар, ҳозир одамлар оёғи билан эмас, тили билан юради, дўстдан кўра душман кўп; худога шукр, шу пайтгача обруйимиз маҳкам бўлган, уругимиздан саёқ чиқмаган, биров менга бармоғини бигиз қилиб кўрсатмаган, то мен тирик эканман, шундай бўлиб қоладиям, мен ўлгандан кейин ўзларинг биласизлар, барингни худога солдим...

\* Қаттиқ - қурумсоқ (шева)

\*\* Йил боши - Наврўз

Этибор истакка яраша тугилади. Уйдагилар ҳам зингил солиброқ кузатишиб, тез орада амин бўлишдиларки, чиндан ҳам Дўстбойда баъзи тушунарсиз қилиқлар пайдо бўлиб қолипти. Дейлик, қахратон совуқ бўлишига қарамай ҳовлига чиқиб олиб, осмонга соатлаб термулиб тураверишнинг ё бўлмаса хувилаб ётган кўчаларни майда қадамда айланиб юраверишнинг маънисини не; ойда бир келадиган ҳинд киносига овулнинг етти яшаридан етмиш яшаригача ёппасига ёпирилиб борсаю, битта Дўстбой эски приёмникни чийиллатиб эшитиб ўтираверса; шунча қисташларига қарамай гап-гаштакларга боравермаса, худо ёрлақаб бориб қолсаям, қилган иши мук тушиб олиб газит-журнал титиш бўлса; устига-устак, саҳар туриб олиб майкачан ҳолида ҳовлини айланиб югурадими-ей, қўлини ерга тираб олиб ётиб-турадими-ей, оёғини осмонга кўтарадими-ей... Шунча одамнинг боласи армиядан қайтди, бировиям элдан ажрамаганди, бировиям бундай қилиқлар кўрсатмаганди, бунини не жин чалган...

Дўстжон, деди бир куни катта оға иккалови ҳоли қолишган маҳал, нима дейсан, беш юз етиб қолар-а... Чечанг кўрибди-ку, альбомингда, бир чочи калта қизминан тоза қўлни ушлашиб олиб расмга тушган экансан, ўзи ўшанга юбориш керакма? Сен адресини берсанг, мен Самарқандга ўтганимда тайлаб келардим, бу ердан юборсанг бирови бўлмаса бирови билиб қолади, ўзинг биласан, ҳозир одамлар оёғи билан эмас, тили билан юради... Аввал жигибирони чиқиб кетган Дўстбой охирида руҳсиз кўл силтадики, йўқ, ака, мен эртароқ кетай, менга руҳсат берингизлар, мени барибир тушунмабсизлар, гап қизда эмас. Оға ажабланди: нимада бўлмаса? Гап... шу ерга келганда Дўстбой тутилиб қолди. Оға мамнун жилмайди, гўёки айтди: шунақа, ука, биз ҳам жа-а унча ердан чиққанлардан эмасмиз...

Кенжатойнинг ҳалиям мусофирлик илинжида юрганини эшитган ота катта келини орқали сўраттирдик, нима, қорни тўймаптим, ё усти бут эмасма, ё биров ёмон муомалада бўлаяптим, ё ўша юртларда биронтасига ваъда бериб келганма? Барча саволларига «йўқ» жавобини олган оқсоқол ўшқириб берди: ундай бўлса, бегона юртларда пишириб қўйибдима?

Кенжатойдан жавоб бўлмади.

Кўнгил - душман. Оқсоқол бир куни кичик келинга шивирладик, сен қайнингни олиб қушночанига ўтиб кел, қоқиб-поқиб қўйсин, бунини ўша ёқларда бирови иситиб-писитиб қўйганма, сўнг, биратўла райсенгтрадаги балнисагаям кўрсатиб кел, истарик-пистариклари урган бўлса, сатрясена мозга бўлиб қолганма; лекин борганларнинг эл-юрт кўрмасин, ўзинг биласан, ҳозир одамлар оёғи билан эмас, тили билан юради.

Кўргон эшиклари маҳкам эди, шукр, бу хавотир кўчага чиқмади, эл-юрт қулоғига етиб бормади, бироқ хонадонда анча вақтгача яшаб, кўпларнинг кўнглини кемириб юрди.

Қодир вақт ҳар қандай дардни ҳам даволайвермас экан шекилли, икки-уч ҳафта орадан ўтгач, Дўстбой чечалари воситачилигида отасидан оқ фотиҳа сўради. Оқсоқолдаргазаб ҳолда эшикни қарсиллатиб ёпиб чиқиб кетиш олдиан - одатига кўра эътиёткорликни унутмай - кенжатойнинг барча ҳужжатларини йиғиштириб олди-да, бўғчага тутиб, калитини ёнидан қўймайдиган сандиқнинг тубига жойлаб қўйди.

Тарих гувоҳ, болалар доимо оталарини тушунмай келадилар, оталар эса болаларини. Не бало бўлганки, авваллари эл қатори мўмин-қобилгина юрадиган, ўзидан каттанинг гапини икки қилмайдиган, бировга тик қарамайдиган Дўстбой «ўша ёқлар»дан қайсаргина бўлиб қайтган экан денг, дабдурустдан катта оғадан қарзга эллик сўм пул сўраган. Кўнгли бўшроқ оға ҳамсоясидан шунча пулни олиб чиқиб бераётган пайти қаёқдандир бу махфий битимдан хабардор бўлган оқсоқол бало-қазодай отилиб кирган...

Ў, энди оқсоқолнинг таърифига сўз йўқ. Вақтида «актив» бўлиб, қавмини зир титратган, дўнан отида солланиб келаётган чоғи кўз илгар масофадан йўлини кесиб ўтган аёл жинсини қамчи дўли остига олган оқсоқолнинг газабиям ўзига яраша эди-да...

Хуллас, жанжал «оқ қиламан»дан тортиб бир-икки шапалоққача бориб етди. Шукрки, кўргон эшиклари маҳкам эди - ташқарига тик этган вонуш эшитилмади...

Уч кундан сўнг кенжатой йўқолиб қолди.

Ишнинг кўзини биладиган оқсоқол бировга дамани чиқариб ўтирмай қўшни овулга борди-да, оғзи оладиган пулига яраша маҳкам бир жухуднинг машинасини кира қилиб, катта ўғилни ёнига олганча шаҳар томон учди. Уяси бузилган чумолилардай одам бижғиб ётган темир йўл вокзалини, кенжатойни хизматини ўтаган олис кент тараф кетадиган поездларни икки кун тит-пит қилишиб, мақсадларига етишолмай, силалари қуриб, вокзал ҳовлисидаги темир ўриндикларда симилаб оғриётган оёқларини силаб ўтиришган эди, бу ёқдан Дўстбойнинг ўзи қўл қовуштириб чиқиб келаверди. Қаёқдан шунча куч пайдо бўлгани ноаён, ҳар тугул, оқсоқол ўрнидан учиб турасола на саломга алик бор, на изоҳга қулоқ тутиш, «адашган ўғил»нинг билагидан маҳкам чангаллади-да, ора-сира биқинига ниқтай-ниқтай диконглатиб судраб бориб (орқада бир нотаниш йигит «Картошканинг қолганини ким туширади? Ҳеч бўлмаса ишлаган пулингни олиб кет!» деб бақирганча қолаверди) машинанинг орқа ўриндигига босди-ю (ҳай-ҳай, бундай газабдан худонинг ўзи асрасин!) тўбалаб ураверди, тўбалаб ураверди...

Машина ўқириб олдинга интилди, беш-ўн чақирим йўл босиб қўйди ҳамки, қани энди оқсоқол тўхтайдеса, ҳеч бўлмаса сўқинишни бас қилса, қаёқда дейсиз... Охири лаблари пир-пир учиб, кўзлари гилгиллай бошлаган тўнгич ўғил чидай олмади (жигарда, жигар; қон бир эмасми) - шартта машинани

тўхтатиб, тушиб қолди. Отасининг ўхшатиб бир сасиганига жавобан бўғилиб «бораверинглар, автобусда кетаман», деганча пастга чопиб эниб кетди.

Машина қишлоққа тун ярмида кириб келди.

Кўрғон эшиклари маҳкам эди...

Наврўз айёмида оқсоқол ўзининг пайғамбар ёшга тўлганини ҳам қўшиб кенжатоининг тўйини ўтказиб олди. Ка-атта тўй бўлди...

Ғулу бости-бости бўлди, эхтирослар сўнди, ҳаёт дарёси ўзининг сокин маромига тушиб олди.

Дўстбой элга қўшилди; гап-гаштакларда қатнашадиган бўлди, қартани, ичишни, чекишни ўрганди, ёқалашиниям ўрнига қўядиган бўлди, икки марта боши ёрилиб, «зўр» лақабини орттириб ҳам олди; эл қатори томорқа экди, ҳўкиз семиртириб сотиш тараддудига тушди, далагаям эл қатори саҳар кетиб, қоронгу тушганда қайтадиган бўлди - хуллас, оқсоқолнинг, уйдагиларнинг кўнглини ўрнига туширган дориломон кунлар бошланди. Дўстбойнинг «болалик шўхликлари»ни биров қайтиб тилга олмади, тилга олсалар-да, унинг ўзи йўқ пайтлари, шунчаки, ҳангома орасида, кулгу учун...

#### 4

Гоҳида, телба ўйларим номаълум томонларга улоққан чоғлари, кўнгида бир фикр уйғонадики, ўтган умрини миридан-сиригача ёддан ўтказган паллалари бирон марта бўлсин қизариб кетмаган одамгина «яхши яшадим» деса арзийди. Лекин, ўз-ўзимни юпантирмоқчидай, дарҳол бошқа дахрий фикрларга ҳам эрк бераманки, дунёда ўшандай фаришта одам бормикин ўзи...

Орадан йил ўтиб, таътилда юрган чоғим Дўстбой қўноққа чорлаб, олдимга қуюқ дастурхон ёзган, муштдайгина хотинини зингиллатиб «Каттакон»нинг уйидан санчқи опкелдирган, қоп-қорайиб, ёрилиб кетган қўлларини яширишга уриниб, ияк қоқиб «олинг-олинг» қилган, сўнг, газитада «Инсон қалби» деган шиғиримни ўқиганини, маъқул бўлганини айтганида, мен - дорилфунуннинг иккинчи курс толиби, ўзини даҳо ҳисоблаб юрган гўр йигитча - эшитишга текин қулоқ топилганидан, ўзимга сомеъ тарзда термулиб турган бир жуфт қорачиқни кўраётганимдан босар-тусаримни билмай, унча-мунча мавзу эмас, нақ Инсон Қалби, Шеърят ҳақида бир соат сайраганманки, эҳ-ҳе, нимасини айтасиз, ҳали-ҳануз ўша олифтагарчилигимни эсласам юзим уятдан ловуллаб кетади, ўзимни кўярга жой тополмай қоламан...

Ниҳоят, фалсафа сўқишдан чарчаб, бироқ ҳали ҳаяжонимни босиб ололмай, емоқ-ичмоққа тутинганимда негадир товуши титрай бошлаган мезбон қурилиш отрядида қай юртларда бўлганимни сўради. Айтдим. Айтгандаям сал бўрттириброк айтдим. Дўстбой ўша юртлар ҳақида гапириб беришимни сўради. Мен гапирдим... «Бир фигураси во кизни дискотекада маҳкам

кучоқлаб олдим-да, ўрмоннинг ичкарасига обкириб кетиб...» Қарасам, гапираётган мену, қизариб-бўзараётган Дўстбой. «Ечин, десам, йўқ, дейди. Э, сендай моҳпора қиздан ўргилдим, дедим-у...» Авж пардаларда давом эттираётган эдим, мезбонни йўтал тутиб қолди. «Халқи... халқи қандай яшар экан, ёшлари қандай экан?» сўради у хири овози бўғилиб. «Во! - дедим бош бармоғимни кўтариб, ширин хотиралардан тўлиққанча. - Баттасиникига бордим, иккита «Чашма» кўтариб олганман. Билмабман денг, онаси фалаж бўлиб қўшни хонадаги каравотда ётар экан, жанублик эмасманми, киргандан гап йўқ, сўз йўқ, бирдан тўшакка босиб чинқиртириб ётсам биров...» Ўзим гапириб, ўзимнинг сўлагим оқиб ётар эди, Дўстбой иргиб ўрнидан туриб узр сўраганча овқатдан хабар олишга чиқиб кетди. Бу ҳол бир эмас, уч-тўрт марта такрорланди, Шу пайтгача кўпларнинг ичини куйдирган ривоятларимни мириқиб айтиб беролмасдан, задаланиб, кайфим тобора бузилиб бораяпти-ю, Дўстбойнинг айланиб сўрагани Болтиқ бўйи ёшларининг нима ўқишию нимага қизиқиши, дунёқараши...

Ишқилиб, суҳбатимиз оловига сув сепилди.

Овқатдан сўнг, фотиҳа олдидан ўйланиб қолган Дўстбой бир чуқур хўрсинди-да, мени тонг қолдириб: «Қанийди, ўша ёқларда бир яшаб кўрсам...» деди. «Дўстбой жўра, - дедим дарров насихатомуз оҳангда, - қорнинг тўқ бўлса, устинг бут бўлса, овул-жамоатнинг орасида бўлсанг, аёлинг кўзилай деб турган бўлса, яна нима керак одамга? Унчалик ношукр бўлма-да!» Дўстбой бечора хижолатдан довдираб қолди. «Тўғри, тўғри, - деди шоша-пиша. - Лекин, жўра, буни сен эшитдинг, бегона қулоқ эшитмаёқ қўяқолсин, биласан, ҳозир одамлар оёғи билан эмас, тили билан юради». «Майли, - дедим олижаноблик қилаётганимдан ғурурланиб. - Аммо энди ўзинг ҳам юқоридаги сингари саёз, юзаки фикрларни миянгдан чиқариб ташлагин, хўпми?» (Ҳай аттанг-а, ҳай аттанг, бу сўзларни айтгандан кўра тилим узилиб тушса бўлмасмиди!..)

Дўстбойнинг лаблари қимирлади, аммо овози чиқмади.

#### 5

Бу етти йил бурунги воқеа эди.

Кеча ана шу Дўстбой вафот этди. Касалхонада.

Кутмагандим. Уни сариқ касали олиб кетишини кутмагандим. Дўстбой хафақонлик касалига йўлиққанини, икки марта юрак оғриғи билан шифохонага тушиб чиққанини билардим.

Фалокат-да, қачон шамолласа серпиёз аччиқ шўрва ичиб, кейин бир ўраниб ётса отдай бўлиб кетадиган Дўстбой бу сафар кимнингдир қутқусига учиб амбулаторияга борган. Уни эмлашган игна аввал сариқ касали билан оғриган беморга ишлатилган экан.

Ўзбекчилик, қишлоқ шароити маълум, терим авжи қизиган ур-тўполон кунлар,

ишдан ўзини четта тортган одам эл кўзига шумшук кўриниб қолиши мумкин, биласиз, ҳозир одамлар оёғи билан эмас, тили билан юради, ишқилиб, Дўстбой иш бироз санжоб бўлсин-чи, деб то бугун бадани саргайиб, илвираб қолгунча далада юраверган.

...Ҳозиргина «Раҳматли яхши одам эди!» деб гуриллаган оломон ортга - ўзининг кундалик ташвишларига қайтди, йиғлайверганидан юзи шишиб кетган оқсоқол судралиб уларга эргашди. Янги дўппайган қабр бошида ёлғиз ўзим қолдим.

...Сен дунёга келиб нима кўрдинг, Дўстбой; сен дунёга келиб нима орттирдинг, Дўстбой; умрингнинг сўнги дақиқаларида нималарни ўйладинг, Дўстбой; агар туйқусдан мўъжиза юз берса-ю, сенга қайтадан яшаш насиб этса, умрингни яна шундай ўтказармидинг, Дўстбой; дунёдан рози кетдингми, Дўстбой; одамлардан рози кетдингми, Дўстбой; биз сени тушундикми, Дўстбой; биз сени тушунишга уридикми, Дўстбой; сен ўша олис-олис, биз бўлмаган жойлардан нималарни излагандинг, Дўстбой; сен ўша олис-олис, биз бўлмаган жойлардан нималарни кутгандинг, Дўстбой; сен ўша олис-олис, биз бўлмаган жойларда нималарни топгандинг, Дўстбой; сен бизни қаргамадингми, Дўстбой; сен бизга ачинмадингми, Дўстбой; сен ёлғизми эдинг, Дўстбой; сен яғонами эдинг, Дўстбой...

Билмадим, балким бу гапларни овоз чиқариб айтгандирман, бир пайт қарасам, кўз ёшимга ғарқ бўлиб, муздай тупроқни кучоқлаб ётибман. Дарров ўрнимдан туриб уст-бошимни қоқдим. Ишқилиб, қабр бошида не аҳводда турганимни эл-юрт кўрмаган бўлсин; биласиз, ҳозир одамлар...

(1989)

## КИЧКИНА ОДАМ

1

Куёш қиздирилган улкан товадай бош устида туриб олган, юрса юради, тўхтаса тўхтайдди, устига устак, тобора пасайиб келаётгандай, яна бир дақиқадан сўнг сочларини пичирлатиб куйдириб юборадигандай.

Кетмон зарбидан чайқалиб-чайқалиб қулаётган гумайлар бандида учраб қолаётган куясимон кукун тўзғиб кетади-да, юз-кўзини қорага бўяб, дув кўйилаётган терга кўшилиб баданига чиппа ёпишган кўйлагига оқади. Ора-сира кукун зарралари бурун-томоғига кириб қичитади, шунда Мўмин кетма-кет аксириш аралаш ўпкаси узилгудай бўлиб йўталади, қирилиб кетган томоғидан қоп-қора балғам отилиб чиқади; баданининг қамиш-гумай тилган ўринлари ловуллаб ачишади, саргайиб пишган шамак уруғлари сочлари орасига, қулоқлари ичига кириб гижинини келтиради, шимиға ёпишган қариқизлар оёқларини тирнайди. Бир бўлак қора булутга ўхшаб ғуж туриб олган майиздай-майиздай қора чивинлар кетмон ҳар гал кўтарилганида ғувиллаб нарироққа

чекинишади-да, кетмон пастга тушар-тушмас яна бурнининг олдига келиб олади. Дамо-дам уларнинг уч-тўрттаси зинғиллаб учиб Мўминнинг баданининг яланғоч қисмига, баъзан ҳатто кўйлагига устидан ҳам нишларини суқиб, чимиллатиб оғритиб қон сўришади. Шунда Мўмин кетмонини ташлаб юбориб жон ачиғида ўзини шап-шуп савалашга тушиб кетади.

Ташналик азоб берарди.

Лекин ундан-да азоблиси - итнинг кейинги оёғи бўлиб, ҳаммадан орқада қолаётганини ҳис қилиш эди...

Мижжаларини ачиштириб қуйилаётган шўр тер ошланган теридай оқариб қолган лабларидан сизиб ўтиб, иягида бир муддат титраб турарди-да, кескин ҳаракат боис отилиб кетарди. Торс-торс ёрилган қақроқ замин сийрак, одим жойда битта учрайдиган нимжон ғўзаларни қисиб кўйган, бегона ўтлар эса аксинча, узун илдизлари нам қатламга етиб борганиданми, гуркираб, ғовлаб кетган эди.

Мўмин ўзининг бўйидан баланд қамиш, ғумай, шамак, итузумнингларнинг чайир танасига кучаниб кетмон урар, печағу чирмовуқларга эса аллақачон тегинмаёқ кўя қолган, ишқилиб, қаққайиб турган бегона ўтларнигина йиқитиб бўлсаям тезроқ олдинга юришга, бошқаларга етиб олишга ўлиб-тирилиб ҳаракат қиларди. Бироқ аксига олиб у тушган жўяк, биринчи чопиқдан чиқмаган бўлса керакки, жуда ўтли эди.

Ёнида Муҳтарам бўлмасаям майлийдди...

## II

- Ўқидик газитти, - деди Муҳтарам кулимсираб улар тушлиқдан қайтишиб, ёнма-ён эгатларга туриб қолишган маҳал.

Мўминнинг юраги гумириб кетди.

- Ёзиш қийиндир-а, - деди қиз.

Мўмин адоий-тамом бўлди.

Хайрият, шу пайт шийпон тарафдан Содиқ ғилайнинг «Ишни бошланглар-ов», деган ҳайқирғи эшитилдию, Мўмин жон ҳалпида кетмонга ёпишди. Бўлмаса, ким билади, ийиб кетиб, қизиқ устида нималар деб юборарди.

Мўмин барибир айтди. Фақат ичида. «Ёзиш қийин эмас, Муҳтарам, - деди у қизнинг ҳамон кулимсираганча ўзига тез-тез кўз ташлаб қўяётганини сезиб қолиб, ҳаяжондан мадори қуриб дир-дир титраркан, - мен ҳали кўп ёзаман, Муҳтарам, кўп ёзаман. Шунда мени бўшанг деб мазахлаб юрганлар тилини тишлаб қолади... Мен ҳали сенга атаб кўшиқлар ёзаман, Муҳтарам, мен ҳали сенга атаб дostonлар ёзаман, Муҳтарам...»

Аввалига ўзининг тотли хаёлларидан маст Мўмин икки ёнларидаги чопиқчиларнинг ўзларидан қадам-бақадам узоқлашиб кетаётганини пайқамади. Қизнинг атрофга бир-икки қур безовталаниб қараб кўйганини иллагандан кейингина сал хушини йиғиб олди.

- Жўягинг тоза ўтли экан-да, - деди Муҳтарам ташвиш билан.

Мўминнинг нафаси ичига тушиб кетди.



- Сен боравер, - талмовсиради у.
- Ҳм, - ночор жилмайди Муҳтарам.

Ҳар қалай, қиз боланинг йигит кишига ёрдамлашиб юриши бошқалар кўзига андак беўхшов кўринишига иккаласининг ҳам ақли етиб турарди.

Қиз илгарилаб кетди. Хижолатдан иссиғи чиққан Мўмин кетмонни алам билан гумайнинг йўғон поясига урди.

Бўлар иш бўлди. Энди қизнинг индамай илгарилайвергани маъқул эди. Аммо у бошқаларнинг кўзини шамғалат қилганча қадам оралатиб йигитнинг жўягига кетмон уриб, ўтларни чопиб кета бошладики, буни кўриб Мўмин бечора бутунлай довдираб қолди.

Она сути билан вужуд-вужудига сингдирилган тарбия орқасидан орттирган ҳоксорлиги боис кўнглининг туб-тубида ўзгалар қиладиган барча ишларни ҳақ ва уларнинг барисини омади чопганлар, айна чоғда ўзини ношуд билиб юрадиган Мўмин; давраларда сўз тегиб қолганида товуши ихтиёрига қарши равишда қалтираб чиқадиган, айнан мана шу товуши қалтираётганини билиб турганидан баттар

номусларда ўлиб, юрагини ўтмас пичоқда тинмай тимдалайверадиган Мўмин; шу ёшга етиб, ҳали бирон марта бўлсин биров билан ўзининг ҳақини таллашиб-тортишмаган, ҳали бирон марта бўлсин бировни сўкмаган, бировга мушт дўлайтирмаган Мўмин; қалбининг туб-тубида ўзининг ҳам ҳамма сингари, «тенглар ичра тенг» эканлигига нисбатан кўзғалган гумон илонини доимо асраб юрадиган, тез-тез кўзғалиб қоладиган бу илоннинг совуқ вужудидан сесканиб-сесканиб тушадиган Мўмин; ҳатто юрганда ҳам қадамни қаттиқ ташламасдан, оҳиста, бамисоли шарпадай сирғалиб юрадиган Мўмин; дилига қайдандир тушган ҳавасми-муҳаббат учқуни сабаб битган уч-тўрт мисраси воситасида - илк бор уясидан бўйнини чўзиб, чор-атрофга қўрқа-писа аланглаётган қуён сингари - деярли онгсиз равишда ўзгалар эътирофига сазовор бўлишга журъатсизгина интилаётган Мўмин қиз боланинг ўзига ачинаётганини, мана шу ачинаётганини сездирмасликка уриниб кўмак бераётганини кўрганида тўйқусдан шиддат билан бостириб келган хўрлик, ожизлик, алам туйғулари тўфонидида чирпирак



бўлганча хаёлотнинг қудратли қанотларидан айрилди-да, бир лаҳзада қаттиқ заминга чилпарчин кулаб тушди.

Ўпаки тўлиб энтика бошлаган, лаблари пир-пир учаётган Мўмин яна жон-жаҳди билан кетмонга ёпишди. Бироқ сел тўғонни бузиб ўтгандай кўз ёшлари дувиллаб куйилаверди...

Бир дақиқада яна кичкинагина, химоясиз, муштипар ўсмирга айланиб қолган Мўмин тинмай кетмон урар, намакоб терга кўшилиб оқаётган кўз ёшлари лабларини куйдирар, митти гўзалар ҳам, лаънати улкан қамишлару гўмайлар ҳам чайқалиб-сузиб, ноаниқ шакл касб этмоқда эдилар.

Илимиқ-иссиқ орзулар, сирли-сехрли рўёлар, ишонч остонасидаги илинжлар, туғилиб келаётган оҳангдор мисралар - барибариси ваҳима тўфониди тўзғиб кетдилару, уларнинг ўрнида иккитагина собит моддийлик - залворли чўян кетмон ва чопилиши лозим бўлган бегона ўтларгина қолди.

Ҳаммаси тугади.

Оёқлари букилиб-букилиб кетаётган Мўмин жон-жаҳди билан кетмон улар, - эрталаб бригадир «ўтиниб илтимос» қилганидай бегона ўтларни томири билан ағдариб чошиб, жўяклар ичига ётқизиб кетиш қаричда! - ўтларни ердан уч-тўрт энлик-ярим қаричча баланглиқда ўриб кетар, нима қилиб бўлсаям бошқаларга етиб олишга, ҳамма қатори бўлишга уринарди. Ахир у шу кунга довура бирон марта бўлсин ҳаммадан ажарлиб олдинга чиқиб кетмаган (худонинг ўзи асрасин!), аммо орқада ҳам қолиб кетмаган эди-да...

Ўқариқ чиқди. Унинг икки томонидан тупроқ уйиб тўсилган бир ярим қулочча жойида туриб қолган сув бор эди. Минг бир дори кўшилган бу сувни ичиб бўлмасди, албатта. Мўмин гўмай кукунидан қорайган енида артаверганидан қалампир сепилгандай ловуллаб ачиша бошлаган кўзларини йириб очганча кетмон дастасини суқиб кўриб, кўлмакнинг чуқурлиги бир қулочча келишини аниқлағач, сирпаниб сувга тушди. Сув исиб кетган эди. Мўмин энгашиб олиб шоша-пиша бет қўлини ювди, кийимларини тозалаган бўлди. Сўнг бутун вужудини қоплаган шу сувдан тўйиб-тўйиб ичиш истагини базўр ениб, оёқларини лойдан сугуриб олди-да, тепага кўтарилди. Шунда унинг қулоқлари орқасида, бўйнида, елкасида, қорнида, кўкракларидида - ҳамма-ҳамма ерида шилимшиқ бир нималар гимирлай бошлади. Кўлмак сув қуртлаб кетган эди!.. Мўмин ижирганиб-қалтираб «Аҳ-ҳ!» деб туфлаган эди, олмага тушадиган қуртдан йирикроқ бир қурт қоп-қора тупукка кўшилиб кетмон дастасига отилиб тушди. Мўмин чирмовуғу печаклардан бир чангал юлиб оласола жон ҳалпида юз-бўйни, қўлларига ишқаб, ўзини қуртлардан тозалашга тушиб кетди...

### III

Сув келди, сув!

Мўмин кўрди: юз эллиқ қадамча олдинда, кейинги ўқариққа чиқиб, дам олиб

ўтирган чопиқчилар ёнига Содик гилай бир сатил сув кўтариб келди.

Ортиқ чидашга мадор қолмаган эди; мияси қайнаб, кўзлари тиниб кетаётган, тили шийшиб, оғзига сигмай қолган Мўмин кетмонни ташлади-да, қоқилиб-сурилиб сув томон юрди.

Содик гилай ўтирганларга ўз кўли билан сув улашиб чиқмоқда эди. Дармони тамом қуриган Мўмин чопиқчиларнинг охирига келиб турди. У тишини тишига босиб, оғзини амаллаб юмиб олган, пишиллаётганини сездирмасликка тиришиб қисқа-қисқа нафас олар, букилиб-букилиб кетаётган оёқларида аранг тик турарди.

Эркаклар ёнбошлаб олиб папирос тутатишди.

Сув улашиб келаётган Содик гилайнинг оғзи тинмасди.

- Ўртоқлар, ўтиниб илтимос, пахтани чопманглар, ўтиниб илтимос, кун ботмасдан туриб даладан чиқманглар...

- Содик ака, аммо-лекин пахтангизам отангизнинг соқолига ўхшар экан-да, а? - қаттиқ ҳазиллашди ўтирганлардан бири.

Узун-қисқа кулги эшитилди: бригадирнинг отаси кўса эди. Содик гилай индамади, лекин ранги кўкариб кетди.

- Шунча бўлди - хўжа бўлди, - муроса оҳангида деди аёллардан бири.

Ҳазилкаш энгашиб нимадир деб шивирлаган эди, атрофидагилар қийқириб кулиб юборишди.

Худди шу маҳал Мўминнинг навбати келди. Гилай даранглатиб сатилга уриб ярим стакандан камроқ сув олди-да, гўдайиб унга тутди:

- Ма.

Агар яна ўша тили тинч турмайдиган ҳазилкаш стаканнинг ярим эканлиги эътибор бермаганида эди, Мўмин борини индамай ичиб кетаверган ва ҳеч нарса содир бўлмаган бўлур эди. Аммо у:

- Ҳа, Содик ака, болапақирнинг отангиздан қарзи бормидики, стаканни ярим қиб берасиз, - деди ва зўр гап айтгандай ёнидагиларга талтайиб қараб, кўз қисиб кўйди.

Бўзрайиб қолган гилай нишини Мўминга суқди.

- Сен бола жўягининг энди ярмини чопибсан, сувам шунга яраша, тушундингма? - вишиллади у. - Одам деган бундай дангаса бўлмади-да! Ҳашарга борсам нетади, ирғалсам куним ўтади деб судрали-иб юраверасанма? Аёлларданам баттар бўпсан-ку. Иштонларингам ҳўл, бир иш-пиш қип кўйдингма? - шу ерга келганда бригадир мазахомуз тиржайди. - Ўтиниб илтимос, ич-пичинг ўтса лотокнинг нарёғига ўт, яна кенг дала экан деб кўяверма-да... Абетда чиноқдан озроқ е дебиديم-ку...

Мўмин стаканни очиқ оғзига олиб борган ҳолида донг қотиб қолди. Кимлардир яна қийқириб кулди, аёллар лаб тишлашди.

- Содикбой акам олди аммо-лекин! - тиззаларига уриб увиллади бояги ҳазилкаш.

- Ич, ичавер энди, - пичинг қилди. нафси озроқ қаноат топган бригадир. -

Шийпон яқин, мен эшақдай ташийвераман,  
сен симираверасан...

Мўмин бир бало қилиб стаканни оғзига олиб борган, дир-дир титраётган қўлидаги стакан тишларига тегиб шиқирлаётган эди, охирги жумлани эшитиб қалқиб кетди, туйилиб қолиб, йўталиб юборди, оғиз-бурнидан сув отилди.

- Ҳақиқат бор! Ҳақиқат бор дунёда! - тантанавор хитоб қилди Содиқ гилай баттар авж олиб. - Ишламасдан ичилган сув тешиб чиқади ўзи!

Қийқириқ кучайди.

Ҳали вақт бор эди.

Шу билан тугатса ҳам бўларди. Мўмин бир-икки ҳафта юзи ловуллаб, «Ўзимни ўлдираман! Сувга ташлайман!» деб юрарди-юрарди-да, кейин бошқа нарсаларга алаҳсиб, ўзини босиб олган бўларди. Вақт ялмирганган дил яраси устига унутиш тупроғини сепган бўларди.

Ҳали вақт бор эди.

Аmmo... кўнгли бўшлигига борибми, аёллардан бири Мўминнинг ёнини олиб қолди:

- Ундай деманг, Содиқжон, бола бечоранинг жўяги тоза ўтли экан-да ўзи, негадир битта шу жўяк аввал чопиқ қилинмаган...

- Ўтиниб илтимос, чеча, - аёлнинг гапини чўрт кесди гилай, - сиз тарафини олмай қўя қолинг. Мен бунақаларнинг кўпини кўрганман, қўнғизга арпа баҳона дегандай...

Аёл гапирмаса яхши бўларди, «бечора» демаса яхши бўларди, энг даҳшатлиси - аёлнинг ёнида жовдираб ўтирган Мухтарам Мўминга кўзлари гилтиллаб термулмаса яхши бўларди.

Аmmo аёл гапирди, «бечора» деди, ачиниб қаради, аёлнинг ёнида жовдирабгина ўтирган Мухтарам Мўминга кўзлари гилтиллаб термулди.

Хўрлик косаси тўлди.

Алам косаси тўлди.

Мўмин, стаканни қандай қайтиб берганини билмайди, ҳеч нарсани кўрмай, оёқлари остидан қочиб бораётган заминни сезиб-сезмай алпонг-галпонг қадам ташлаб ўзининг кетмони томон кета бошлади. Бироқ энг сўнгги томчи унинг орқасидан қувиб етди.

- Ҳой бола, - бўкириб юборди Содиқ гилай, - мен ҳўкизнинг қулоғига танбур чертдимми?! Айтдим-ку пахтани босма деб. Кўрмисан нима бало ё атай қиялпсанма?... Ё тавба-ей, - гилай чопиқчиларга ўтирилди. - Ўзи санокли пахта бор, шуниям мажақлаб кетаётганини қаранг бунинг...

Бирдан ҳамма жим бўлиб қолди.

Ниманидир ҳис қилди шекилли, бригадир минғирлади:

- Мен ўзимни ўйлаб гапирдимми... Биз бир кичкина одам...

Биров чурқ этиб оғиз очмади.

Ва мана шу қабристон сукути аро кимнингдир пиқиллаб йиглаб юборганию суякларнинг қисирлаб кетгани эшитилди.

Йиғлаган Мухтарам эди.

Муштрларини тугтан Мўмин эди...

## IV

...Орадан кунлар ўтади. Ярим кечанинг мудроқ сукунати деразаларнинг жаранглаб сингани бузади. Содиқ гилай довдираган, ҳуши бошидан учган бир ҳолда, сарпойчан кўчага отилиб чиқади, «Ким?» деб бақиради товуши қалтираб. Унинг сўроғига итларнинг жон аччигида ҳуришигина жавоб бўлади. Содиқ гилай ўтгиз қадамча нарида, буталар орасида пусиб ётган гавдани кўрмайди, ўзига далда бериш учун сўкина-сўкина, лекин барибир юраги така-пука бўлиб уйига қайтиб кириб кетади.

Ҳозир эса, ҳозир эса Мўмин юм-юм йиглаб бегона ўтларнинг чайир пояларига жон-жаҳди билан кетмон урар, айна дамда ўзи билиб-билмай сабий ўсмирлиги билан видолашмоқда, ўзи билиб-билмай сўқир интиқом бандасига эврилмоқда эди.

...Орадан ҳафталаар ўтади. Идорада бўлган «наряд»да гап эшитиб, шумшайиб қайтаётган Содиқ гилай кўчасига бурилган маҳали қоқ манглайига келиб тегган тухумдай тош оғриғидан кўзларидан ўт чақнаб, бўкириб юборди. Уйларидан чопиб чиққан қўни-қўшнилари унинг ёрилган пешонасига кигиз куйдириб босишади, рўмол танғишади, яхши одамларга кун бермай қўйган безорилардан нолий-нолий дўхтирхонага олиб кетишади. Фақат шундагина қайрағоч ортидан бир шарпа сирғалиб чиқади-да, ҳамон ерда ётган тошни олиб силаб-сийпагач, мамнун илжайиб қўяркан, қоронғулик қаърига сассиз сингиб кетади.

Ҳозир эса, ҳозир эса Мўмин юм-юм йиглаб бегона ўтларнинг чайир пояларига жон-жаҳди билан кетмон урар, айна дамда ўзи билиб-билмай сабий ўсмирлиги билан видолашмоқда, ўзи билиб-билмай сўқир интиқом бандасига эврилмоқда эди.

... Орадан ойлар ўтади.

Гоҳ сигири ҳаром ўлаётган, гоҳ қўйлари изсиз йўқолиб қолаётган Содиқ гилай ниҳоят садақага иккита эчкининг баҳридан ўтгандан сўнг ҳам босиб келаётган балоларнинг олдини ололмагач, кўч-кўронини ортадио ўзининг она қишлоғига жўнаб кетади. Лекин юк ортилган машина катта йўлга бурилган маҳал бирдан ловуллаб ўт олади, кабинада ўтирган ҳайдовчи билан Содиқ гилай базўр жон сақлаб қолишади... Шалоғи чиққан машинани қишлоққа судраб олиб кириб кетишган палла қайрилишдаги улкан қайрағочдан эҳтиётан яна битта бензин солинган шиша кўтариб олган йигитча тушиб келади-да, ҳали тутаб ётган баллоннинг бир бўлагини қўлига олиб, айлабтириб-айлантириб кўради-да, заҳарханда илжайиб қўяди.

Ҳозир эса, ҳозир эса Мўмин юм-юм йиглаб бегона ўтларнинг чайир пояларига жон-жаҳди билан кетмон урар, айна дамда ўзи билиб-билмай сабий ўсмирлиги билан

видолашмоқда, ўзи билиб-билмай сўқир интиқом бандасига эврилмоқда эди.

...Орадан йиллар ўтади. Наврўз арафаси бўлади. Бекатда тўрт киши турган бўлади. Уларнинг ичида энг катта қорин кўйгани Содиқ ғилай бўлади. У ҳамроҳларини бағоят жиддийлик билан: «Газитда ёзилгани туври, биз соатти бир соат олдинга сурамиз, раз Москов сурадим, биз ҳам сурамиз, тилибузардаги хотин адашган-да», деб ишонтириб турган фурсат буларнинг ёнидан секингина ўтиб кетаётган оппоқ «Жигули» тўсатдан кескин тормоз бериб тўхтади. Машинадан йигирма ёшлардаги йигит тушади-да, бекадагиларнинг ёнига келади. У ҳамроҳларини оғзига қаратиб олган Содиқнинг юзига, айниқса унинг ғилай кўзига худди таниш бир белгини қидираётган диққат билан термулади. Турганлардан бирови, йигитни хира ширкатчи таксичилардан деб ўйлабми, «Содиқ ака, автобусда кетаверамиз-а» деганини эшитгандан кейин эса йигитнинг важоҳати бирданига ўзгаради: ранги оқаради, бурун катаклари керилади, кўзларига қон қуйилади. Сўнг у тўппа-тўсиңдан бемалол турган Содиқ ғилайни бир мушт уриб қўлатади-да, ёқасидан бўғиб олганча бекат яқинидаги кўлмакка судраб олиб боради. Йигит ғилайнинг оғзини шу кўлмак сувга тутиб: «Ич! Ич! Ич, аблаҳ!» дейди хириллаб. Довдираб қолган ҳамроҳлар алоҳа босқинчига ташланишади, эгилиб турган йигитнинг орқасига уквусизлик билан бир-икки мушт-тепки туширишади. Бироқ йигит қаддини ҳостламай турибоқ, бир қараш билан уларнинг ҳовурини босиб қўяди. Ҳамроҳлар бунотаниш йигит ўлса ўлишига, лекин ўлжасини қўлдан чиқармаслигига, орага тушган истаган бировининг биқинига ўйлаб ўтирмасданоқ «порт» этказиб пичоқ санчиб олиши мумкинлигига амин бўладилар. Ҳар қалай, босқинчи жон жойига туширган бир-икки зарбадан сўнг қора қони келаётган оғзини каппа-каппа очаётган, аммо бақиринишга кўрқаётган Содиқ ғилай кўлмақдан бир-икки қултум сув ичади. Бу билан қаноатланмаган босқинчи йигит бир тепишда ғилайни шағал устига узун қилиб ётқизиб қўйгач, чопиб борасола машинасининг юкхонасидан йигирма литрлик пластмасса идишни кўтариб келади ва идишнинг ичидаги бари сувни ғилайнинг оғзидан қўяди... Кейин йигит бўшаган идишни ғилайнинг янада шишиб кетган қорнига ташлайди-да, унга бир муддат тикилиб тургач, нимагадир бошини этганча машинасига югуриб бориб ўтрадию, эшикларни қарсиллатиб ёпасола учуриб кетади...

На тайинли иш жойи, на тайинли касб-кори бўладиган, икки-уч ой мобайнида тоғаси билан ёнилғи қўйиш станциясида оператор бўлиб ишлаб, йилнинг қолган фаслида топган пулларини аямасдан сарфлаб юрадиган, газета-журнал ўқимайдиган, китоб варақламайдиган, фақат видеофильмлар кўриб, ўзгалар назарида тараллабеод ҳаёт кечирадиган бу йигит шу оқшом уйдагиларнинг юрагини зир қақшатиб ароқ

кетидан ароқ симираверади... Тонг палла кўрқа-писа хонага қадам кўйган шўрлик хотин эрининг ёстиқни қучоқлаганча ухлаб қолганини кўради. Ажабки, йигитнинг лабларида гўдақники янглиғ маъсум табассум қотиб қолган, киприкларида эса бир томчи ёш ялтираб турган бўлади...

Буларнинг бариси кейин, кейин бўлади. Ҳозир эса...

## ОМОНАТ

### I

- Менга ўхшаганлар жуда кам, чиқса миллионтадан битта чиқар, чиқмаса шуям йўқ; Уларнинг ҳам ярмидан кўписи ўзидаги қобилиятдан беҳабар ҳолда ўтиб кетишади...

Мартнинг ўрталари, чошгоҳ палласи эди; ҳаво намчил, қуёш қиздирмас, ёритиб турарди, холос; муздай майсалар ғилами яланг оёқларимни қитиқларди; йўл ёқасидаги қатор дарахтлар қуртаклари сабийлик остонасидан етуклик салтанатига қадам қўяётган қиз сийналари учларидай бўртиб қолган эди; ҳаво эса, ҳаво эса ҳалигина селгилаб ўтган ёмғирдан сўнг шунчалар соф эдики, тўйиб нафас олганимда ўпкам симилаб оғриб кетарди... Тугилиш, тириклик фасли бўлмиш кўклам тароватини кўрганим, ҳис қилганим бундай онлари юрагим ўз-ўзидан гумириб кетаверади, кундалик арзимаган майда-чуйда ташвишларни унутиб, инсон умрининг боқийлиги, коинотнинг бесарҳадлиги, табиатнинг комиллиги ҳақидаги улғвор ўйларга берилгим ё бўлмаса заъфарон куздан буён шифтга термулиб ётган рутубатли хонасидан титраб-қақшаб чиқиб келган, ниҳоят тузала боцлаганини англаган бемор янглиғ яшамоқ сафосидан сархуш бўлган кўйи, ҳеч нарсага ўйламай, ҳеч нарсага илғамай, кўзларимни юмиб олганча майсалар устида биргина табиатга қулоқ тутиб узоқ-узоқ ётгим келади.

Лекин менинг ҳаяжонларим пўртанаси доимо ёлғизликка эгизак. Бировлар олдида туйгуларимни ошкор этишни азалдан иқим суймайди.

Айни дақиқаларда ҳам ҳамроҳимнинг кўнғиз гўнғиллашига ўхшаш бир маромдаги овози тинай демас, «Эй инсон, дийдиёнгни бас қилиб, мундай бир атрофга қарасанг-чи!» дейишга олган тарбиям, феъл-хўйим йўл бермас, устига-устак, «еган оғиз...» деган гапларим бор, хуллас, тишимни тишимга босиб, индамай кетаверишдан ўзга иложим қолмаган эди.

Кулранг қимматбаҳо хориж плашига мос бўлма ёқали жемпер, айвони кенг шляпа, кузлик пойабзал кийган, кераги бўлмаса-да, салобат учунми, ўйма нақшли чиройли қизғиш ҳасса тутган ҳамроҳим келганимизга иккинчи кун бўлишига қарамай дам олиш уйимизда отнинг қашқасидай танилиб қолганлардан эди. Салим ака (ҳамроҳимни шундай аташарди) чуваккина, пастак, бўйи кўкрагимдан келади, чуқур-чуқур ажинлар тилиб ўтган пешонаси кенг, сарғимтир қошлари сийрак ва калта, тилла гардишли

кабарик кўзойнак ич-ичига чуқур ботган маллатоб кўзларини бир бурдагина қоп-қора юзига нисбатан номутаносиб тарзда катта кўрсатардики, балки шу боисдир, бу кўзларнинг туб-тубида қандайдир чўғ порлаб тургандек эди. Камина - ойлик маошимга амал-тақал қилиб кун кўрувчи оддий муҳандис, фалакнинг гарлиши билан куйиб кетишига бир баҳя қолган текин путёвкага эгалик қилиб бундай жойларга биринчи бор келиб, ўзимнинг одмигина уст-бошимдан қимтиниб юрганим учунми, назаримда, моддий тўкинликкина ўз-ўзига ишончинг, гурурнинг асосидек эди. Аммо бутун дўкондан олингандай тахи бузилмаган кийимлари, тўппонча шаклидаги япон шамсияси, энлик никоҳ узуги, тилла суви югуртирилган соат - буларнинг бари илиги тўклигидан далолат бериб турса-да, Салим аканинг елкаларини қисиб, совқотаётгандай кунушибгина, бечораваш қиёфада майда қадам ташлаб юриши тушуниксиз эди.

... Ҳадеганда автобус кўринавермади. Кутишдан-ку эринмасдим-а, бироқ ғарбдан яна қора булутлар дориб келаётганини кўргач, шаҳар томондан келаётган, пешонасига шахмат белгиси туширилган «Москвич»га кўл кўтардим. Ҳайтовур, машина тўхтади. Орқа ўриндиқда мана шу Салим ака тўрсайиб ўтирган экан. Салом берган эдим, табиийки, мени танимади, нимадир деб ноаниқ гўлдираб кўйди. Қайрилишгача миқ этмасдан келдик. Кеча, биринчи кун ҳам шу масофани таксида босиб ўтгандим, фақат у давлатнинг таксиси эди, йўл ҳақи икки сўмнинг нари-берисида бўлгани ёдимда қолган эди. Ҳозир уч сўмлик узатиб тушарканман, энди мурувват ила: «Қайтими керакмас», демоқчийдим, барзанги ҳайдовчи тўнғиллаб: «Яна бир манат, кооператив такси бу» деб қолди.

Шоша-пиша чўнтақларимни ковлашга тушдим (бундай пайтлари, мусофир ўлкаларга илк бор қадам қўйган кўплаб ҳамюртларим сингари дарров ўзимни йўқотиб, довдираб қоламан). Ниҳоят, хижолатдан иситмам чиқиб, бир амаллаб топганим иккита эллик тийинликни узатаётгандим, ўрнидан энди кўзгала бошлаган Салим ака оппоқ ва аёл кишиники сингари юмшоқ кафтини кўлимга кўйди.

- Мен узатиб юбора қолай, ука.

Ер ёрилмади, кириб кетмадим; камбағилнинг ори қурсин!

Салим ака тангаларни олиб ҳайдовчига берди. Ўн йиллик қарзини ундираётгандай қовоғидан қор ёғиб турган ҳайдовчи бирданига ипақдай эшилиб, мулойим бўлди-қолди: оғзи қулоғида ишшайиб, ўнг кўлини кўксига қўйганча ним эгидди. Мен бир сўмнинг каромати шунчаликми, деб ажабланиб тургандим, ҳайдовчи «ҳозир, акахонлар, бир минут, бир секунд, мана қайтими» деб қўйин чўнтагидан семиз ҳамённи чиқарди-да, менга шиқирлаб турган, ҳали бели букилмаган учта уч сўмлик тутди. Мен анграйиб, беихтиёр «қайтим»ни олдим. Нечуқдир олма-кесак тераётган кўзларида кўрқув акс этаётган, шунга қарамай юзига хушхандонлик, ялоқилик ниқобини кийиб

олган ҳайдовчи шошиб чиқасола эшикни очди-да, Салим аканинг тушишига кўмаклашди. Сўнг қайта-қайта раҳматлар айтиб, биз машинасига ўтириб, уни ғоят бахтиёр қилгандай бот-бот эгилиб-букилиб жойига ўтирди-ю, орқасидан ёв қуяётгандай машинасини шаҳар томон учириб кетди.

- Ҳаддидан ошганларнинг жазоси шу, - деди Салим ака терлаб кетган пешонасини дастрўмолчасига артаркан, ҳоргин овозда.

- Кўзбойлагич экансиз-ку, - дедим сал ўзимга келиб.

- Шунақа айбимизам бор... Қўйинг, қўйинг, - деди у киши «қайтим»ни узатаётганини кўриб, - киссангизга солиб қўйинг. Бундай пулларни олиш савоб бўлади.

Мен кўнмадим.

- Қўйинг деяпман. Бўлмаса ҳозир бир дуо қиламан, чўнтагингизда қолган пуллар ҳам қоғозга айланиб қолади, - хўмрайиб таҳдид қилди «кўзбойлагич».

Мен кулиб юбордим.

- Бошқа пулим пулим бўлганда таксистга танга бериб ўтирармидим!

Бунга жавобан ҳамроҳим:

- Э, дарвоқе... - деёлди, холос.

Ишқилиб, у дедик, бу дедик, оқибат бир уч сўмлик Салим аканинг чўнтагига тушди, қолган иккитаси меникига. Шундан кейин икки чақиримча наридаги қарағайзор орасида томи оппоқ оқариб кўринаётган дам олиш уйимизга қараб йўл олдик.

... Машина юриш таъқиқланган йўлдан яланг оёқ кетиб бораёпман. Ҳамроҳим тинмай гапирди, мен бўлсам зўр бериб ўзимни диққат билан эшитаётгандай тутаман...

Нилий шифтига қимматбаҳо қандиллар осилган, мрамор полига юмшоқ пойандозлар тўшалган улкан ошхона-залимиз мен шу пайтгача кўрган ресторанларнинг ҳеч биридан қолишмасди, аксинча, афзалликларга эга эди. Яъни, бу ерда қулоқни батанг қиладиган музика жарангламас, ҳар жой-ҳар жойга ўрнатилган овоз кучайтиргичлардан майин ва сокин мусиқа эшитилиб турарди, официантка қиз-жувонлар эса ҳамма билан хушмуомилада эдилар.

Стол атрофига кечаги уч йигит билан ўтириб, энди тановулга киришгандим, босиқ гала-ғовур бирдан тиниб, зал сув қуйгандек жим-жит бўлиб қолди. Яна кечаги ҳол такрорланди-ёв, деб ўйлаб бошимни кўтардим. Янглишмаган эканман. Заррин шокилалар тутилган эшик тарафдан Салим ака кечаги аёл билан қўлтиқлашиб келмоқда эди. «Кўзбойлагич» нимчали тим қора костюм-шим, пошнаси баланд ялтироқ туфли, оппоқ кўйлак кийиб, капалакнусха галстук тақиб олган, ятираб туриб силлиқ сочларини орқасига тараган (бундан пешонаси янада катта кўриниб қолганди), сартарош ёнидан чиқиб келаётгандай даҳани силлиқ қирилган, кўкрак чўнтагига бир дона кип-қизил атиргул солиб ҳам олган, уни қўйинг, буни қўйинг, нақ чимилдиққа кириб бораётган куёвтурадек пўрим. Кеча Салим ака оппоқ костюм-шимда, оқ туфли, қора кўйлагу оқ бўйинбоғда эди.

Бугун эса... Албатта, кийим одамни очади, лекин... асли йўқ нарсани минг безак билан ҳам бор этиб бўлмайди, ахир, чўмичгайм қозонда бори чиқади-да. Бу аёл... қадди сарвдек тик, бўйи букри ҳамроҳидан нақ бир ярим қарич балан, балерина мисоли виқор ила, худди енгил туман ичида сузиб бораётгандай оҳиста ва бир текис юрадиган, кечаги нафармон заррин либоси ҳам, бугунги ял-ял ёриб турган енгисиз атлас кўйлаги ҳам ўзига қуйиб қўйгандай ярашган, оппоқ ва узун бўйнига тилла занжирча, чучварадек қулоқларига гавхар кўзли сирга таққан аёл аллақачон урфдан чиққан бўлишига қарамай, турмаклар олган сочлари хуснини янада очган, силлиқ манглайли, чароскўз, қуюқ киприклар узун-узун, ним очилиб турган лаблари қип-қизиллолақизғалдоқдай, ингичка қошлари қадим Шарқ миниатюраларида тасвирланган гўзаллар сингари қалдирғоч санамараста бу аёл, таъбир жоиз бўлса, барқ уриб очилган нозик ифорли гул-у, Салим ака зах ерга тушиб, заъфарон хазонга айланаётган барг эди; агарки, айниқса иккалови бундай ёнма-ён юрган чоғлари, бириси гўзаллик тимсоли бўлса, унга қараб кўзлар қамашса, иккинчиси бадбурушлик мужассами эди, бунга қараб кўнгил хижил бўларди; агарки, униси фаришта эса, буниси шайтони лаин эди, униси кун бўлса, буниси тун эди...

Мана ман деб кўзга ташланиб турган бу номутаносиблик ҳайрат «оҳ-вой»лари ортидан ҳасад висир-висирини бошлаб келди. Салим ака пилдираб борганча аввал хонимига курси таклиф этиб, шундан кейингина ўзи ўтиргач, салгина жонланиш юз берган залда тановул баробарида шовқин ҳам кучайиб борди.

- Гаров ўйнайманки, - деди қаршимда ўтирган, ўша ёқдан кўз узмаётган ўттиз ёшлардаги йигит санчқини тусмоллаб оғзига олиб бораркан, - бу таъвия шўрлик аёлни пулнинг зўри билан ўзига ўйнаш қилиб олган.

- Янглишдингиз, - ҳиринглаб кулди учинчи шеригимиз, кетмон дастасидай ориқ гавдасига ярашмаган тарзда тўғаси муштдек келадиган энлик гулдор бўйинбоғ таққан йигитча, - булар эр-хотин, уч йилдан бери бирга яшашиди, болалари йўқ, аёлнинг исми Хурилиқо.

- Сиз буларнинг барини қаердан билиб олдингиз? - ажабланиб сўрадим. - Эркакнинг исми Салим эканлигини, ёши қирқ бирдалигиниям кеча сиздан эшитгандим шекили.

- Лўлилар почтаси, - деб сирли ишшайди йигитча.

- Олманинг сараси доим қуртга насиб бўлади, - деди қандайдир ғуссага ботиб биринчи йигит олдидаги ликопчани нари суриб қўяркан. - Ҳу-ри-ли-қо... Қандай чиройли исм...

Шу билан гап-сўз тугагандай эди. Энли бўйинбоғ тақиб олган йигит яна ишшайиб гап бошлади.

- Ким билади, балки Салим ака деганлари қалби жуда-жуда буюк инсондир. Паганиниям ҳуснда Юсуф бўлмаган дейишади. Умуман, бу гапни мен айтмаяпман, бу гапни Пришвин деган ўрис ёзувчи айтган.

- Йигитча шимининг чўнтагидан бир варақ қоғоз олиб ўқиб берди: - «Кўпинча эркак бир ҳолатда-ю, ёнидаги аёл эса суқсурдайлигини кўрамай. Демак, биз эркакнинг аёл қадрлаган яхши фазилатларини билмаймиз: бу кўнгил иши, эҳтимолки, ҳақиқий муҳаббат ҳам шудир». Ҳақиқий муҳаббат. Мажнунга ҳам фақат Лайлининг кўзи билан қараш керак, акалар, шундагина у Лайлига ўхшайди.

- Ўлсин, Мажнун деганлари шунақа бўлса, - орага суқилди ёнимиздаги столда ўтирган, аллақачон овқат ейишни йиғиштириб қўйиб, суҳбатимизга диққат билан қулоқ солаётган ўрта ёшлардаги семиз аёл ижиргангандай елкаларини учириб. - Бу тасқара букрига шундай аёл увол-а, увол!

- Раз аёл кишики аёлга тан бердими, акалар, - кўрсаткич бармоғини кўкка бигиз қилди билагон йигитча, - значит бу ерда бир нима бор...

## II

Мен ҳеч қачон осмондаги ойни орзу қилмаганман, истакларим ҳамиша имкониятим доирасида бўлиб келган. Балки шунинг учундир, ҳаётни ўз ҳолича фикрловчи киши сифатида «Ҳар бир одамда битмас-туганмас ботиний қобилият бор, фақат уни юзага чиқара олиш керак», деган ақидага қўшилавермайман, гарчанд у кенг тарқалган бўлса ҳам. Фикримча, ҳар бир киши тасаруфидаги қобилият, туғма истеъдод ўзининг маълум ўлчовига эга, бундан ортигини талаб қилиш - ўша кишининг жисман ва руҳан зўриқиб қолишига сабаб бўлади, холос. Зўриқиш билан мажруҳликнинг ораси эса бир қадам. Дейлик, менга бир ой мобайнида нафис адабиётдан маъруза ўқисалар ҳам, бир ой чаман-чаман гуллаб ётган боғ ичида ушлаб турсалар ҳам икки қатор шеърни ёзолмаслигимни тан оламан. Тўғри, назаримда назми сал-пал тушунаман, уни ўқиган чоғларимда лаззат туйган онларим ҳам кўп бўлган, аммо дарҳол кўлимга қалам олиб бир нималарни ёзиб кетишдан худонинг ўзи асрасин! Мен қудратли табиатдан шеърятни тушуниш бахтини бергани учун миннатдор бўлганим ҳолда, яхши англайманки, ёзиш санъати - имкониятим сарҳадининг ташқарисида. Шу маънода, Салим аканинг «менга ўхшаганлар миллионтадан битта» деган гапларига шак-шубҳасиз ишонардим, шунингдек, Қақнус қуши бошига қўнган ўша санокли одамларга озгинагина ҳасад қилиб ҳам кўярдим... Баъзида, ғайри-шуурий тарзда кўнглимнинг қай бир қоронғи бурчида яшириниб ётган худбинлик ҳисларига эрк бериб (хом сут эмган бандаман, ахир), ўйланиб қолардимки, агар меңда шундай қобилият бўлганда эди, сал кўзимга қараб иш юритар эдим, сал ақллироқ бўлардим, сал эҳтиёткорроқ бўлардим. Айтайлик, арзимаган чувалчанглардан - таксичиланданми-ей чўтал олиб юрмасдим-у, тўппа-тўғри совхозимиз директорими, РайПО раисими, бош бугалтирими, ароқ магазини мудирими ёки ўшаларнинг гуруҳидан бирон-бир «наҳанг»нинг олдига борардим-да, олганга

яраша... Бошқа пайтлари эса жимгина, эл қатори фақир киши панада қабилда, «Буни қаранглар-а, шундай бўлипти-да, а» деб бошқалар каби ўз ҳайронлигимни изҳор этиб юрарган бўлардим. Салим акага ўхшаб бўлар-бўлмасга жамоатчиликнинг қитиқ патига тегавермасдим.

Намозшом палласи эди. Ёзлик майдончада рақс кечаси ўтказилаётганди. Даврада 5-6 жуфт вальсга тушар, қолганлар чекка-чеккада гуруҳ-гуруҳ бўлиб тўпланишиб туришарди. Бир пайт ҳалиям ўғринча нигоҳлару шивир-шивирларга бош сабабчи бўлиб турган Салим акалар ёнига шу атрофда ўраллашиб юришган маҳаллий «металлчи»лар яқинлашишди. Атайлабдан пала-партиш, асосан дағал чармдан кийимлар кийишиб, имкон борича ўзларига занжир, гильза, тунука қопқоқ сингари ашқол-дашқолларни осиб олишган, кўзлари бирдай безрайиб, совуқдан-совуқ боқадиган ўн олти-ўн етти яшар бу йигитчалар тўдаси кечанинг ўзидаёқ дам олувчилардан бирини қон қақшатиб кетганини «лўлилар почтаси» етказиб улгурган эди. Аксарият булар тарафдан нигоҳларни олиб қочишиб, рақс тушаётганларни томоша қила бошлашди, қачондан буён Ҳуриликкога «қармоқ ташлаш» илинжида юрган уч-тўрт эркак ҳам ўзларини қоронгуликка олишди.

Ҳаяжондан қалт-қалт титраб (бундай пайтлари негадир ўзимни йўқотиб қўяман) уларнинг ёнига келдим. Тўдадан ажралиб чиққан бир йигитча масхараомуз қийшанглаб таъзим қиларкан, темир-терсақлари шақир-шуқур этиб овоз чиқарди.

- Рухсат этинг, хоним, сизни танцага таклиф қилай.

Бутун дунёни унутгандай кафтидаги каттагина япроқни томоша қилиб турган Ҳуриликко - ўлай агар, «янга» дейишга тилим бормайди! - юзига сув сачрагандай сесканиб бошини кўтарди-да, ўзига нега мурожаат қилаётганларига тушунмай аввал йигитчага (тепадан пастга) қаради, кейин Салим акага.

Йигитча яна бир бор қийшанглаб таъзим қилди.

- Маъзур тутадилар, ҳурматли ўртоқ кавалер, хонимингиз билан рақс тушишга рухсат этсангиз..

Тўдадагилар ҳиринг-ҳиринг кулишга тушишди. Бири «вой ўлиб қоламан» деб хихиласа, бошқаси «Маликанинг масхарабози!» деб шикинглайди...

Қовоғи солиниб кетган Салим ака йигитчага (пастдан тепага) қараб бош чайқади.

- Йўқ, рухсат этмайман.

«Металлчи»ларнинг турқи ўзгарди. Тўда яқин-атрофдаги эркак-аёлларни турта-турта чеккага суриб ҳосил қилган жонли ҳалқа ичига амаллаб кириб олдим.

- Қўйинглар, йигитлар, керак эмас, - дедим товушим қалтираб чиқаётганидан, бу эса йигитчаларга оловга сепилган майдан таъсир қилишини сезганимдан баттар музтар бўлиб.

Салим ака Ҳуриликкога қаради.

- Биз ҳозир келамиз.

Аёл, эри чекиб келишга кетаётгандай, юзида бир мушаги қилт этмай, хотиржам бош ирғаб қўйганча, япроқни диққат билан томоша қилишда давом этди.

Жангари тўда Салим ака иккаламизни қоронгуликка суриб кетди. Менинг оёқларим дир-дир титрай бошлади.

Боғ чеккасига келиб тўхтадик. Йигитчалардан бири ерда ётган гиштни олиб шошмасдан боғ панжарасига ўрнатди. Сўнг пишиллаб нафас олганча бир-икки чоғланиб-чоғланиб кўргач, «ийя!» деб чинқириб кафтининг қирраси билан бир урганиди, гишт икки бўлакка бўлиниб кетди... Бу «психологик ҳужум»дан Салим акани билмадимку-я, мен адои тамом бўлдим...

- Сизнинг кетганингиз яхши бўларди, - дедим Салим ака енгимдан тортиб ўзига қаратаркан. - Мен буларга айтаман, қўйиб юборишар.

Булутлар орасидан қўрқа-писа мўралаган ойнинг заиф шуъласида маъносига жилмайиб турган Салим аканинг кўзойнаги ярақлаб кетди.

Қўрқоқнинг орияти курсин.

- Йўқ, - дея олдим холос ютиниб. Қалтироғим ошқор бўлишидан чўчиб бошқа бир сўз демадим.

Шундан кейин бўлди томоша. Ҳалиги кафти болганинг қиррасидай ўткир йигитча салона-салона қадамлар ташлаб, безбетларча тиржайган кўйи ёнимга келгани, баногоҳ мушукдай тепага сакраганини, қулогим олдига қайдандир кучли бир тепки келиб тушганини элас-элас эслайман. Кўзимни очсам, ётибман ерда чил-парчин бўлиб, терлаб-пишиб кетган Салим ака бўлса бўйиними зўр бериб уқалаяпти.

Бир амаллаб қадимни тикладим.

Атрофимизда... Бояги уришқоқ йигитчалар ҳаракатсиз ҳолда чўзилиб ётишарди. Қизиги шунда эдики, улар худди ухлаётгандай эдилар. Ҳатто баъзи бирлари гўдак болалардай тамшайиб, жилмайибгина ётардилар. Оғриқниям унутдим.

- Ҳаддидан ошганларнинг жазоси мана шу, - деди Салим ака менинг саволомуз нигоҳимга жавобан ҳансираб. - Кетдик, булар ярим соатлардан кейин ўзларига келиб қолар.

Ўрнимдан тураётиб гандираклаб кетган эдим, Салим ака қўлтигимдан олди.

### III

- Ассаломалайкум. Хуш келибсизлар, - деди эшикни очган Ҳуриликко эшитилар-эшитилмас овозда, дарров бошини қуйи эгиб, юзини ўзини четга оларкан. У одмигина кўйлак кийган, сочини иккита қилиб ўриб, орқасига ташлаб қўшган, гўё ялтир-юлтир либосларига қўшиб улуғворлигини ҳам ечиб қўйгандек; ҳозирги ҳолатида соддагина, камсукумгина кўриниши билан ўзимнинг қишлоғимнинг мунис аёлларини эслатди.

- Жентльменларга битта аччиқ чой бўлса, - мамнун қиёфада кафтларини бир-бирига ишқади Салим ака.

- Хўп бўлади.

Биз меҳмонхонага ўтдик. Ётоқ бўлмаси ва меҳмонхона алоҳида, ҳатто мўъжазгина

ошхонасиям бор бундай саноқли «экстракулай» секциялар мўътабар мижозларгагина мўлжалланганини эшитиб улгурганим, ҳатто шунақанги димоғидан эшак қурт ёғадиган бир-иккита «оқсуяқ»ларни кўрганим ҳам, шунгами, «Салим ака таниглик олимпикан, балки давлат арбобидир, балки махфий институтда ишлар...» деган ўйлар ўтди кўнглимдан.

Биллур вазалар ва чиройли ликопчаларда олма-анор, майиз, шўрданак, заррин қоғозли шоколадлар қўйилган стол атрофидаги юмшоқ креслоларга ўтирдик. Ҳурилиқо патнисда чойнак-пиёла кўтариб кираркан, яна бир бор «Хуш келибсизлар» деди. Хонани цейлон чойининг хуш бўйи тутиб кетди.

Кўнгироқ жиринглаб қолди. Трубкани кўтарган Салим ака дам олиш уйининг директорини тинчлантира бошлади: «Ҳеч гап бўлгани йўқ. Ёвдат Ялқашович, ёш болалар шунчаки ҳазиллаштишганди-да, йўқ-йўқ, ҳеч кимни чақиришнинг ҳожати йўқ, болаларнинг ўзлари уй-уйларига тарқаб кетишди, сиз ҳам бемалол дам олаверинг. Хайрли тун...»

Хотиржам бўлишга уринаман. Ўзимни шоҳ қасрига кириб қолган бадавий ўрнида ҳис қилмаслик учун суҳбат бошлашга тузукроқ мавзу қидираман. Аксига олиб, миямга жўялироқ бир фикр келмасди. Ноилож, креслонинг шер калласи ўйиб ишланган суянчиғини маҳкам чангаллаганча илжайиб ўтравердим. Мезбоннинг ўзи жонимга ора кирди: бурчақдаги жавон устида турган магнитофон тугмасини босди.

Салим ака жойига қайтиб ўтираркан, бир тирсагини суянчиққа тираб, бош бармоғини иягига текизди-да, кўзларини юмиб олди. Хонада аввал титроқ танбур ноласи, сўнг мусиқага жўр бўлган ҳофизнинг ширали овози суза бошлади.

Эҳтимол, одамнинг асли кимлигини унинг кўшиқ эшитишига қараб ҳам тахмин қилса бўлар. Мезбон бутун кўшиқ мобайнида бир нафасга бўлсин кўзларини очмади, азбаройи диққат қилганидан, азбаройи таъсирланганиданми қошлари ўртасида тугунча пайдо бўлди, бир ёноғи учиб туша бошлади, шунда у кишининг лабларини маҳкам қимтиб олганини, жағида эса олхўридай гудданинг бориб-келаётганини кўрдим.

*Эй мусулмонлар, билингким,  
бўлди умрим ҳосили  
Нафси кофир фитнасидан  
номусулмонлигга ҳайф...*

Ҳофиз Навоий ғазалининг ушбу авж нуқтасига етганда ҳазин оҳангга мос тебранаётган Салим ака пешонасини чангаллаганча «ум-м...» деб инграб юборди...

Салим ака магнитофонни ўчирган заҳоти пиёлани тўнкариб қўйиб, кетишга изн сўрай бошладим.

- Кетар жафосига бир ўтирайлик-да, юртдош, - синиқ кулимсиради мезбон.

- Қанақа «кетар жафоси»? Дам олиш энди бошланаяпти-ку. Худо хоҳласа, энди

ҳар куни кўришиб турамиз.

- Менинг бор қудратим мана шу ерда, - Салим ака кўрсаткич бармоғини кенг пешонасига бигиз қилди. - Менга унча-мунча одам чўг эмас. Лекин кутилмаган жойда орқадан тушиб қоладиган зарбаларни ёмон кўраман, бундай ёқимсиз ҳодисани бир марта бошимдан ўтказиб кўрганман. - Салим ака энгашиб, силлиқ таралган узун сочларини сурган эди, бошининг орқа тарафидаги тўрт энлиқ жароҳат ўрни очилиб қолди.

- Анави болалар...

- Гап фақат уларда эмас, - ҳўрсинди Салим ака. - Бекорга таваккал қилавериш ёшидан ўтганман. Қолган юз кунимни ортиқча асабийлаштишларсиз, сайру саёҳатда, тинчгина ўтказсам деганим. Биз эртага Сочига кетамиз.

- Путёвқаларингиз борми? - ҳовлиқиб сўрадим мен.

- Бўлади, - яна синиқ кулимсиради Салим ака. - Ҳаммаси бўлади... Лекин гап бунда эмас. Гап шундаки, укажон, агар малол келади демасангиз, энди буни очиқ айтаверсам ҳам бўлар, сизга бир илтимосим бор эди.

- Бемалол.

Салим ака ўрнидан туриб, безовта қиёфада қўлларини орқага қилганча, хонани қадамлаб ўлчай бошлади. Бу кичкинагина одамнинг сезиларли даражада ҳаяжонлана бошлаганини кўришнинг ўзи ғалати эди.

- Иккаламиз бир музофотдан эканмиз. Қайнар қишлоғини эшитган чиқарсиз. Ҳа, ана шу қишлоққа бориб «Салим ака» десангиз эҳтимол ҳеч ким билмас, аммо «ҳаддидан ошганларни жазолаб юрадиган букри» десангиз етти яшаридан етмиш яшаригача таниса керак. Қишлоқда мендан Азроилдан кўрққандек / кўрқадиган бир-иккита ҳаромхўрларам бор, мабодо ўшалардан биронтаси йўлиқиб қолиб, мен ҳақимда бўлмагур гапларни айтишга тушиб кетса - ишонманг, ҳаммаси ифлос игволар, ўша ғийбатчилар асли инсофни унутиб, ҳаддидан ошганлар тоифаси. Мен бу тоифани «қони бузилганлар» деб ҳам атайман, уларга энди паңд-насихатлар, илтимослар, ибратлар билан таъсир кўрсатиб бўлмайди, улар ў т и н қ и р а г а н л а р. Уларга қарши куч ишлатиш керак, фақат куч; уларнинг бариси ўзидан кучлини кўрганда думини қисиб қоладиганлардан... Сизга мақтанмоқчи эмасман, лекин беш-олти йилча бурун ўшаларга ўхшаш ҳаромхўрлардан йиғиб олган солиқларим ҳисобидан 100 мингини боғча қурилишига бердим, лекин аблаҳ раис бир тийинини қолдирмай пахта пункти мудирининг қўлига олиб бориб берибди. Пулни-куиккаласининг бурнидан сиқиб олиб, болалар уйига ўтказиб юбордим, бироқ шундан кейин қишлоқда яшашим қийин бўлиб қолди. Шундан бери умрим ҳам сайил, ҳам сарсонлиқда ўтади...

Тўғри, дўхтирларга бормадим, олимлар, мухбирлар келганда яшириниб олдим, ишқилиб, мени тажрибахонадаги куёндай шубҳаланиб, иззат-нафсимни таҳқирлаб текширишларини истамадим, уларнинг

аҳмоқона саволларига жавоблар қайтариб, ўзимда табиат ато этган қобилият борлигини исботлашдан кўра овлоқ жойларда яшириниб юришни афзал кўрдим. Агар сиз эринмасангиз, бир эътибор бериб кўринг-а, мажруҳ одамларнинг аксари иззат-нафси баланд, мағрур, шу билан бирга инжиқ ва жиззаки бўлишади, уларга битта гап камлик қилади, иккитаси эса ортиқча...

Укажон, - ҳаяжондан дудуқлана бошлаган Салим ака овозини пасайтирди, бир зум тин олгач, бориб эшикни ёпиб келди. - Табиат мени жисман қисишга қисибди-ю, нега бошқаларга таъсир ўтказа билишдек қудрат ато этади? Ва яна, ўлганнинг устига тепгандай, аянч ҳолимга яраша юрак ҳам бериб қўйибдики, мен яхши кўриб қоламан... Ажабланманг, укажон, ажабланманг. Кулманг ҳам. Мен янгангизнинг ортидан ҳеч нарсага умид қилмаган ҳолда тўрт йил соядек эргашиб юрдим. Бўлмаса, ёшим ўттиздан ошиб кетган эди... Ўх... мен тафсилотларини тушириб қолдирай, умуман, мен ўзим гапга нўноқман, бирон нимани лўнда-лўнда қилиб тушунтириб бериш қўлимдан келмайди, нуқул чалғиб кетавераман, айниқса ҳиссиёт борасида. Буларнинг барини қўлдан келганча ёзиб қўйганман, вақти келиб билиб оларсиз ҳам... Хуллас, дастлаб Ҳурининг отаси ҳовлисига қўшиб элик мингги қиморга бой берганида мен қутқариб қолдим, тўнғич ўғил уйланганида ҳам - ўзбекнинг тўйи маълум! - мен уларнинг жонига ора кирдим. Қолган майда-чуйдаларни айтиб ўтирмай, аммо нодонликда отасидан қолишмайдиган маст ўғил ҳовлию-хотини билан қўшиб сингисини ҳам «гардкам»га тикканида ва бой берганида Ҳурининг ўзи олдимга учиб келиб зор-зор йиғлади, тиз чўкиб кўмак сўради... Мен одамларнинг фикрларини ўқий оламан. Ҳури мени Хизр сифатида, гойибдан келган падар сифатида бошига кўтарарди. Аммо бу менга кам эди...

Мен бир марта яшайман, ука, бир марта. Ва сиздан фарқли ўлароқ, қачон ва қай вазиятда бу дунёдан кетишимни ҳам аниқ биламан; ирсият қонуниятларидан хабарим бор. Бу йил, 1989 йил - менинг охириги йилим... Хуллас, умримнинг минг кунини қолганида мен ёмон ишга қўл урдим: Ҳурига кўпдан оғиз солиб юрган, на ақли, на қобилияти, на истақ-иродаси билан ажралиб турадиган мўмин-қобилина йигитчани - ахир у Ҳуридай қизга муносибмиди?! - ўғирликка жўнатдим. Мен уни кейин қутқариб олдим, албатта... Мен худбинман, бу қусурумни ҳеч қачон яширмаганман, яширмайман ҳам, мен худбинман. Эҳтирос эса худбинликнинг оловига сепилган мойдек гап экан... - Салим ака бўғриқиб кетди, бармоқларини асабий тарзда букиб қисирлата бошлади. - Агар... агар ўша оқшом Ҳури мени ҳеч бўлмаса бир лаҳзага ўзига кўнгли қўйган эркак сифатида кўрганида эди, балки мен уни озод қилган,

сўнг эса ўзимни ўлдирган бўлармидим... Аммо... барини ёзганман, ука, ёзганман... Тонмайман, мен ўғриман, қасос йўлига ўтган ўғриман... Мен Ҳурининг... энг бебаҳо бойлигини ва уч йиллик умрини ўғирладим. Мен бу ишни билиб туриб қилдим. Мабодо бу гуноҳим учун у дунёда жавоб бериш керак бўлса, жавоб беришга, дош қозонда қайнаш керак бўлса, қайнашга тайёрман...

Юз кунлик умрим қолди. Юз биринчи кунини кетаман... Мен соғлом зурёд орзу қилгандим, бўлмади... Кетаман... Шу билан янгангизнинг онги ҳам тутқунликдан халос бўлади. Кейин нима бўлишини ўйласам юрагим орқамга тортиб кетади. Эҳтимол, Ҳури мени бир умр қарғаб ўтар, эҳтимол ўлигимни қузғунларга ем қилар. Алданган аёл қасосидан кўрққулик...

Илтимосим шуки, укажон, бир юз биринчи кунини менинг жанозамга келсангиз. Рухим чирқираб қолмасин... Маййитим она қишлоғим тупроғидан жой олсин... агар илоҳи бўлса... - Дир-дир титрай бошлаган Салим ака жавондан қалингина конверт олиб узатди. - Имкон топиб мана буни янгангизга бериб кўярсиз. Бу ерда менинг ёзганларимдан ташқари кичкинагина васиятномам бор. Сармоямнинг барини унинг номига ўтказганман, қариндош-уруғлариям қуруқ қолмаган... Ўзимга кўп нарса сўрамайман, қабримга «шундай одам яшаб ўтди» деган тош қўйилса бўлди...

Эртаси кунини бу ғалати жуфтни поездга чиқариб қўйдим. Салим ака, бир мунча сунъийлиги сезилиб турса-да, кўтаринки кайфиятда эди. Ҳурилик эса яна қўл етмас юксакликка кўтарилган, сервиқор, салобатли аёлга айланганди. Унинг лоқайд нигоҳи нимагадир менга кооператив таксичининг кўрқув акс этган бесаранжон кўзларини эслатди. Чин сўзим, шу дақиқаларда Салим аканинг ўрнида бўлиб қолишни истамасдим...

#### IV

Кундалик турмуш ташвишларининг тўзонлари губорига беланган хотирот кўзгуси баъзан бир қафт юрғазини билан ярқирайди-қолади.

... Ярим тунда сесканиб уйғониб кетдим. Юрагим увишиб оғрирди. Ҳаво етишмасди, қолбуки деразанинг иккала тавақаси ҳам ланг очик эди. Кўнглимга қандайдир армонли алам бостириб келаётганини туйиб безовталанардим. Мен учун қандайдир йўқотиш юз бераётганини элас-элас илгар ва туйиб-туйиб йиғлагим келарди.

Ортиқ ётолмадим. Ўрнимдан туриб тунги чироқни ёқдим. Бирданига ниманидир англаб етгандек бўлдим-у, девордаги календарга, ўзим қора ҳалқага олиб қўйган санага қарадим. Бугун - юзинчи кун эди...

Йўл тадориғини кўриш керак. Эртага эгасига топширишим зарур бўлган омонатни олиб Қайнарга жўнайман...







Абдулла ТУРДИЕВ

ТИРИКЛИК ДАРЁСИНИ  
КЕЧГАЙМАН

А Ё Л

Бу малак БАҲОР...дан рўмол ўрайди,  
ЁЗ...дан бир жуфт нақшин олма сўрайди.  
Мевали дарахтдир фасли айём - КУЗ,  
ҚИШ...да бошга ёққан қорни курайди!!

Ҳ И К М А Т

Энг сўнги манзилга ета-етгунча -  
Гоҳо бир ҳикматни англаймиз аранг.  
Чумоли излари кета-кетгунча -  
Заминга дон расмин чизибди, қаранг...

Х У Д О Й И М

Банд айлаган дил қушим озод айла, Худойим,  
Илоҳий учқур қанот бунёд айла, Худойим.

Не синоат, не тилсим минбаъд ўзинг  
қодирсан -  
Ўзлигини ўзбекнинг имдод айла, Худойим.

Қад растласин устувор пок иймон кошонаси  
Субутсизлик деворин барбод айла, Худойим.

Таваллога очай қўл - фақат умид ўзингдан - Айтайлик, беадад ҳар тўрт тарафни -  
Илло, элнинг мушкулин кушод айла, Худойим. Қумларнинг тошқини айлаган ишғол.

Ҳеч бир она элига фарзанд бермас - нобакор, Ваҳки, бир туйғуга эшик очар фол...  
Ҳар яхшини ёмонга устод айла, Худойим.

Буюк элнинг топгани фақат тўйга буюрсин - Тириклик дарёсин сим-сим кечгайман.  
Бахт бўйини баркамол, шамшод айла, Гарчи саҳродаман... томчи сувга зор -  
Худойим. Фақат умидларни хўплаб ичгайман!!

Маъшуқа - Ширин эрса, ўтинч - ҳар бир  
ошиқни -  
Муҳаббат дунёсида Фарход айла, Худойим.

Не-не зоти шарифга Ватан эрур бу тупроқ -  
Ўтганларнинг руҳини... ки, шод айла,  
Худойим.

Тирикликка «Алвидо!» айтар бўлса  
Абдуллоҳ -  
Фано топган умримни обод айла, Худойим!!

У М И Д

Мен учун Ватандир - умидли дунё,  
Умидлар - ўлимга қилич солар тик.  
Афшон кундузми ё, зулматли тун ё,  
Мени забт этолмас ҳеч қандай ҳадик.

Бир ҳовуч юрагим - тенгсиз тупроқда -  
Гуллар ўстираман тирногим қонаб.  
Қиздай бўса тутар ишқим кучокда -  
Гоҳо тиконларин кўксимга қадаб.

Абдулла ТУРДИЕВ дарвишқалб шоир. Унинг содда, жайдари, олифталикдан йироқ сатрларидан кўнғил ҳамиша ташна кенглик, поклик нафаси уфуради. Камсуқим шеърларидаги самимият ранглари хаёл кўзларини яшнатади. Шоир қарийб 30 йилдан буён шу руҳдаги илҳом мавжлари билан юртнинг катта-кичик давраларида, республика нашрларида шеър қувончини улашиб келади. Лекин унинг шу пайтгача ёзганларидан дасталанган гўлдастаси - бирон-бир шеърини китобининг нашр этилмаганлиги шеърини мухлисларини куюнтиради ва ҳайратлантиради. Бунинг бир сабаби иқтисодий қийинчиликка тақалса, бир учи Абдулла ТУРДИЕВнинг чин ШОИРЛИГИдан дарак беради. Биз шоирликнинг умри узун, туйғулари баракали бўлсин, деймиз.

ТАҲРИРИЯТ

Абдулла ТУРДИЕВ. Тириклик дарёсини кечгайман



Азмиддин НОСИРОВ

Тарихимизда ўзининг шеърляти ёки адолатпарварлик ва маърифатпарварлик фазилатлари билан шуҳрат топган сиймолар бисёр. Улар ўз инсоний фазилатлари билан юртини овоз килган бўлсалар, илмий-ижодий мероси билан дунё тараккиётига ҳисса қўшганлар.

Ана шундай шахслардан бири Абулфатх Муҳаммад Шайбонийхон ҳақида балки эшитгандирсиз?

Муҳаммад Шайбонийхоннинг ҳаёти, ижодий фаолияти ҳам Аҳмад Яссавий, Суфи Оллоёр, Хожа Ахрор Вали сингари унлаб улуғ маърифатпарварлар, мутасаввуфлар, шоирлар, илму фан ва дин хомийлари бўлган ҳукмдорлар мероси каторида урганилмади. Уларга умуман собиқ шўролар даврида нафрат билан карашга унлашлар анъанага айланган эди. Хусусан, Шайбонийхон ҳам тарих саҳнасида босқинчилик юришлари билан из қолдирган киши сифатида талқин этилди.

Маълум бўлишича, дунёнинг Олмония, Туркия сингари мамлакатларида яшаётган Темур Хужа, Якув Қорасуй, Ёнуш Экман, Заки Валидий, Камол Эраслон каби олимлар Муҳаммад

Шайбонийхон адабий мероси устида бундан неча йиллар аввал илмий-тадқиқот олиб борган ва ҳатто баъзилари докторлик ишларини ҳимоя қилганлар. Шундай бир пайтда биз ҳатто улуғ бобокалонимиз

қолдирган адабий-маърифий меросдан баҳраманд эмаслигимиз ачинарли ҳолдир.

Муҳаммад Шайбонийхон фаолиятининг ҳар бир кирраси асрлар мобайнида баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда. Шу уринда Шайбонийхон дашти қипчоқ халқлари орасидан етишиб чикканми ёки дашти қипчоқ халқлари яшаган худудларда ҳукмронлик қилган хонларнинг авлодими, деган савол туғилиши табиий.

Қўгина илмий манбаларга асосланиб ҳулоса қилиш мумкинки, Муҳаммад Шайбонийхон дашти қипчоққа келиб, ўрнашиб, утроклашиб кетган хонларнинг авлодларидандир. Ул зот юксак дидли шоир, тил билимдони бўлиши билан бирга Куръон ҳофизлигини ҳам эгаллаган. Шунингдек, ўз замонасида ислом динининг кучли билимдонларидан санадган. Зеро Муҳаммад Шайбонийхон «Саид», «Имомуззамон» каби диний унвонларни бежиз олмаган.

Айниқса, ул зотнинг назмда қалам тебратиб гўзал ашъорлар битгани диққатга сазовордир. Чин инсоний севги-муҳаббат, Ватан, инсонпарварлик

улуғ шох шоирнинг доимий мавзуларидан бўлган.

Муҳаммад Шайбонийхон газалларида Самарқанд, Бухоро, Туркистон ўлкалари фахр билан тилга олинади. Масалан:

*Кетмади қўнгуллин ҳеч дийдори*

*Самарқанднинг,*

*Қўзумлин учар ҳар дам гулзори*

*Самарқанднинг,*

*Ҳар нечаки, шаҳр улса дунёла*

*латиф аммо,*

*Барчадин эрур яхши бемори*

*Самарқанднинг.*

Ёки:

*Авлиёлар сарвари ул шохи*

*Туркистон эмиш,*

*Ер юзини нури тутқон мохи*

*Туркистон эмиш.*

Ёки:

*Бир ҳаёлим бор пир вофий айлайин,*

*Ул Бухоро шаҳрида Қабъа*

*тавофин айлайин.*

Муҳаммад Шайбонийхон ўз ҳукмронлиги

даврида Самарқанд ва Бухорони

илму маърифат марказига

айлантиришга ҳаракат қилди.

Бу жойларда у олимлар,

шоирлар, тарихчилар ва бошқа

кишиларни тўплаб, уларнинг

кенг доирада фаолият

курсатишлари учун имконият

яратди. Шу билан бир каторда

ўзи ҳам илму ижод билан

умрининг охирига қадар

жиддий шўғулланади. У

газаллар, рубоий ва

туяқлардан иборат девон тартиб бериб, ажойиб

туркий шеърят намунасини яратган. 1507-1508

йилларда эса ўғли Темур султонга бағишлаб,

ҳозирда Туркияда сақланаётган панд-

насихатлардан иборат асарини, шунингдек 1508

йилда «Баҳр-ул-худо» («Ҳақиқат йўлининг денгизи») номли асарларини ёзди.

Лекин ачинарли жойи шундаки, Шайбоний

шеърлятини урганиш борасида кейинги йилларда

ҳам баъзи бир нуқсонларга йўл қўйилмоқда.

Жумладан Қул Убайдийнинг 1994 йилда нашр

этилган девонига киритилган «Ёбулар» радибли

туяқ асида Шайбоний қаламига мансуб бўлиб,

асоссиз равишда Қул Убайдий девонига

киритилган.

Ҳулоса қилиб шунини айтиш мумкинки,

Абулфатх Муҳаммад Шайбонийхон шох ва шоир

сифатида ўз даврининг етук сиймоларидан биридир.

Шунинг учун Шайбоний шахсини ва

ижодини тарихий давр ҳақиқатидан келиб чиқиб

урганиш ва таҳлил этиш мақсадга мувофиқдир.

## ИМОМУЗЗАМОН ШОҲ ВА ШОИР



КНУТ ҲАМСУН

ҚАЗО

1861 йил эсдалиги

Гланлар оиласи бедарак кетган лейтенант Томас Глан хусусида рўзномаларда кўп эълон бериб, сўраб-суриштиришларига қарамай, ундан бирон-бир хабар бўлмади; у қазо қилгани, ҳатто қандай аҳволда ўлганидан ҳам мен яхшигина вокиф эдим.

Очиғи, оиласидагиларнинг беҳуда бир катъийлик билан уни қидираётганлари мени хайрон қолдирмас, ахир Томас тегирмонга тушса, соғ чиқадиганлар хилидан, яна нафсиламрига уни қадрлашардилар ҳам. Уни ҳамон ўзимга рақиб деб билишга қарамай, эсимга тушган-да нафратдан қоним қайнаб кетса-да, ҳа, ҳа, мен гарданимдаги қарздан соқит бўлишим керак. У келишган, истараси иссиқ, навқирон ва яна алламбало фазилатлар кони ноёб нусха бўлганидан ҳар қандай кимсанинг ҳам бошини айлантлар даражада эди. У ичингда нима борлигини ўқиб оладигандай ваҳший, ўтли нигоҳ ташлар, бу ҳолати унинг ўзига-да ҳокими мутлақ эканлиги, шуурингда ярақлаб кетар, қолаверса ўзи ҳам буни хўб ҳис қилиб турарди. Бу хусусда бир аёлнинг ривоятнамо миш-мишини эшитганман: «Қачон у менга кўз ташласа, мен ўзимда бўлмай қоламан, у худди кўринмас қўллари билан менга тегинаётгандай бўлади».

Бирок, беайб парвардигор. Томас Гланда ҳам ўзига яраша қусурлар кўр тўккан, мадомики, мен ундан нафратланар эканман, бу ноқисликларни яшириб ўтиришнинг ҳеч ҳожати йўқ. Ул замонлар Глан шунчалик анойи, шу даражада кўнгилчан эдики, бамисли ёш боладай тегманозик, шу боис теграсида ҳавасманд қадрдонлари гирди капалаклари кўп бўлади. Глан соатларча улар билан ҳар тур аҳмоқона мавзуда баҳслашар, керагидан ортиқча лақиллар, хоҳолар, унга эса фақат шу бемаъниликлар керак эди. Масалан, у бирон-бир семиз одамни таърифласа, уни бир қоп ёғ деб маломатлар ва ўз топқирлигидан маст бўлиб қийқарар, бирон-бир мажбурият боис бу беҳаё гапларни тинглашга тўғри келганда, мен жуда ҳижолат тортардим. Кейинроқ эса биз бир том остида тирикчилик ўтказишга тўғри келганда унинг қанчалик думбул эканлиги билинди-қолди. Бир эрталаб уйимизнинг хизматчи аёли хонамга кирди-да, нонуштага

нима хоҳлашимни сўради. Мен шошиб турардим, ўйлаб ўтирмай: тухумли бир бурда нон, - дедим. Томас Глан ҳам уйимизнинг болаҳонасида, нақ томнинг тагида яшар, айна паллада менинг олдимда ўтирарди. У бирдан менинг бу лўқмамдан завқланиб кетди ва хоҳолашга тушди. «Тухумли бир бурда нон», деб у қайта-қайта такрорлаб, завқланар, бунинг ҳеч бир куладиган ўрни йўқлигидан ҳайратга тушиб ўтирсамда, бир нима деб юбормасликка тиришардим.

Мен бу эски гапларни хотирларканман, унинг беўхшов, дағал, бемаза қилиқлари қаторида, у ғанимим бўлишидан қатъий назар ҳар ҳолда нимадандир мени аянгандай кўринади. Унга нима учун керак эди бу олиёжанобликлар? Тўғри, у маст-аласт бўлгандагина, бунақа аҳмоқгарчиликларга берилишини айтишим керак. Бироқ қай ҳолатда бўлганда ҳам бу барибир жиркантирадиган ноқисликлар эмасми?

Мен у билан танишган 1859 йил кузида у ўттиз иккига чиққан, биз ҳамтенг эдик. Ушанда у бутун юзини қоплаган соқолда, эгнида тўқилган кўйлақда юрар, ёқаси ҳамиша очик бўлган бу кўйлагининг юқори тугмаларини ҳам ўтказай демасди. Ушанда унинг чехраси менга фавқулодда келишимли кўринди, аммо уни кўришга кўзим бўлмай қолганда яхшилаб разм солсам, унинг чехрасида ҳам меникидан ортиқча ўзига тортадиган ҳеч вақоси йўқ экан, фақат мен ўзимни унингдек намойишкорона тутмайман. Мен у билан кемада учрашиб қолдим, ҳали биз йўлда, кўзлаган манзилимизга етмаган, темирйўлга етмай йўлда қолиб кетмаслик учун дарров арава топишни келишиб олдик. Мен атайин ул жойни айтмаяпман, негаки яна хотирам тирналиб ўтишини истамасдим; Гланнинг оиласидагилар буни виждонан тушунишлари, шунга кўра қидирувни тўхтатганлари дуруст, чунки бор ҳақиқат, Глан мен номини тилга олишни истамаётган манзилда айнан қазо қилгандир.

Хулласи калом, мен Томас Глан билан учрашганимча ҳам у ҳақида нималардир қулоғимга чалинган, шу боис менга унинг асли бир қадар таниш эди. Эшитишимга қараганда, у шимолий норвегиялик ҳеч кими қолмаган, аммо жуда доврўкли ва бадавлат бир офатижон

ёшгина қизга ишқи тушади, бироқ қизнинг шаъни аллақандай мубҳам тарзда бўлгангач, у билан алоқани узади. У нодонларча қиз қасддан ўзини шундай шармисор ҳолга солган деб лақилларкан. Афтидан, унинг ўзи қизни бунга мажбур қилган бўлиши керак. Чунки бундан Глан ҳеч ютқизмасди. Негаки, ўшанда Томас Глан ишратбоз, ароқхўр, жанжалкаш сифатида отнинг қашқасидек донғи чиққан, шунинг орқасида хизматдан бўшаган пайтлари бўлиб, бу ҳам унга кўнгил очар ўйинларининг қиёмидагидек туюлган, ҳатто аламига бу қасос олишнинг манамен деб турган имкони бўлиб кўринган бўлиши ҳам мумкин.

Ёш жувон билан унинг орасида шунга ўхшаш воқеалар бўлган деб миш-миш қилишар, аммо бошқача гап сўзлар ҳам юрар, айтишларича, у ҳеч ҳам қизнинг насоғига тегмаган, балки қизнинг ота-онаси уни кўрарга кўзлари бўлмаган ва ҳатто уни уйларида қувиб солишган, қиз бўлса бу муносабатга қарши бирор-бир тадбир ишлатмаган, қайтага уларнинг хоҳиш иродаси билан Глан исмини эшитишдан ҳазар қиладиган, хуллас бир швед графига турмушга чиқиб кетганмиш. Мен бўлса бу гапларга ҳеч ҳам ишонмайман, назаримда Томас Гландан нафратланишим боисми биринчи миш-миш ҳақиқатга яқин, менга бошқалардан кўра, ул воқеа бўлгандай туюлади. Аммо бу воқеалар қай тарзда кечгану унинг машҳури жаҳон маъшуқаси ким эди? Бу хусусда Глан менга лом-лим демаган, мен ҳам бу хусусда ҳеч қачон бирон нарса сўраб-суриштирмаганман. Менга бу зарил қолибдими?

Мен шуни хотирлайманки, кемада гурунглашарканмиз, орамиздан биронтамиз аввал бўлмаган бўлғуси манзилимиз хусусида сўзлашдик.

- Унда меҳмонхона бор экан, - Глан ҳаритадан ўша жойни кўрсата туриб сўзида давом этди, - етганимиз заҳоти дарров жойлашиб олардик. Бу кабилар хусусида менга қони бузуқ инглиз кампир айтиб берган, айтишича борар манзилимиз оқсоқоли кўшни овулда яшаркан, унинг бир ғала хотини бўлиб, аёллари 10 ёшдан катта эмас, деганди.

Очиғи, мен бу ҳақда ҳеч нима эшитмагандим, оқсоқолнинг хотинлари саногийю, қишлоқда меҳмонхона бор-йўқлиги тушимга ҳам кирмаганлигидан лом-лим демадим. Глан бўлса, ғаройиб ҳикояси адоғида ним табассум қилиб қўйди ва бу илжайиш ўшанда менга жуда ҳам ажабтовур кўринганди.

Ҳа, дарвоқе, мен қарийиб унутаёзибман. Унинг келишган қадди-қомати ҳам нуқсондан холи эмасди. Ўзининг айтишича, чап оёғида анча илгаритдан тузалмас ўқ жароҳати бўлиб, обиҳаво ўйнаб турар, рутубатли кунларда бу оёғи зирқираб чиқарди.

## II

Бир ҳафта ўтиб биз каттагина кулбага жойлашдик. Эшитганимдек, дурагай инглиз кампир уни меҳмонхона, деб атарди. Оҳ, бу меҳмонхонасини! Меҳмонхона деворларининг

катта қисми лой шувоқли, баъзи ўринлардан ёғочлар чиқиб турар, бу ёғочли жойларда ҳамиша аллақандай ҳашоратлар ғужгон ўйнар ва одамга ҳеч тинчлик бермасди. Мен яшаган хона залнинг ёнидагиси бўлиб, унинг хира, камбар деразаси кўчага қараганди. Глан бўлса болахонадаги қоронғу бир чалдеворни танлаган, бу хонанинг ўзидан ҳам бешбаттар-гўрнинг оғзидек хунук деразаси борлиги ҳам рост эди. Куёш кулбаимизнинг похол томини аёвсиз қиздирганидан, туну-кун бу азобга Глан маҳкум, чидаб бўлмас бу жазирамадан ташқари унинг хонасига чиқишга росмана зинапоя ҳам йўқ, шунчаки тиркаб қўйилган, ағдарилардай ғариб ёғочларга тирмашиб, унинг ўз хонасига чиқишга мажбурлигини айтмайсизми? Албатта, бунда менинг заррача гуноҳим йўқ. Мен ҳали, жойлашмасимиздан олдин уни гапга солиб, аввало танлаш имконини унга ҳавола қилгандим.

- Бу ерда хона иккита экан. Кўриб турганимиздек бири пастда, иккинчиси тепада, хоҳлаганингизни танланг.

У иккисига ҳам разм солиб, юқоридагисини танлади. Мен рози бўла қолдим, эҳтимол, менга хонанинг яхшиси қолгандир, лекин бу учун унга ташаккур айтишим керакми? Биз шундай рози-ризолик билан орани очиб қилиб олгандик. Ҳаддан жазирама кунлар биз овга чиқмасдик. Уйда танда қураддик: О, жазираманинг авжини, нақ ёндиради ўзиям. Тунда эса тўрларни қурт-қумурсқа, кемирувчилардан муҳофаза қилардик, ё пирай, бир сафар тўримизга кўршапалак тушиб қолган ва унинг бир бўлагини кемириб ташланганди; Глан билан бундай тасодифлар кам бўлмас, бунинг устига у бечора иссиқларда болахона деразасини беркитишни ҳам ҳеч иложисини қилолмас, мени бўлса худойимнинг ўзи ёрлақоганди. Кундузлари биз кулба олдидаги бўйрада чўзилиб олардик. Чекишиб, кўшнилариинг ҳаётини кузатардик. Лаблари қалин қора танли маҳаллий аҳолининг қора кўзлари ҳамиша ялтираб турар, қулоқларида сирға; улар қарийиб ялонғоч юришар, фақат сонларида латта ё шапалоқ барглardan боғичларгина кўринар, аёлларининг этаклари янада калта бўларди. Болалар туну-кун сарпойчанг чопишар, катта қорнилари ялтираб кўзга ташланарди.

- Аёллари бунчалик сўлқулдоқ бўлмасаяй, - Глан менга лўқма ташлади.

Бахслашиш шарт эмас, ҳақиқатдан ҳам аёллари семиз, дейилганча бор. Ҳатто, бунинг Глан эмас, биринчи бўлиб ўзим пайқаган эдим, аммо бунинг тилга олишни эп кўрмагандим; қолаверса, уларнинг ҳурматини қилиб, бир нима дегим келмаганди. Кейин ҳаммасини ҳам бадбашара ва семиз деб бўлмас, аксинча мен бир ним хунду, узун кокил, марварид тишли дилбар билан танишиб қолдимки, у ҳаммасидан аломат эди. Мен унга илк бора дуч келган кечки паллада у шопопоя рошидаги бўлик ўтлар устида узала тушиб, чалқанчасига

ётганча, оёқларини ликиллатиб ўйнатарди. Биз тил топишгач, у уйига кетмади, ота-онасига қўшни қишлоқда тунаб қолдим, деб ёлғонлашга қарор қилди ва биз субҳи-содиқдагина зўрға ажрашдик. Глан ўша кечни, жуда ёш, ҳали ўрни ҳам тўлдирмаган икки ўсмир қиз билан ўтказибди. Ҳа, мана унинг шу даражада жирканчликка бориши мумкинлигини кўринг, яна бу шоли ороғи тотими, унинг тоти сархушлигидан юз берган бўлса керак бу.

Икки кун ўтиб, биз овга жўнадик. Биз чой плантацияларини, шолিপояларни, ўтлоқларни ортда қолдирдик, қишлоқлардан ўтдик, тобора ўзимиздан узоқроқ жойларга интилардик, шунда бизга қалин ўрмонда мўъжизадай, умримизда ҳеч кўрмаган дарахтлар учради. Бамбук, манго, тамаринд, тик, туз дарахт, камед ва худо билади яна аллақандай дарахтлар, лекин биз улар ҳақида қарийб ўйламасдик. Дарёнинг суви жилдираб оқар, бир томчи ёмғир тушса, билингудек эди. Биз ёввойи каптар ва хўрозлар отдик, аср палла, бошимиз устида иккита тўти учиб борар экан, иккита қоплон кўринди. Глан мўъжизадай нишонга урар, унинг ўқи ҳеч қачон хато кетмасди; мерганликда мен ҳам ундан қолишмасдим, бироқ, сезишимча, унинг милтиғи меникидан тузукроқ эди чоғи, шундаям, мен ҳам нишонга аниқ уриб турдим, лекин лоф уриш, мақтанчоқлик қилишга ҳеч хушим келмасди; Глан эса аксига олиб, лақиллашдан қолмасди: «Бунисини бошидан, бунисини думидан уриб тушираман». У навбатдаги ўлжасига ўқ узишдан илгари шундай дер, қачонки, ўлжа қулаб ётганда кўрилса, у айнан боши ё думидан ўққа учгани рост бўлиб чиқарди. Биз икки қоплонга дуч келганда, Глан сочма билан уларни зўрға нарироққа ҳайдади; мен бўлса; қоронги ҳам тушди; бор патронларни ҳам ишлатиб бўлдик, дея қайтишни хотирлатдим. Шу дамда унинг нигоҳлари ялтираб, кўриб қўй, мен қанчалик довюрракман, сочма билан ҳам қоплонларга ҳамла қилавераман, - дегудек эди.

- Эҳ, аттанг, пақиллатиб ташламаганимни - у менга еб кўярдай қараб, сўзида давом этди.  
- Бу ҳаммаси сизнинг чидаб бўлмас даражада ақл билан иш тутишингиз оқибати. Бу учун шунчалик бошқотиришнинг нима ҳожати бор? Ё шунчалик ҳам узоқ умр кўришни истайсизми?

- Агар сиз мени ўзингиздан ақлироқ ҳисоблаётган экансиз, бундан ҳурсандман, - дедим кинояомуз.

- Эй, арзимас ишқаллар учун тортишиб ўтираимизми, - деди у шу онда ўзгариб.

Бу менинг эмас унинг лукмалари эди. Овда у мен билан жанжаллашишга муваффақ бўлмади. Холбуки, тез ўзгармаганда, унинг бемаза гапларидан менинг ҳам қоним қайнай бошлаган ва шу тарзда кетса, охири вой бўлиши ҳам ҳеч гап эмасди. Ниҳоят мен бахайр хотиржам тортиб, ўз соҳибжамолим олдига жўнадим, иккимизнинг ҳам кайфиятимиз

жойида деса бўларди. Глан кулба олдида чўқаркан, бизга қараб, бош қимирлатди ва кулиб қўйди, Шундагина Мағти унга биринчи марта зингил солиб қаради, менга саволлар бериб, уни роса сўраб-суриштирди. У қизнинг ҳаёлларини тўзғитиб юбориб, хўб таассурот қолдирганди, бу менга ёмон таъсир этди ва қизга жавобим ҳам шунга яраша бўлгач, тезда бир-биримиздан дилларимиз куйиб, икки томонга ажрашиб кетдик.

Мен буларнинг ҳаммасини оқизмай-томизмай Гланга ҳикоя қилганимда, у буларнинг бари менинг хомхаёлларим эканлигига йўйди. Бироқ, мен унга яна ҳаммасини эслатдим. Чунки, биз кулба ёнидан ўтаётганимизда у менга эмас, айнан Мағтига қараб илжайганди. Глан қизиқиб сўради:

- Намунча у кавшангани-кавшанган?

- Билмадим, - дедим мен. - Рост, унинг марварид тишлари ҳеч тинчимайди.

Вой-буй, унинг топган янгилигини; буни менинг ўзим ҳам яхши билардим. Илк бор кўрганимдаёқ диққатимни тортганди - ҳақиқатдан ҳам Мағти тўғри келган нарсани оғзига солар, чайнар, унинг оқ марварид тишлари ҳеч тинмас экан, бунда бўлак тот, маза бордек эди. Лекин у нима қулай бўлса пулми, қоғозми, яна аллам бало ҳаммасини чайнаверарди. Балки бунда қандайдир уят бўлиши мумкин-ку. Шунда ҳам у барибир бу ернинг энг олди гўзали эди. Ҳаммаси кундай аниқ, Глан мени ўз мақомига йўрғалатмоқчи бўлган.

Кейинги кеч биз яна Мағти билан ярашиб олдик ва Глан ҳақида бошқа чурқ этмадик.

### III

Бир ҳафта ўтди, биз ҳар куни овга борардик ва бир талай ёввойи жониворларни қийратардик. Бир эрталаб эндигина ўрмонга кирган эдик ҳам, Глан мени кўли билан тўхтатиб, шивирлади: «Қимирламанг!» У бир лаҳзада милтиғини олдинга ўқталиб, тепкини босиб юборди. У ёшгина қоплонни жаҳаннамга жўнатгани аниқ эди.

Мен ҳам уни нақд бўғзидан отишим мумкин эди, Глан бу имкониятни бермади, отини эртароқ қамчилаб қолди. «Энди роса кўкрагига уради!» - хаёлимга ярқ этиб шу фикр урилди. Биз йирқичнинг ёнига югургилаб етдик, ўқ уни жойида қулатган, чап биқинини ўпириб кетиб, белига ўрнашганди.

Буни мен ҳам қойиллатардим, шуни билдириб қўйгим келди:

- Мен ҳам сиздақа отаолардим.

Глан менга кўз ташлаб қўйди.

Мен яна қайтардим:

- Ё сиз мерганлигимга шубҳа қиласизми?

Глан яна жавоб қайтармади. У болаларча анойилигини яна бир бор кўрсатди. Ўлик йирқични яна бир отди ва бу сафар ўқ қоплоннинг бошини мажақлади. Мен унга

тамоман ҳайрат билан анқайиб қарадим.

- Қаранг-а, - тушунтира кетди у, - зўрға бикинига текканини, - буям менинг отишга ноқобил чўқчилигимни кўрсатади. Унинг кесатишини, шу оддий юмушда ҳам ўзини мақтанчокликдан саклай олмагани кўзида шундоқ шуълаланиб турарди. Мана думбуллик. Бироқ мен ўз дардим билан эдим, уни изза қилиб ўтирмадим

Кечки пайт ортга қайтганимизда, қоплоннинг боши атрофида бир талай шу ерликлар йиғилганди. Глан уларга изоҳ учун биз уни эрталаб отгандик, деб қўйди ва бошқа чайналиб ўтирмади. Одамлар орасида Магги ҳам ҳозир эди.

- Уни ким ўлдирди? - Магги сўраб қолди.

- Эрталаб биз отгандик, мана қара, унинг икки жойида жароҳати бор, - у бирдан йиртқичнинг жасадига ўгирилиб, унинг боши ва бикинидаги жароҳатларни кўрсатди.

- Менинг ўқим нақд шу ерига текканди, - деркан у қоплоннинг бикинидаги ўйқни кўрсатди, унинг ўйламай лақиллашдан шу келиб чикдики, гўё мен қоплоннинг бошидан отган бўлиб чиқардим. Мен эса билмадим нима учун, унинг бу лукмасини тўғрилайдиган аҳволда эмасдим. Сўнг Глан қоравойларни гуруч ароғи билан сийлади-да, ҳеч қачон ўзида кузатилмаган ҳафсала билан хиргойи қилишга тушди.

- Бундан чикди, қоплонни иккови ўлдирибди-да, - Магги секингина ғулдираб қўяркан, унинг фикри ҳаёли фақат Гланда, унга термулгани-термулган эди.

Мен унга терс бир ҳаракат билан дедим:

- Намунча унга маҳлиёланиб қолдинг? Мени кўрмай қолдингми дейман?

- Кўриб турибман, - қиз истамай жавоб қайтараркан, кўшимча қилди, - мен бугун албатта келаман, эшитдингми.

Глан айнан ўша кунлар хат олганди. Кема орқали келган бу нома таъсири ҳақида шуни ҳис қилгандим-ки, моҳиятдан нома тақдирни 180 мил ўзгартирар даражада эди. Хатдан аёлнинг нафаси уфурар, пайкашимча, у Гланнинг бир пайтлардаги қадрдон ҳамрози, олий мақом жувондан келганлиги бегумон эди. Глан номани ўқиркан, асабий ҳоҳолади ва ўзига нотинчлик келтирган бу ҳолатни унутмоқ мақсадида бўлса керак, босиб-босиб аччиқ чой хўплади. У кўп ўтмай жимиб қолган бўлса-да, чехраси тундлашиб, кун бўйи қўлларини бир-бирига халпанжа қилганича, олисдаги бир нуқтага термулиб ўтирди. Глан ўша кечқурун компаниянинг қари ароқхўри, шу ерлик калтабақай ва унинг ўғли билан роса бўкиб ичиб ўтираркан, бир пайт менга кўзи тушиб қолди ва эҳтирос билан бағрига тортиб, ҳоли-жонимга қўймай, ичишга даъват этди:

Бугун сиз жудаям одамнинг жони бўлиб кетибсиз, сабабини билсак бўладими?! - сўрадим.

Шунда у қаҳқаҳа отиб деди:

- Биз сиз билан дунёнинг бир чеккаси Хиндистондаям ўз еримиздек ов қилиб юрмаётормизми? Бу кулгули эмасми? Келинг, бутун дунёга эғалик қилишимиз учун ва барча-барча офатижон эрли ва боши очиқ аёллар учун, олис ва яқин малаклар учун қадах кўтарамиз. Ҳа-ҳа! Тасаввур қилинг! Эрли аёл-а! Энди бошида эри бўлатуриб номаҳрам эркакка ўзи ўзини таклиф қилапти-я!

- Графиниями! - Мен истехзо билан дедим. Менинг кесатигим нишонга бехато текканди. У худди ит каби тишларини иржайтирди, чунки мен ишонч билан гапирган сари, ханжар айнан юракни топиб бораётган эди. Бирдан унинг чехраси тундлашди, қовоклари учишга тушди, афтидан у ўз хатосини ортиқча лақиллаб қўйганини пайқаб қолди. Унинг бадбахт сирига ким ҳам зор эди, дейсиз? Бироқ шу пайт айнан бизнинг кулбамизга бир неча болачалар бақир-чақир билан ёпирилишди.

- Уҳ, йўлбарслар, йўлбарслар.

Шундоқ қишлоқнинг четидаги бутазорда, дарёдан ўтадиган жойда йўлбарс бир болага чанг солганди. Глан бўкиб ичганига қарамай яна ичиб олди, ниҳоят, нафси қонди чоғи, шу заҳоти милтиқни олди-да, бошига бирон нарса илмай ҳам, бутазорга отилди. Қизик, англаш душвор эди, нега у сочмадан олмай, якка ўқнинг ўзи билангина чикди ё шунчалик у довюрақмиди? У дарёни кечиб ўтди, бу хавфсиз, негаки, ҳамишагидек ёмғир олдидан дарё ўзани куп-қуруқ, бўм-бўш эди. Ҳеч қанча вақт ўтмасдан бирин-кетин икки ўқ овозини эшитдим, кетидан учинчи ўқ янгради... «Бир йиртқич учун уч ўқ отилди-я, - ўйлардим, икки ўқ билан, ҳатто шер ҳам қулаши шубҳасиз, бунда эса бор-йўғи йўлбарс...» Бироқ уч ўқ ҳам хато кетган, Глан етиб борганида, йўлбарс болани тилка пора қилиб, қарийб еб бўлаёзган эди; Гланнинг бунчалик маст-аласт кўрилмаганини ҳам хаёлдан соқит қилиб бўлмайди.

Тун бўйи у қўшни хужрада, мен кимлигини билмаган бир бева аёл ва унинг икки қизалоғи билан айш-ишрат қилди.

Икки кун кейин ҳам Глан ўзига келмаган, бутун эмин-ихтиёри шишадоши ихтиёрида эди. У мени кўриб, олдига чорлаганда ўзини ирода қилолмас даражада бўлсаям, дона-дона қилиб рашкчи эканлигимдан сўзлади:

- Сизнинг ақлингизни рашк олиб қўйган!

- Рашк! Мен-а рашк қиладиган!

- Барака топкур, - дейман. - Мен нимани сиздан рашк қилишим мумкин? Мен-а!

- Йўқ, йўқ, албатта сиз рашк қилмайсиз - жавоб берди ва бу жавобига алоқасиздай деди: - Аксига мен бугун ҳам Маггини кўрдим у ҳамишагидек кавшаниб юрибди.

Мен тилимни тишлаб қолдим ва бундан тезроқ, узоқлашдим.

#### IV

Биз яна овга борадиган бўлдик. Глан

менинг олдимда ўзини айбдор ҳис қилганидан кечирим сўради.

- Умуман ҳаммаси жонимга тегди, қандайдир адашган ўқ чаккамни безаса яхши бўларди.

Яна графиниядан келган хат унинг ҳаловатини бузган чоғи, шуни ўйлай туриб унга дедим:

- Нима эксанг, шуни ўрасан-да!

У кун ўтган сари тунд ва камгап бўлиб борар, ичишни бас қилган, миқ этмас, лаб-лунжига эса қараб бўлмасди.

Кунлардан бир куни мен тўсатдан деразам олдида хуррам овозларни эшитиб қолдим, қарасам, тараллабедод Глан Магги билан шакаргуфторлик қилиб ўтирибди. Бари сир-асрорим хаёлимдан кўтарилди. Афтидан, қиз тўғри уйдан келган, энгилтак Глан ғараз билан уни номаъқул бир ишга ундамоқчи бўларди. Ҳа, улар айна менинг деразам тагида дунёни унутиб, бир-бирларига суйкалишарди.

Мен бирдан титраб кетдим, юлқиниб милтиқни олдим-да, тепкини босдим, бироқ у ўқсиз экан. Сўнг ташқарига чиқдим-да, Маггининг қўлидан ушлаб, уни бутун посёлка олдида олиб ўтдим; Глан эса бу орада хонасига кириб, бекинди.

- Нега, сен яна у билан гаплашдинг? - мен Маггидан сўрадим.

У жавоб қилмади.

Бу менинг жонимни ҳиқилдоғимга келтирган, юрагим англовсиз тарзда тез урар, бу ҳолатдан чиқишим жуда машаққат эди. Мен ҳеч қачон Маггини бу даражада гўзал кўрмаган, ҳатто оқ танли хуриликлар ичида ҳам бунақа кўхлисини учратмагандайдим, рости мен унинг қора танлиларга мансублигини ҳам унутаёзган, ундан бўлак дунёи дун хаёлимдан абас бўлганди.

- Айтгин, - дедим мен, - нега сен яна у билан гаплашдинг?

- У менга ёқади.

- У сенга мендан кўра кўпроқ ёқадими?

- Ҳа.

Демак, қизга мендан кўра Глан маъқул экан, менинг Гландан қандай кам жойим ё қусури бўлиши мумкин? Кундай аёнки, мен ҳаммиша очиқ кўнгиллик билан унинг кўнгилни овлайман, доим қизни пул ва совғалар билан сийлайман, у-чи?

- Глан сенинг устингдан кулгани-кулган, айтишича, қачон қараса, оғзингга бир нарсани тикиб, кавшаниб юрармишсан, - дедим ўчимни олаётгандек.

Аввалига қиз бу кулги сабабига тушуна олмади, бироқ мен ҳам уқтиришдан қолмадим. Сенинг бу одатинг Гланга ёқмайди, шу боис у сени мазаҳ қилаётди. Охири унинг фикритасаввурини сал ўзгартиршга муваффақ бўлдим.

- Магги эшитиб ол, - деб давом этдим мен, - сен истасанг, бир умр меники бўласан? Сен мен билан кетасанми? Мен доим шу ҳақда бош қотираман, эшитаяпсанми, мен бундан кетсам сени ҳам бирга ватанимга олиб кетмоқчиман. Сенга уйланмоқчиман. Унда маза

қилиб бирга умри гузаронлик қилардик. Қандай, маъқулми?

Бу ваъдалар ҳам унга таъсир этмасдан қолмади. Магги яйраб кетди ва бутун айланиш давомида чакаги тинмади. Гланни у бор-йўғи бир сафар эслади ва сўради:

- Глан ҳам биз билан борадими?

- Йўқ, у биз билан бормайди! - қатъий қилиб айтarkanман, давом этдим. - Ё сен бундан афсусланаётирсанми?

- Йўқ, йўқ, - шошиб-пишиб деди у, - мен хурсандман.

Бошқа у Глан ҳақида гапирмади, мен тинчландим. Ва у мен чорласам бажонидил лаббай дейдиган бўлди.

Икки соатлардан кейин, мен ёлғиз қолганимда, уриниб-суриниб Гланнинг олдида кўтарилдим ва унинг нозик қамиш эшигини қаттиқ тақиллатдим. У хонасида эди. Мен унга:

- Сизни огоҳлантириш учун келдим, эртадан бошлаб бирга овга чикмасак, - дедим.

- Нима учун?

- Шунинг учунки, ўзимни доим ҳам ирода эта оламан деб айтолмайман, тўсатдан энсангизни нишонга олиб қўйсам ҳам ажаб эмас.

Глан ҳеч нарса демади, мен ҳам ўз хонамга тушиб кетдим. Яна шунча гапдан кейин яна нимага деб сўрашини, бу огоҳлантиришимдан кейин у ҳеч қачон мен билан овга бормаслиги керак, деразам остида бир-бирига суйкалиб, баланд овозда ўйин-кулги қилганини нима деб ўйлаш керак. Умуман, агар хат келиб, ҳақиқатдан ҳам уни чорлашаётган бўлса, бу нега ўз ватанига кета қолмайди? Йўқ, бунақаси ўтмайди. У эса ҳаммиша тишини гичирлатиб, ҳаммасини бой бергандай вишиллайтиди. «Арзимаиди! Арзимаиди, менга тўртдан бири бўлгандаям!»

Бироқ бу воқеанинг эртаси куни, огоҳлантиришимга қарамай, тонготарда Глан менинг тўшагим олдида пайдо бўлиб, бақирди.

- Ў, бобой, қани бўлинг, вақт бўлди.

Ҳаво ҳам аъло даражада. Баайни ов учун, кечаги сўзларни ҳаёлингизга ҳам келтирманг. Сиз ўзи гирт беҳуда гап қилдингиз.

Ҳали соат тўрт бўлмаганига қарамай, мен ҳам шу чоғ ўрнимдан сакраб турдим ва кечаги гап-сўзларимга бепарво тайёргарлигимни кўрдим. Мен унинг кўз олдида милтиқни ўқладим. У айтгандай ҳаво у қадар эмас, ёмғир томчилаб турар, у айнан таҳқирлаш учун бу гапларни ўйлаб топганди. Бироқ мен ҳам қасди-бастига олиб, чурқ этмадим.

Ҳар ким ўз хаёли билан кун бўйи бутун ўрмонда тентираб юрилди, биз қанча-қанча хилват, овга қулай жойлар қолиб, бошқа ўринларда, тамоман бошқа бир юмушга машғулдек кезиндик. Кун яримлаб қолганда Глан мендан бироз олдинда, мен уни саранжомлаш учун айна қулай ўринда нима учундир атайин кетиб борарди. У айнан милтигим оғзига тўғри жойда борар, бу ҳам ўйлашимча, фақат мени таҳқирлаш учун эди.

Хар қалай, биз ҳеч бир мажорасиз ортга қайтдик. Ҳеч қиси йўқ, бу ёғига чидаш қийинмас, оз қолди, ҳадемай Маггини кўриш билан буларнинг бари унутилади.

- Ҳаётимдаги энг узун кун бўлди назаримда бугун, - деб қолди Глан кеч палла, биз кулбаларга яқинлашай деб қолганимизда.

Кун бўйи орамизда айтилган гап бор-йўғи шу эди. Кейинги кунларда у жуда тушқун руҳда юрар, эҳтимол буларнинг барига ўша нома боис эди.

- Мен ортиқ чидолмайман. Йўқ, кўлимдан ҳам ҳеч нарса келмайди. - Тунда у шундай деб ҳайқириб юборгани бутун уй ичига эшитилди. У ўзининг бадбин руҳида шу даражага етиб боргандики, сохибамизнинг энг хушмуомала сўраб-суриштиришларига ҳам жавоб қилмас, уйқусида алақсираб чиқарди.

«Ҳа, рост, унинг виждони тоза эмас! - ўйлардим мен, - қаранг, уйда ҳам туз тортмади. Қийналишлари тушунарли, ахир уни итдек ҳайдаган хонадонга яна қандай юз билан кириб боради. Бунда ҳаммадан ҳам кўп ўз такаббурлиги ҳалақит бераётгани аниқ!»

Магги билан ҳамшилагидек Гланнинг олдида кўришиб юрсам-да, у бу ҳақда гапирмасди. Бундай қарасам, Маггининг жағи қимирламас, ҳар доимгидек чапиллатиб юришни у ташлабди, мен бундан қувониб кетдим. Ҳаёлимда ўзимча ўйлардим: қандай яхши бир қусурини ташлабди, мен бўлса уни икки баробар кўпроқ севаман. У бир Глан ҳақида, шунда ҳам эҳтиёткорлик билан сўраб қолди: - У ҳаста эмасми? Бирон ёққа кетгани йўқми?

- Ҳали унинг уни ўчганича йўқ, демак ҳеч қаёққа ҳозирча гумдон бўлмаган, - кўрслик билан дедим мен, - албатта, хонасида ағанаб ётгандир. Менинг учун бунинг ҳеч бир қизиғи йўқ. У роса кўнглимга теккан!

Бироқ биз уйга яқинлашиб келар эканмиз, Гланга кўзимиз тушди, у буйра устида узала тушиб ётар, кўлини боши остига болиш қилиб, осмонга термулиб ўтирарди.

- Бахтга қарши, ана у, ётибди, - дедим мен.

Магги шундай деяр-демасимдан унга қараб чопди, ҳатто мен уни ушлаб қолишга ҳам улгурмадим. Магги севинч билан ҳаллослаб деди:

- Энди мен оғзимга на перо, на пул, на қоғоз тикаман, қарасангчи, мен оғзимни чапиллатиб, кавшаниб юришни бутунлай ташладим.

Глан зўрға қизга қаради, яна тезда нигоҳини осмонга бурди, биз Магги билан кетдик. Мен эндигина ҳалиги қилиғи учун уни койишга киришган эдимки, у берган ваъдасига ҳилоф равишда яна Гландан гапирарди, унинг ёнида бўлишни хоҳлаётганини билдирди.

- Ҳим, демак, сен - бундан чиқди унинг учунгина чайнашни бас қилибсан-да, шундай эмасми?

У миқ этмади. Бу қилиғи яна нимаси, менга жавоб беришни ҳам хоҳламаса?

- Жавоб бер, унинг учун шундай қилдингми?

- Йўқ, йўқ, - жавоб қайтарди у, - буни мен сен учун қилдим.

Кани энди мен ҳам шундай деб ўйласам. Нега у Гланнинг кўнглини олиш учун бунчалар уринади?

Кечкурун Магги келишга ваъда берди ва келдиям.

## V

У ўнларда келди, ташрифи қулоғимга чалинган овозидан билинди.

Магги кўлида бола кўтариб олганича, гўдакка қаттиқ-қаттиқ гапирарди. Нега у бола билан келибди? Яна нега уйга ҳам кирай демайди? Мен уни зимдан кузатарканман, унинг гўдакка қаттиқ-қаттиқ сўз айтиши, огоҳлантириш кўнғироғидай менга туюла бошлади ва бунинг устига унинг нигоҳи болахонадаги Гланнинг хонасидан узилмаётганига ҳам кўзим тушди. Глан унга бош ирғаб қўйдими, ё кўлини силкитдими? Пастдан бунга жавобандай қизнинг овози янгради. У бола билан гаплашар, аммо нигоҳи тепага қадалганди, ўзимча ҳаммасини англаб етдим.

Мен ирғиб туриб, унинг кўлидан ушлаб, хонага олиб киргим келди, бироқ шу пайт унинг ўзи болани кўйнидан бўшатиб йўлакдаги эшигимизга кирди. Мана ниҳоят ҳозир унинг таъзирини бериб қўяман.

Магги қандай қилиб ичкарига кирганини эшитиб турдим. Хато бўлиши мумкин эмас, у қарийб хонам олдига етиб қолганди. Бироқ, у менинг олдимга кириш ўрнига зинапоя орқали юқорига кўтарилаётганини, бир амаллаб болахонадаги Гланнинг хужрасига етганини жуда аниқ эшитдим. Мен хонам эшигини ланг очганимда, Магги қарийб кўтарилаётганди. Сўнг қамиш эшик қаттиқ ёпилди ва ҳеч сас эшитилмай қолди. Буларнинг бари ўнларда бўлди.

Мен хонамга кириб, алламаҳал бўлишига қарамай, милтиқни олиб, ўқладим. Сўнг тепага кўтарилиб, Глан эшигининг ортидан қулоқ солдим. Унда Магги борлиги, улар аллақачон апоқ-чапоқ бўлиб кетгани менга билинди. Мен пастга тушдим, бироздан кейин яна тепага чиқдим. Бироқ ҳаммаёқ сув қуйгандай жимжит эди. Мен эшик ортида туриб, улар уйғонишини кутардим. Соат уч бўлди, тўртдан ўтди, бешлардагина улар уйғонишди. Мен ул воқеа ҳақида ўйламасдан фақат ҳозир ҳақида ҳаёл суриб, «Уларнинг уйғонгани яхши бўлди-да», деб пичирладим. Шу палла хонадон сохибасининг вағур-вағури эшитилиб қолди, у-бу алфозда менга кўзи тушишидан, хавфсираб, пастга тушишга шошилдим. Қулоғимга ҳамон Глан ва Магги уйғонгани, гаплари кириб турар, мана у кетмоқчилигим билинди.

«Ҳалигина у шу ердан ўтаркан, елкаси хонам эшигига тегиб, ўтган, бироқ эшикни



очмаган, зина бўйича юқорига кўтарилганди. Мана ўша чирик, тўрт ёғочли зина, ҳадемай унинг ўзи шундан пастга тушиб кетади». Хонамда ўтириб ўйлаганим-ўйлаган эди. Тўшагим ғижим бўлиб ётар, мен бир зумга унга чўзилишни хаёлимга ҳам келтирмасдан, дераза олдида ўлтиргунча милтигим билан машғул эдим. Юрагим титрар, ховлиқар, у кўксимда йўқ даражада эди.

Ярим соатлардан кейин зинада Магпининг қадам товушлари эшитилди. Мен деразадан энгашиб, у қандай уйдан чиқаётганини кузатдим. Унинг этаги тиззасига ҳам келмас, эғнида калта чит кўйлак, елкасида Гланнинг шарфи солинганди. Афти ангорида бирон бир ўзгариш сезилмас, фақат юбкаси ғижим эди. У ҳамишагидек, юрайми-юрмайми дегандек нозли қадам босарди. Ё пирай, у менинг деразамга киё ҳам боқмади, шундй ўтди-кетди.

Кўп ўтмай Глан олдимга кирди. Унинг ов учун ҳамма жиҳози тахт, милтиғи ўқланган, чехраси эса ниҳоят тунд эди. Одатдаги муқомименга таъзим ҳам қилмади. У дид билан ясан-тусан кийинганди. «Саруполарини, худди куёвларникидек» - ўйлардим мен.

Мен ҳам шошиб-пишиб унинг ортидан чикдим, жим борардик. Ўйнаб-ўйнаб у икки тус товукни шафқатсизларча йўқлик оламига жўнатандиям, дарахт остида нимадир ковуриб, тушлик қилганда ҳам бировимиздан садо чикмади. Ярим кун шундай адо бўлди.

Ҳеч қутилмаганда Глан бирдан бақириб қолди.

- Сиз ўзи ростдан ҳам милтиғингизни ўқладингизми? Тўсатдан бирортаси ҳамла қилиб қолса, нима қиласиз?!

- Ҳаммаси тахт, хотиржам бўлинг, - жавобига мен ҳам бақириб дедим. У шу он бўталар орасига кириб ғойиб бўлди. О, қандай аломат бўларди, шу паллада уни худди итдай отиб ташлаганимда. Бироқ қайга ҳам шошади, афтидан у ҳам хаёлимда нима айланиб юрганини яхши биларди, шу боис ҳам мен милтиқни ўқлаганимни қайта-қайта сўраб, аниқ билмоқчидай эди. Ох, янги кўйлагини кийиб олиб, ясан-тусан қилиб олганини; ҳеч бўлмаса бугун ўз калондимоғлигидан қолса эди, бу бўлса қаноти бўлмаса ҳам кўкда учиб юргудек тутади ўзини.

Куннинг белгисиз бир вақтида у ҳаддан қаҳрли, ранггида ранг қолмаган алфозда менга қаради ва деди: Йўк, йўк, бунисига ҳеч чидаб бўлмайди! Ҳа! Ҳа, сиз ўзи милтиқни ўқлаганмисиз?

- Сизда ўзи патронлар борми?

- Яхшиси ўз милтиғингизнинг дардини енг, - десамда унинг бетоқатланаётгани менга аён эди.

У яна олд томонга ўтиб кетди. У жимгина, бошини ҳам қилиб бораркан, мен орамиздаги масофани аниқ белгиладим. Орадан ўтган бир соатлар давомида каптар отдим. Яна милтиғимни ўқлаб олдим. Милтиқни ўқлар эканман, Глан дарахт олдида туриб, менга зингил солди ва

ҳақиқатдан ўқ жойлаётганимнинг гувоҳи бўлгач, тасаввур қиласизми, худди тўйлардагидек ҳиргойи қилишга тушди. «Қаранг маракага келгандек, ясан-тусан қилиб олганини. Кўшиқ айтмоқда - ўйлардим мен, - кўришиб турибди, бугун у ўзини алоҳида, енгиб бўлмас даражада тутмоқда». Кейин у тўғри менинг рўпарамда пайдо бўлиб, бошини кўтариб олди, майда қадам ташлаб, ҳиргойисини давом эттирди. У яна менинг милтиғим оғзида борар, худди шу пайт, тўй ашуласини қуйлаётганида ҳаммаси юз бериши керак деб ўйлаётгани шундоқ сезилиб турарди. Бироқ ҳеч нарса юз бермади. У ҳаммасини сайри томошага чиққандай, тутатди. Майли ҳеч киси йўк.

- Эй-, бугун ҳеч омадимиз юришмадида, - деркан, у менга гўё ҳиргойи қилгани учун хижолатли қулиб қаради. Унинг бу беғубор қулгиси ажойиб, аслида қулси ортида кўз ёшлари тикилиб турганини пирпираб учаётган қовоқларидан ҳам билса бўлар, ҳатто намоёишкорона қулиб турган бўлса ҳам бу шубҳасиз эди.

Мен унга бир ожиза эмаслигимни жуда яхши билар, бунақа ҳазиллар ўтмаслигини билгани сари, асабийлашар, атрофда чарх уриб, гоҳ ўнгдан, гоҳ чапдан пайдо бўлар ва тўхтаб, ниманидир аниқ қутарди. Соат бешларда янграган ўқ товушидан бирдан қалқиб тушдим, ўқ менинг чап қулоғим тепасидан чийиллаб ўтганди. Мен нигоҳимни кўтариб олдга қарасам, Глан бир неча қадам нарида туриб, менга термулар ва унинг милтиғи оғзи тутаб турарди. "нима бало, у мени отмоқчи бўлдимми?" Мен унга қараб:

- Шунча ҳам уқувсизлик билан отадиларми, сиз нишонга тегизаолмадингиз-ку, - дедим.

Бироқ, у ҳеч қачон ёмон отмас, нишонга олишда ҳеч ҳам адашмасди, мақсади, мени ғазаблантириши?

- Ох, ярамас-эй, нимага қарайсиз, ўч олсангиз-чи, - у бақириб берди.

- Ҳаммасининг ўз вақти-соати бор, - дедим мен тишимни тишимга қўйиб.

Шундай биз юзма-юз туриб, бир-биримизга қарарканмиз, Глан елкаларини кисиб менга қичқирди:

- Қўрқоқ.

Ох, у яна мени "Қўрқоқ" деб ҳам атади-я! Мен милтиғимга ёпишиб, уни нақ юзига тўғриладим-да, тепкини босдим.

Нима эксанг шуни ўрасан!

Глан оиласидагиларнинг бу одамни қидирувни давом эттираётганлари беҳуда. Мени марҳум ҳақидаги алмисоқдан қолган аҳмоқларча маълумотлар жаҳлимни чиқаради. Томас Глан Ҳиндистондаги бир овда, бахтсиз ҳодиса туфайли бир дайди ўқдан паймонаси тўлган. Суд унинг номи ва қазо кунини расмийлаштириб, бир жилдга тикиб қўйибди. Ўша расмий қоғозда ёзилганига кўра у ўлган, айнан бир дайди ўқ зарбидан ўлган, ўлган эшитдингизми?

Вафо ФАЙЗУЛЛО таржимаси



## ФИТРАТ ЯССАВИЙШУНОСМИ?

*Ёш тадқиқотчи Узоқ Жўрақуловнинг қуйидан ўрин олган мақоласида Абдурауф Фитратнинг Яссавий шахси ва ижодида тасаввуфнинг ўрни хусусида айтган фикрлари қай даражада ҳақ ва ноҳақлиги хусусида мулоҳаза юритилади. Муаллифнинг Фитратдай улуғ алломаминининг андишасига бормай баҳсга киришгани ижобий ҳол. Бу мумтоз адабиётимизни чуқур тушунишимиз, қадриятларимизни асл ҳолида кўришга, исломий этиқодимизни мустаҳкамлашга бўлган интилишимиз кучайганини кўрсатади. Бироқ минбаъд Фитрат каби миллатимиз учун унутилмас фидоийликлар қилган тақрорсиз истеъдод эгаси сийратига соя солмайди, балки зўравон, бузғун мафкуралар ичида ҳам ўзини оқлайдиган сабаблар топиб, халқимизга тақдим этилган Яссавий каби буюкларимизни энди бутун борлиги билан интилган ҳақиқатларини чуқурроқ ўрганишимиз лозимлигини уқтиради. Шу ўринда биз бошқа адабиётшуносларимизни ҳам У.Жўрақуловнинг қарашларига ўз фикрларини билдиришларини истар эдик.*

ТАҲРИРИЯТ

Абдурауф Фитратнинг «Аҳмад Яссавий» ва «Яссавий мактаби шоирлари» мақолалари ўзбек адабиётшунослиги тарихида бу борадаги илк тажрибалардан. (Мақола 1927 йилда "Маориф ва ўқитувчи" журналининг 6,7,8-сонларида эълон қилинган). Мақоланинг қайта нашри муносабати билан у ҳақда баъзи фикр-мулоҳазалар билдирилди ("Совет Ўзбекистони санъати", 1992 йил, 8-сон. "Яссавий ким эди" (мақола ва "Ҳикмат"дан парчалар) Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Б.Дўстқораев, Т., 1994 йил, 4-9-бетлар). Ушбу мулоҳазаларни эътироф этган ҳолда, Фитрат мақоласига қайта мурожаат қилишга жазм этдик. Мақсад мақола устида кенгрок фикр юритиш, олдинги ишларда эътибордан четда қолган баъзи масалаларга диққатни қаратишдир.

Фитратнинг ушбу мақоласи ўз даври илмий доиралари учун сезиларли янгилик олиб келди, десак, ноўрин бўлмас. «Қисқагина бир хулоса сифатида ўқувчиларга тақдим этилган ушбу мақола, тасаввуф бўйича қилинажак ишларнинг дебочаси бўлишига қарамасдан, ўз олдига йирик мақсадларни кўя олган эди. Туркистонда тасаввуфнинг пайдо бўлиш тарихи, Яссавийнинг ҳаёт ва ижод йўли, яшаган муҳити, Яссавий шеърятининг ғояси, Яссавийда тасаввуфнинг даражаси, асарларининг тили ва адабий қиймати, қолаверса яссавия мактаби шоирлари хусусида фикр юритилиши, бу қадар кенг қамров, фикримизни исботласа керак. Муаллифнинг ўзига хос адабий-эстетик қарашлари, таҳлиллари, чиқарган хулосалари қай даражада илмий ҳақиқатга яқинлиги эса навбатдаги масалалардан.

Фитрат Туркистонда тасаввуф таълимотининг пайдо бўлиш сабабларини араб истилоси даврида ислом номидан қилинган зўравонликлар, бундан жабр тортган маҳаллий аҳолининг «шу эзилишдан туғилган умумий норозиликлар» инъикоси сифатида талқин қилган. Шунга яқин фикрларнинг бугунги тасаввуф тадқиқотчилари томонидан эътироф этилаётганлиги Фитрат қарашларининг эскирмаганлигини тасдиқлаб турибди. Бунга қўшимча

қилиб шуни айтиш мумкинки, тасаввуф нафақат диннинг бузилиши ва дин номидан қилинган адолатсизликлар натижасида, балки Аллоҳга ва унинг расулига бўлган чуқур муҳаббат туфайли ҳам пайдо бўлди, ривожланди.

Яссавийнинг таваллуд йили масаласида бугунги кунда ҳам бир тўхтамага келинган эмас. Бу тўғрида, турли тадқиқотларда турли тахминлар ўртага ташланмоқда. Фитрат Яссавийнинг:

*Тўрт юз йилдан кейин чиқиб, уммат бўлғой*

мисрасига асосланиб, уни хижрий бешинчи асрнинг иккинчи ярмида туғилган деб ҳукм чиқаради. Бизнингча, бу ҳақиқатга яқинроқ, мантикка мувофиқроқ. Шунинг учун шоирнинг туғилган йили тўғрисидадаги ҳақиқатни шу мисрадан излаш ўринли бўларди, деб ўйлаймиз.

Агар Фитрат тадқиқотини Яссавий ижоди ҳақидаги дастлабки жиддий ишлардан ҳисоблайдиган бўлсак, унинг «Девони ҳикмат»нинг асл нусхаси хусусидаги шубҳаси бугунги яссавийшуносларга ҳам мерос бўлиб ўтган кўринади. «Девони ҳикмат»нинг Истанбул, Қозон, Тошкент нусхаларини ўзаро муқояса қилиб, «сўнг замонларда ёзилгон нусхалар» деб ҳукм чиқарган Фитрат, бунинг тадқиқот ишларида ноаниқликларга сабаб бўлишини айтади. «Ҳикмат»ларнинг Яссавий замонида яқин бир замонда ёзилгон бирор нусхаси топилишидан умид қилади. Афсуски, бу орзу ҳамон орзулигича қолмоқда. Шу туфайли Фитрат «Девони ҳикмат»ни тил тарихи қарашидан текшира олмаймиз», дейдики, бу ҳам ҳозиргача ечимичи топмаган масала.

Тадқиқотда Яссавий таъсири остида бўлган (ўзбек, озарбойжон, туркман, татар) шоирларидан ўттиздан ортиги ҳақида у ёки бу даражада маълумотлар берилди. Озар мутасаввиф шоири Саид Эмод Насимий, туркман шоири Махтумқулининг Яссавийдан таъсирланганликлари таъкидланади. Бу Фитратнинг адабий таъсир масалаларини ҳам чуқур ўргангани, тўғри анлаганидан далолат беради. Аммо Фитрат Яссавий ижодининг таҳлилида баъзан ҳолислик

йўлидан чекинганки, буни куйида кўрсатиб ўтамиз.

20-йиллар адабий жараёнида сезиларли ўрин тутган адабиётшунос Абдурахмон Саъдий Яссавийни «умутурк шоири» деб таърифлаган эди. Унга қиёсан оладиган бўлсак, Навоий «шайхул машойих» деб атаган, бутун турк шоирлари ўзига пир санаган Аҳмад Яссавий ижодига нима сабабдан Фитрат холис муносабатда бўла олмади? Бунинг илдизини қаердан изламоқ керак? Бугунги адабиётшуносларимиз айтаётганидек, сабаб «партиявий-монополистик нуқтаи назарнинг исканжаси» таъсирими ёки ҳақиқатдан ҳам Фитрат «Яссавий «Хикмат»ларининг соддалиги, халқона сажияда бўлган» учун бу қадар ёндашганими?

Фитрат «Адабиёт қоидалари»да Яссавийни «эл шоири» сифатида тилга олади. Орадан бир йил ўтиб ёзилган мазкур мақолада эса бу фикр ривожлантирилиб, унинг «мазлум синф» орасида бўлгани айтилади. Ҳоким синф вакилларига қарата «қаттиғ сўқушлар тақдим қилғони» ёқланади. «Ғариб, етим, фақирлар» ҳолига ачиниб ёзган «парча»лари «тақдир» қилинади. Аммо:

*Золим агар жафо қилса, Аллоҳ дегил,  
Илгинг очиб, дуо айлаб бўюн сунгил...  
Зикрин айгил, қонлар томсун кўзларингдан,  
Хикмат айгил, дурлар томсун сўзларингдан...*

«Ҳаққа ошиқ бўлгон бўлсанг, жондан ўтгил» - каби мисралари келтирилиб, тамомила тесқари (ҳатто юзаки) талқин қилинади. Шоирнинг:

*Ошиқларнинг суннатидир тирик ўлмоқ,  
Оқил бўлсанг, гўристондан хабар олгил.  
«Ман ҳам шундоғ бўлурман», деб ибрат олгил.*

*«Мавту қабла анта мавту»га амал қилгил*

дейилган тўртлигидан шундай хулоса ясалади: «Унинг Яссавийнинг - У.Ж.) таълимига чин кўнгулдан ишониб, самимий суратла эргашган бир миллат топилса эди, у миллатнинг дунёда «тирик экан» ўзига гўр қазимокдан бошқа бир вазифаси қолмагон бўлур эди!...» Фитрат «Яссавийда тасаввуфнинг даражаси»ни Абдулқодир Бедил, Мансур Ҳаллоллар даражасига нисбатан пастроқ қўяди. Унинг қарашлари (вахдати вужуд қарашларидан фарқли ўларок) ислом шариатига яқинлигини, негаки у меърож», «жаҳаннам», «охират»га ишонишини, намоз ўқиб, рўза тутишини айтади. Шунинг учун «У юқори босқичдаги мутасаввуфлардан (?) эмас, «зоҳиддир» дейди.

Бизнингча, Фитрат Яссавий тасаввуфидаги тўртта томоннинг ўзаро боғлиқлигини эътиборга олмаган ёки буни хоҳламаган. Биринчидан, Яссавий ижодининг соф исломий йўналиши «мавту қабла анта мавту» (яъни «ўлмасдан бурун ўлинглар») - пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) ҳадисларидан тесқари хулоса чиқариш; иккинчидан, «шул сабабдин олтмиш учда кирдим ерга» мисрасини «Яссавий эътибор орттириш учун» ёзган деб, нотўғри талқин қилиш; учинчидан, шоирнинг етимларга муносабатини «йўқсул синф»га нисбат бериш ва ниҳоят, тўртинчидан, Яссавийнинг исломий шариатга амал қилиши, исломдан йироқ кетмаганини тан олиши. Зеро, Фитрат турлича талқин қилган томонларнинг асоси битта, яъни «Куръон» ва «Ҳадис» эмасми?

Яссавийшунос Иброҳим Ҳаққул ўз тадқиқотларида тасаввуфнинг тағ-замини ислом эканини таъкидлайди. Умуман, бугунги кун адабиётшунослигида бу масала ҳал қилинган. Айнан,

Яссавий шеъриятининг асоси ислом эканлигини исбот қилувчи яхлит ишлар ҳам мавжуд. Шу ўринда Яссавий ижодининг «соддалиги» хусусида ҳам тўхтати кетсак. Ҳақиқатда ҳам, Яссавий шеърияти ўта содда «халқона сажиядами?» Ушбу соддалик қобигидай гайритабиий мураккаблик яширин эмасмикан. Адабиётшунос Ҳамидулла Кароматов ёзади: «Яссавий ижодида кўпоҳанглилик Куръони карим таъсирида юзага келганлиги ўз-ўзидан аён. Шу сабаб (кўпоҳанглилик сабаб - У.Ж.) Куръонни арабларнинг ўзлари ҳам жилд-жилд тафсирилар ёрдамида ўқи тушунади». Бундай фикрлар, сал бошқачароқ шаклда Иброҳим Ҳаққулда ҳам учрайди. «Куръони карим»ни ҳар бир мўъмин ўз савиясига яраша тушунганидек соф исломий бўлган Яссавий шеъриятини ҳам ҳар ким ўз даражасида талқин ва таҳлил қилади. Бунда Яссавий шеъриятининг «содда, халқона сажияда» деган даъвонинг ўринсизлиги маълум бўлади.

Фитрат исломий илмларнинг ҳам катта билимдони эди. Буни унинг ислом тарихига оид ишлари тасдиқлаб турибди. Шундай экан, у нима учун Яссавий ижодига хос исломий жиҳатларга эътибор қаратмади, деган савол пайдо бўлади.

Юқоридики, Фитрат Яссавийни «зоҳид» деб атади. Зоҳид сўзининг маъноси «Навоий лугати»да «тарки дунё қилган киши» деб изоҳланган. Лекин бу сўзнинг тасаввуфий маъноси ҳам бор. Бунда зоҳид дейилганда, Аллоҳ васли учун эмас, унинг жаннат учун ибодатда бўлган киши тушунилади. Навоийнинг

*Зоҳид, санга хур, манга жонона керак -*

деб бошланувчи рубойида «зоҳид» сўзи тасаввуфий маънода қўлланилган. Шу нуқтаи назардан Фитрат «Яссавийни зоҳид» деганда қайси маънони кўзд тутган? Гўё, бу сўзнинг рубойидаги маъноси сўроққа жавобдай туюлади. Чунки Фитрат Яссавийнинг шариатга амал қилиши ҳақида гапираётган, охирида уни «зоҳиддир» дейди. Бироқ муаллиф мақоласи давомида «буддизм», «нувий («новый») платонизм» сўзларини ҳам тилга олади. Унингча: «Нувий платонизм» фалсафасидан бизнинг тасаввуфга ўтган бу ишқ масаласи, Яссавий ҳикматларида жуда катта ўрин тутаети». Шуларни ҳисобга оладиган бўлсак «зоҳид» сўзини айнан таркидунёчи маъносида тушунганда, ҳақиқатга яқин бўлади. Неоплатончилик буддизм қарашларига таркидунёчиликнинг хос эканлигини биламиз. Ғарб ва рус мусташриқлари тасаввуфни кўп ҳолларда шу қарашлар билан боғлайдилар. (Бундай қарашлар ўзбек адабиётшунослигида ҳам мавжуд). Фитрат 30-йилларнинг ўрталарида Москвада Шарқ тиллари институтида дарс берган. Бу даврда унинг рус адабиётшунослигини, бунинг воситасида ғарб шарқшунослиги билан танишганлиги, улардан таъсирланганлигини ҳисобга олсак, юқоридаги саволларга жавоб топган бўламиз.

Фитрат онгли фаолиятини исломпараст бўлиб бошлади. Кейин туркпараст, миллатпараст бўлди. Умрининг сўнггида эса «партиявий-монополистик» қафасида яшади. Хуллас, Фитратнинг илмий-адабий фаолиятидаги зиддиятлар сабабини унинг маънавий оламидаги ўзгаришлар жараёнида излаш лозим кўринади. Пири қомил - Аҳмад Яссавийни ҳам, исломшунос Фитрат эмас, тамоман бошқа Фитрат текширганини идрок этганимизда, масала янада ойдинлашади.

Узоқ ЖҰРАКУЛОВ,  
ТошДУ аспиранти



# «ИШКИ ТУҒЁН АЙЛАДИ...»

ШҲҲ ТАРСО ҚИЗИ, ШАЙХ САНЪОН, ТАСАВВУФ,  
ХИССИЁТ ВА КОМИЛЛИК ХУСУСИДА МУЛОҲАЗАЛАР

Аждодларимиз маънавий меросига муносабатимиз бизнинг ўзимизга, ўзлгимизга бўлган ҳурматимизни белгиловчи мезондир. Қачонки, ирфоний хазинани эслабгина қўйиш билан чегараланмай, уни тадқиқ этишга интиласакки ушбу мезон мунозанагда туради.

Боболаримиз қолдирган маънавий мерос улкан ва бой. Қалами қудрати-ла эллар, миллатлар ўртасига байроқ тиккан ҳазрат Навоийнинг фикрий уммони ҳадсиз-ҳисобсиз. Уни бутунлай қамраб олиш имкон даражасидан йироқроқ. Шу маънода «Лисонут-тайр» достони таркибида келувчи бир қисса хусусида баҳоли қудрат фикр юритмоқчимиз. Бу «Шайх Санъон» қиссасидир.

Ушбу қиссанинг қачон яратилганлиги ҳақида аниқ маълумот йўқ. Қисса тасаввуф ва унинг адабиёти юзага келмасдан илгари яратилган деган фикрлар бизнингча ҳақиқатга яқинроқ. Қиссанинг шу пайтга қадар маълум ва машҳур бўлиб келиши эса тасаввуфий талқин туфайлидир. Қачонки асарда тасаввуфий маъно, рамзлар ва тимсоллар мужассам бўлса, у тўлиқ суфиёна руҳдаги асар бўла олади. Ёзма адабиётда биринчи бўлиб бу асар Фаридиддин Атторга нисбат берилади (XIV асрда яшаб ўтган курд шоири Фақи Муҳаммад Тейроннинг ҳам шу номли асари бор.) Атторда ҳам, Тейронда ҳам, Навоийда ҳам асар тўлиқ тасаввуфий маънода талқин этилади. Ҳазрат Навоий ушбу қиссани ўз достонининг моҳият-калити сифатида қаламга олди. Аттор достони ҳам, Навоий достони ҳам инсон руҳининг илоҳ руҳи даргоҳига кўтарилиб бориш жараёнини ифодалайди. Қисса шу босқичларни аниқ ва равшан ёритиш учун достонга киритилган. Тўғри, асарда бу қиссадан ташқари ҳам ўнлаб ҳикоялар мавжуд. Уларнинг ҳам хусусий, ҳам умумий вазифалари бор. Лекин «Шайх Санъон» қиссасига юклатилган тасаввуфий-фалсафий «юк» уларда жуда оз. Бу «юк»нинг нимадан иборат эканлигини англаш кишидан тасаввуф тилини тушунишни талаб этади. Шу пайтгача «Лисонут-тайр» достони анча тадқиқ қилинганига қарамай «Шайх Санъон» қиссаси ҳақида жиддий тадқиқот эълон қилинган эмас. Ҳолбуки, достондан келиб чиқадиган гоя шу қисса орқали тўлиқ идрок

қилиниши мумкин.

Биз кичик бир мақолада қисса ҳақидаги бутун фикрларимизни ифода этолмаймиз, албатта. Шунинг учун қиссанинг ўзаги бўлган «Тўрт такбири фано» ва «Икки журмона» тўғрисида мухтасар тўхталиб ўтамиз.

Ислом оламининг қутбларидан бири, эллик йил Каъбада шайхлик қилган, эллик марта ҳаж талабларини бажарган Шайх Санъоннинг туғёнли ва мунгли ишқ қиссаси унинг тушида бегона шаҳар ва бир дайрда ўзини зору маст кўришдан бошланади. Тақдири азалнинг муқаррарлигига имон келтирган Шайх ўша бум (шаҳар)га бормокдан ўзга чора топмади. Шундай қилиб, Шайх Санъон 400 муриди билан ўзга бир маъвога сайр этди. Бу КҲНГИЛ МУЛКИ эди. Шайх ўз кўнглига сафар қилиб, у ерда ҳақ жамоли тажаллийсини топди. Қодир эгам эса Шайх Санъондек бандаси руҳини мунаввар қилмоқ учун Ишқ деб аталмиш илоҳий неъматини унинг қалбига жойлади. Жамики яратилган нарсалар ишқ туфайли яралди. У фақатгина ишқ эмас, БУЮК бир ДИН эди. Бу - ўзлигини, ўз тақдиротининг сирини билмоққа интилан, барча тўсиқ ва занжирларни узиб енгишга қодир кўзларидан ёш ўрнига қон оқувчи, оҳларидан ўт чиқувчи «ўлмасдан бурун ўлган» ошиқлар дини эди. Бу динни ихтиёр этиш мақсадга етилди дегани эмас. Унинг азоб-уқубатлари, синовлари бор.

Шайх Санъон ҳам фано мулки фуқаросига айланмоғи учун «тўрт такбири фано» ва «икки журмона»ни адо этмоғи лозим. Шайхнинг ўзи эътиқодига собитлигига имон келтирган тарсо қизи унга ўз шартларини баён қилади:

**Ким менинг васлим таманно айламиш,  
Ихтиёр этмак керактир тўрт иш.  
Май ичиб, зуннор олиб бўлгонда маст,  
Куйдириб Мусхафни, бўлмоқ бутпараст.  
Ишқнинг бу тўрт эрур шукронаси,  
Яна икки иш эрур журмонаси.  
Ким эрур бу тўрт такбири фано,  
Ул икки бу тўрт ифноси яно.  
Хукбонлиғ келди бир йил ёнаси,  
Бўлмоқ оташгоҳ ўти девонаси.**

Бу шартларни бечора Шайх эътирозсиз қабул қилди. Дайр эли (ошиқлар) эса ишқ деб аталмиш мўъжизакор қудратни олқишламоқ учун дайрларини «фирдавсойин» қилдилар,

«Шайхни келтурдилар мажлис аро». Бу мажлисда чалинаётган ҳар бир наво Шайх Санъон шайхлик мартабасининг, дину имонининг мотамига чалинаётган эди. Достон ва қиссанинг ёзилишидан кўзланган мақсад тугунлари ечимини топадиган нуқтага келинди. «Шайх Санъон» қиссасининг достонга киритилишига сабаб бўлган жойи ҳам мана шу. Шайх динининг горатчиси бўлмиш тарсо қизи унга май тўла жомни тутар экан:

**Деди: «Ич ложуръа, эй улвий жаноб,  
Журъа қолса, билки, эрмастур савоб».**

Мумтоз адабиётимизнинг кўпгина вакиллари ижодида май образи кенг ўрин тутди. Уларда гўёки майни мақтаётгандек, уни ичишга даъват қилаётгандек туйилади. Исломи динида эса май ҳаром ҳисобланади. Мана шу ўринда тасаввуф фалсафаси билан ислом фалсафаси орасидаги фарқ, ўзига хослик намоён бўлади. Тасаввуф адабиёти ва фалсафасида «май» истилоҳ сифатида катта ўрин тутди, фикрни ихчам ва гўзал қилиб ифодалашда кенг фойдаланилади. Суфийлар ўзларигагина маълум бўлган, ўз бошларидан ўтказган ҳолатларни мана шундай истилоҳлар ва рамзлар орқали ифодалядилар. Май - тариқатнинг маълум босқичини ўтаган солиқ ҳис қилаётган ИЛОҲИЙ НУР НЕЪМАТИНИ билдиради. Майнинг севимли ёр билан ичилиши ошиқнинг илоҳ жамолидан олаётган баҳрасига ишора. Суфийлар учун майдан маст бўлиш ҳам одатий ҳол. Буни улар «сукра» дейдилар. Бу ҳолат илоҳиёт тажаллисидан сархушланиб, ўзини фано оламига дахлдор деб ҳис қилишдан иборат. Энди Шайхнинг май ичиш воқеасига қайтадиган бўлсак, у ўзини комиллик сари жаҳд билан интилган ва барча нарсалардан кечишга тайёр шахс сифатида намоён қилди. Бу «тайёр бўлиш»лик бирданига юз берадиган ҳодиса эмас. Тарсо қизи билан биринчи бор учрашганда Шайх хушидан кетиб қолгани маълум. Зеро, унда Шайх таълимотни бутунлай ўзлаштирмаган, синовларга тайёр эмасди. Мана энди Шайх кўзидан қонли ёшлар тўкиб (қон содиқликнинг белгиси) майни нўш айлади:

**Сочиб ашқ, ул майни нўш айлар чоғи,  
Юб илик исломун имондин доғи.**

Солиқнинг илоҳиёт нуруни тўлиқ ўзига сингдириши кейинги қийинчиликлар ва синовларни енгиб ўтишга сабаб бўлади. Биринчи шарт бажарилди. Иккинчи шарт зуннор боғлаш:

**Куфр эли хилъатларин еткурдилар,  
Шайхқа бошдин-аёғ кийдурдилар  
Белига маҳкам тонгиб зуннорни,  
Кифир айлаб солики атворни.**

Инсоннинг зоҳирий ва ботиний гўзаллигининг етуклигидан ишора. Шайхнинг ички дунёси, кўнгли маърифат нурига тўла. Унга шу нарсани қўлловчи нимадир зарур. Бу нарсани Навоий «куфр эли хилъати» ва зуннор тимсолида баён қилади. Зуннор - нарсонининг шу динга мансублигини билдирувчи, белга тақиладиган нарсаси. Шайхнинг зуннор боғлаши эса ўз мақсади йўлида ҳиммат қамарини белига боғлашидир. Халқимизда «Белбоғ белга қувват», «Белида белбоғи бор» каби иборалар мавжуд. Демак, белбоғ қувват рамзи. Йигитлик инсоннинг жисмоний камолотга эришган даври. Белбоғ боғлаши эса унинг камолотини мустаҳкамлайди. Шайх руҳий камолотини мустаҳкамлайдиган нарсаси зуннор, яъни, азму ирода, сабру қаноат. Мана шу тариқа иккинчи шарт ҳам бажарилди.

Навбатдаги бажарилиши лозим бўлган вазифа Қуръонни ёқиш. Исломида ҳатто Каломи илоҳни таҳоратсиз ушлашга рухсат этилмайди. Уни ёқиш эса гуноҳи азим. Тариқатга кирган солиқ назарий билимларни эгаллаши шарт, лекин шу билимлар билан чегараланиб қолишга ҳам рухсат этилмайди. Назарий билимлар ақл тимсоли. Худони эса ақл билан таниб бўлмайди. Инсоннинг ақли чегараланган. Чегарадан нарёгини фақат ҳиссиёт орқали идрок қилиш мумкин. Мана шу тўсиқдан ўтолмаган солиқ мақсадга ета олмайди. Шунинг учун тасаввуф тариқатида илми ҳол деган нарсаси бор. Назарий билимлардан воз кечиб тариқатни давом эттирган кишилар руҳларини мутлақ руҳга қўшишга муяссар бўла оладилар. Фанонинг тўрт шартидан учинчиси - Қуръонни ёқиш мана шунга ишора.

Энди Шайх бажариши лозим бўлган асосий шартлардан бири бутга сажда қилиш. Бу нарсаси ҳам зору маст ошиқ томонидан аъло даражада бажарилди:

**Чектилар бутхонага хору дажам,  
Маст қилди сажда бут оллида ҳам.**

Будда вафот этса, издошлари нимага сизиниш кераклигини сўрайдилар. Шунда у бутнинг шақлини кўрсатади, дейилади. Кўриб турибмизки, бут ТИМСОЛ - ВОСИТА - ХУДО сифатида юзага келди. Бу ерда иккита нарсаси кўзга ташланади. Аввало, ўз эътиқод маслагидан қайтмаслик, комил инсон сифатида эътироф этилиши, сўнгга, руҳнинг айнан кўтарилиш жараёнидаги ҳолатининг тимсоллаштирилиши. Тасаввуф фалсафасида комил инсон ҳайкали сифатида бутнинг олиниси шундан бўлса керак. Бу нарсани изоҳлаб ўтишга ҳаракат қиламиз. Бизнингча: биринчидан, илоҳиёт нуридан завқлана олиш, шу нурни ўзига қабул қилиш (май ичиш);

иккинчидан, комиллик йўлида қувват тўплаш, то фано бўлгунча йўлда қолмаслик (зуннор боғлаш);

учинчидан, назарий билимларни етарлича тўплаб, улар билан чегараланмасдан илми

холни эгаллаш ва ақлий дунёвий нарсалардан воз кеча олиш салоҳияти (Қуръонни ёқиш);

тўртинчидан, тариқатни адо этиб солиқларни рост роҳга бошлаш, улар қалбида ишқ оловини алангалатиш. Ана шу нарсаларнинг ҳаммаси бирикиб кишини комилликка етказади. Шайх Санъонга қайтадиган бўлсак, у «Исо қизи»нинг шартларини аъло даражада бажарди. Бу мақсадга етилди дегани эмас. Ҳали икки жарима турибди. Васлини ваъда қилган маҳбубадан дарак йўқ. Шунинг учун Шайхнинг:

**Оқибат ишқи тугён айлади,  
Бир сафар фарёду афгон айлади.**

Ишқнинг тугён айлаши солиқ руҳининг бедорлигидан. Бедорлик эса руҳни илоҳ даргоҳига етказгунча давом этавериши мумкин. Шайхнинг «Қайси шартингни бажо келтурмадим» деган сўроғига

**Шўх тарсо деди: «Урма таъна кўп,  
Шартники қилдинг, итмомига кўп.  
Бўлди тўрт иш васлнинг шукронаси,  
Икки қолмиш ишқнинг журмонаси.  
Будур ул журмона, эй фаҳри изом,  
Ким бу дайр атрофида бир йил тамом.  
Хотиригни солмайин икроҳга,  
Кеча ўт ёққойсен оташгоҳга.  
Кундуз ўзни тутмоғойсен нотавон,  
Ким тўнғиз кутмакка бўлғайсен равон,-**

дея жавоб беради ва Шайхни икки жаримани бажаришга ундайди.

Жариманинг биринчи шарти кечаси оташгоҳда «олов ёқиш». «Олов ёқиш» деганда суфийлар нимани назарда тутадилар? Маълумки, олов куйдиради, иситади. Инсонга маълум маънода жон ато қилади. Унга яқин турилса оловнинг иссиқлиги инсонга кўчади. Иссиқ жойда кўпроқ турган одам бетоқат бўлади. Оловнинг яна бир хусусияти шундаки, унда ёруғлик бор. Кўзларга нур, дилларга сурур, жисм ва руҳга қувват бергувчи қудрати бор. Олов ҳар қандай қаттиқ жисмни ўз рангига мослаштира олади. Бизнингча, оловнинг шу хусусиятлари тасаввуф тилида истилоҳ сифатида қўлланилишига сабаб бўлган бўлса керак. У ҳар қандай нарсани икки қисмга ажратади: самовий ва заминийга. Самовийга тутун ва шуъла, заминийга эса фақатгина кул. Айтиш мумкинки, олов ишқнинг тимсоли. Ишқ инсон жисмини ерда қолдиради, руҳини эса илоҳ даргоҳига йўллайди. Ишқда оловдаги каби тозалаш хусусияти бор. Инсонлар қалбида илоҳ ишқини ёлқинлантирувчи кишиларни (пиру комилларни) олов ёқувчиларга қиёс қилдилар. Ишқ солиқни илоҳиёт нурига фарқ қилдириш билан яқун топади. Аммо бу икки йўналишда амалга ошадиган жараён. «Бири ҳаяжонли сершовқин... иккинчиси тамкинли осойишта; чуқур дарёнинг тубига ўхшаш ҳайбатли,

ваз ин. Ички дард қудратини яшириш майли» (Н. Комилов).

Биринчи ҳолатни Боязид Бистомий «сукра» - мастлик деб атаган. Бунда солиқ ҳамма нарсани унутиб ўз оламига фарқ бўлади. Ҳеч ким ва ҳеч нарса уни қизиқтирмайди. Бунга қарши Жунайд Боғдодий ўзининг «сахв» - ҳушёрлик консепсиясини ўртага ташлаган. Бунга кўра, солиқ фақатгина ўзини эмас, бошқаларни ҳам ишқ лаззатидан баҳраманд этиши керак. Демак, «олов ёқиш» истилоҳ сифатида КАМОЛОТГА ЕТИШГАН ШАХСНИНГ ЎЗГАЛАР ҚАЛБИДА ҲАМИШҚ ОЛОВИНИ ЁҚИШИНИ билдиради. Яна шу нарсани айтиб ўтиш жоизки, Атторда олов ёқиш воқеаси йўқ. Навоийнинг бу нарсани мустақил ижод қилиши унинг «сахв» - ҳушёрлик йўналиши тарафдори бўлганлигини билдиради.

Бажарилиши лозим бўлган иккинчи жарима кундуз кунлари чўчка галасидан огоҳ бўлиш, яъни чўпонлик. Бу ҳақда Ҳазрат Навоий шундай дейди:

**Келтурур эрди тўнғузлар сори юз,  
Теграсида юздин ортугроқ тўнғуз.**

Инсон феълидаги барча иллатлар, кирликлар тўнғузга ўхшатиляпти. Шайхнинг бир йил давомида уларни тарбиялаши, боқиши эса юқорида айтиб ўтилгандек солиқлар қалбидаги ёмон иллатларни қайта тарбиялаб, улар руҳига сайқал беришдир. Мана шу тариқа Шайх Санъон Исо қизи қўйган шартларнинг итмомига етиш учун қаттиқ бел боғлади. У билан ҳамроҳ бўлиб келган 400 мурид эса уни ташлаб, Каъба сари равона бўлишди; Шайх ёлғиз ўзи қолди. Солиқ тариқатнинг юқори поғоналарига кўтарилиб бориш давомида барча нарсалардан узилиб, кўнгли совиб боради. Бу нарса унинг ёлғизланганини, яъни ФАРДЛАНГАНИНИ билдиради...

«Лисонут-тайр» достони ва «Шайх Санъон» қиссасининг очқич калит сифатида Аттор ва Навоий томонидан келтирилган «тўрт такбири фано» хусусидаги фикрларимиз шулардан иборат. Лекин бу қиссанинг барча образлари талқини дегани эмас. Асарда ҳар бир образ рамзий, кўпгина сўзлар истилоҳ сифатида қўлланилган. Буларни бир мақолада талқин ва тадқиқ қилиб бўлмайди. Бунинг учун каттагина илмий тадқиқот лозим. Бундай тадқиқотларни эса ўз илмларида қилни қирққа ёрадиган олимларимиздан кутамиз. Сизга эса, азиз ўқувчи, Навоий ва у киши каби мўътабар зотлар қолдирган меросни синчиклаб ўқиш саодатини тилаб қоламиз.

**Ҳамроқул ҚАРШИЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти  
ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши  
Академияси аспиранти**

Маҳкам МАХМУД



## АЛОИДДИН ВА ЖАЛОЛИДДИН

Бади

Мўғул хоқонининг элчилари Ўтрорда қўйдек сўйилгани овозаси дунёга тарқалди. Бундан ғазабланган Чингизхон, ўз элчиларининг «ҳар бир томчи қони учун Хоразмшоҳ ва унинг қўл остидаги шаҳарлар аҳолисининг кулини кўкка совураман», деб онг ичган эди. Аммо, ғазабини босиб, яна савдогарлар карвони билан, туркистонлик мусулмон руҳоний Буғро ибн Кафраж етакчилигида учта элчисини Урганж саройига юборди.

Урганч қасрида Хоразмшоҳ Чингизхон элчисини менсимай кутиб олди. Дарҳол қабул қилмай, карвонсаройда бир ҳафта куттирди. Шундан сўнггина қисқа муддатга қабул қилди.

Элчилар одатига кўра, Буғро ибн Кафраж Хоразмшоҳ савлат тўкиб ўтирган олтин тахтга ўн кадам қолганида қўл қовуштириб таъзим қилди. Сўнг, Хоразмшоҳ ишораси билан сўз бошлади:

- Мағриб ва Машрик ўлкаларини фатҳ этишг Оллоҳ тарафидан буюрилган Хоқони аъзам, соҳибқирони муаззам Чингизхон олий ҳазратлари Ўтрор фожесини эшитиб, кўп ғамгин бўлдилар. Хоқонимиз айтдики, сиз узр сўраб, Инолчиқ Ғайирхонди Чингизхонга асир қилиб жўнатсангиз яхши бўлур эди. Шариатда мусулмон подшоҳ мусулмонлар қонини тўкиши гуноҳи азим эканини хоқонимиз яхши биладилар...

Хоразмшоҳ элчининг гапини бўлиб, сўради:

- Сен ўзинг туркистонлик мусулмон подшоҳи эдинг, биз қорахитойларнинг юртига юриш қилганимизда қочиб, Оллоҳдан эмас, мўғул хонидан паноҳ тилагонсен. Сен мусулмоннинг мўғул кофирларига хизмат қилишинг гуноҳи азим эмасми?

Элчи Хоразмшоҳга эътироз билдириб, деди:

- Сиз, олий ҳазратга маълумки, халққа жабр қилувчи мусулмондан халққа меҳр-мурувват кўрғазувчи кофир афзалдир, деб, расулulloҳ марҳамат қилганлар.

Хоразмшоҳнинг бу гапдан ранги оқариб, ғазабини босолмай қолди ва:

- Жаллод! - деб бақирди. - Мана бу беодобнинг бошини танасидан жудо қилинглар!

Шу он қирган жаллодлар элчига ташландилар.

- Сен мусулмон подшоси эмас, - элчининг гапи бўғзида қолди.

У ҳам Ўтрорда ўлимини топган мусулмонлардай, шаҳид кетди.

Хоразмшоҳ яна ҳукм қилди:

- Бу итнинг ёрдамчиларини омон қолдиринг, аммо соч-соқолини ва қулоқларини қирқиб, мўғул хонига қайтаринглар!

Жаллодлар Хоразмшоҳ ҳукмини ижро қилдилар. Ўлмай қолган элчилар юзлари қонга

беланиб, туяларига миниб, карвон билан Қелурон дарёси бўйларига, Чингизхон қароргоҳига йўл олдилар.

Хоразмшоҳ Алоиддин Муҳаммад кенгаши-машварат қақирди. Вазирлари ва ўғилларидан сўради:

- Энди нима қилмоқ керак?

Шаҳзода Жалолиддин ва кўпчилик вазирлар Ғайирхон-Инолчиқни тутиб, Чингизхон хузурига юборишни маслаҳат бердилар. Аммо ўжар Хоразмшоҳ бу маслаҳатга қулоқ солмади...

\* \* \*

*Отасидан бу ҳикояни тинглаб ўтирган бола - Темурбек:*

- *Отажон, агар мен подшоҳ бўлсам вазирларимнинг доно маслаҳатига қулоқ солурмен ва ўжарлик қилмасмен, - деди.*

*Отаси Муҳаммад Тарагай кулимсираб:*

- *Иниоаллоҳ, сизга подшоҳлик насиб этса, шундай қилурсиз, - деб дуо қилди.*

\* \* \*

Аммо, ўжар Хоразмшоҳ доно вазирлари, саркардаларининг маслаҳатига қулоқ солмади. Аксинча, қибру ҳаво билан қошини чимириб:

- Бир зоти паст қароқчининг дўқ-пўписасидан кўркурсизми? - деди. - Биз ҳазрат Али авлодларини хор-зор қилган, пайгамбар хонадони ҳурматини жойига қўймаган Бағдод халифасини бир ёқли қилганимиздан кейин Чингизхон деган қароқчининг ҳам адабини берурмиз.

Хоразмшоҳнинг Ироққа жуда катта қўшин юбораётганидан хабар топган Бағдод халифаси ан-Носир Чингизхон хузурига махфий чопарлар юбориб, Хоразмшоҳга қарши уруш бошласа, мадад беражанин маълум қилди. Хоразмшоҳнинг айғоқчилари бу воқеадан ҳам хабар топиб келдилар. Султон Алоиддин бу хабардан дарғазаб бўлиб, Жалолиддин ва Ғиёсиддин бошчилигида жуда катта қўшинни Ироқ сари, Бағдод халифалигини тугатиш учун юборишга одий фармон берди.

Жалолиддинга отасининг бу фармони маълум тушмади. У эътироз билдириб:

- Мўғул куффорлари уруш бошлаб турганида ислом давлат-давлатларнинг ўзаро қирғин қилишлари ақлга мувофиқ эмас, - деди. - Аксинча, жуда катта гуноҳдир. Бундай ишимиз учун Худой таоло ҳам, келажак авлодлар ҳам кечирмас.

Жалолиддин сал сукут сақлаб, кўшимча қилди:

- Яна бир нозик масала шуки, баъзи

айгокчиларимиз Чингизхон ваъдаларига сотилиб, Бағдод халифаси мактуби ҳақида ёлгон хабар тарқатиб, орани бузиши ҳам эҳтимолдан узоқ эмас.

Султон Алоиддин ўглининг буталларига ҳам кулоқ солмади.

Жалолиддин яна маслаҳат беришга журъат қилди:

- Ироқка, Бағдод халифасига қарши катта кўшин юборгандан кўра, барча вилоятлардаги лашкарларимизни чегарага тўплаб, мўғулларга қарши урушга солайлик, - деди.

Хоразмшоҳ Алоиддин бу таклифга ҳам кўнмади.

Ўжарлик билан:

- Аввал Бағдод халифасини бир ёқли қилиш керак, - деб туриб олди. Айтганини қилиб, бағдод тарафга 8 туман (яъни 180 минг) лашкарини жўнатди.

Жалолиддиннинг акиси Фиёсиддин, аксинча, Ироқ мамлакатига подшоҳ бўлиш тамаъида Бағдод халифасига уруш бошлашга ишқибоз эди.

Шундай қилиб, Хоразмшоҳ Алоиддин Муҳаммад ўзининг ва улқан салтанати, халқларининг бошига келаётган мислсиз фалокатларни ўзи қақираётганини сезмади. Кибру ҳаво, такаббурлик унинг кўзини кўр, қулоғини қар, ақлини заиф қилиб қўйган, аммо ўзини шердек ғазабнок тутар эди.

Шу такаббурлик билан Хоразмшоҳ Бағдод халифасини асир қилиб, тиз чўқтирмоқчи эди. Аммо, Оллоҳ унинг бу хом хаёлларини пучга чиқарди. Аксинча, ўзини оламнинг эгаси ҳисоблаган Хоразмшоҳ сал ўтмай, Чигатой, Жўжи, Субутгой ва Жабе бошлаб келган ваҳший кўшинлардан қочиб, овчидан кўркқан қуён ахволига тушди.

Урганж аҳолиси малика Туркон ва Темур Малик етакчилигида мўғул ваҳшийларига қарши жон олиб, жон бериб, жиҳод қилаётган эдилар. Худди шу чоғларда ўзини ботирликда Искандари Соний деб ўйлайдиган Хоразмшоҳ, Амударёдан қайиқлардан тузилган, лангиллаб турган кўприкдан ўта бошлади. Қочаётганида у мўғул кофирлари қўлига тушмасин, деб, туяларга ортилган етмиш хуржун тилло ва жавохирлар хазинасини Амударёга оқизиб юборди. Ўзи юзтача навқари билан Хуросон шаҳарлари, Марв, Нисо, Нишопур тарафга қараб йўл олди.

Хоразмшоҳ қоронгу кечаларда ҳам дам олмай қочар экан, бир йил аввал нақадар осмонда эканини, Чиндан Бағдодгача ўлкаларни унинг кўшинлари қоплаганини эслади. Мана, қоронгу туннинг изгирин совуғида бадани жунжикиб, жонини ҳовучлаб қочар экан «Қани ўша оламни қоплаган кўшинлар, қани бир ишорамга юртларни вайрон қилувчи шон-шавкатли саркардаларим? - деб фиғон қиларди. - Ўғилларим, баҳодир саркардалар Фиёсиддин билан Жалолиддин қайларда қолди? Дарвоқе, уларни ўзим ёнимдан узоқлаштирдим-ку? Мен буларсиз, ўзим мўғул лашкарларини бир чўқишда қочираман, деб хаёл қилган эдим. - Хоразмшоҳнинг кўзи ярқ этиб очилди: - Энди, Худо хоҳласа, омон қолсам, кибру ҳавони ташлайман. Такаббурлиқни ташлаганимнинг исботи учун Хазор денгизи жанубий соҳилидаги Обисқунга - Моховлар оролига бораман. Ўз қўлим билан ўт ёқиб, пес-моховларга таом пишириб бераман».

Шу пайт орқада қолган навқарлари яна бир нохуш хабар келтирди. Мўғул лашкарлари Ғилонга яқин, Илон қалъани 75 кун қамал қилиб, охири эгаллабди. Малика Туркон ҳам, султон набиралари ҳам, ўн минг мисқол жавохир, минг харвор олтин хазина ҳам Жабе нўён қўлига тушибди.

Хоразмшоҳ хазинадан айрилганига ичи куйиб-

куйиб, безгакдан қаттираб, ётиб қолди. Сафарда тикланувчи кенг чодир ичида содиқ амрлари ва навқарлари ҳар лаҳза Худодан омонлик сўраб, калима айтар эдилар.

Аммо Худои таоло Хоразмшоҳдан юз ўтирган эди.

Хоразмшоҳ жончиқар дамларида ақли тиниклашиб, шаҳодат калимасини ўқиди:

- Ашҳаду анна ло илоҳа, иллаллоҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадун расулуллоҳ! Ўғилларим, лашкарларим, невараларим мендан рози бўлсинлар. Сўнги, султонлик фармонимни кўшинларга етказинг. Ўғлим Жалолиддинни тахт вориси қилиб тайинладим! - Мамлакатларимизга, шаҳарларимизга, мусулмонлар бошига мислсиз фалокатлар келтирган шохнинг сўнги сўзлари хириллаб чиқди: - Чингизхон ваҳшийларидан фарзандларим қасос олсинлар. Худо берган хос қулларимни озод қилдим... Ло илоҳа иллаллоҳ!..

Қоронгу тунда шаъм ёруғида изгирин совуқдан юзи кўқариб кетган Хоразмшоҳнинг жони узилди. Амирлар ва навқарлар юраги тўлиб кетса-да, уввос солиб йиғлашдан ўзларини аранг тийиб турардилар.

Шаъмнинг липиллаб турган ёруғида жангчиларнинг соялари чодирнинг шамол уриб гувираётган деворларида бесўнақай чайқалар, чодир ичида гўр қазийтган навқарлар ва қулларнинг хансираган нафаслари эшитиларди.

Буюк Хоразм салтанатининг ҳукмдори жасадини изма-из қувиб келаётган мўғул нўёнлари қавлаб олиб, бошини кесиб, барча ўлкаларда намойиш қилмаслиги ва ё бўрилар қавлаб олмаслиги учун гўрни теп-текис қилдилар ва устига дарахт шохларини ташлаб, қўйдилар. Апил-тапил чодирни йиғиштириб, отланиб, султон Жалолиддиннинг қароргоҳи - Нишопур сари елиб кетдилар.

\*\*\*

Орадан йиллар ўтди. 1227 йилда Чингизхон вафот этди. Султон Жалолиддин шундан сал аввал Чингизхоннинг энг жасур ўғилларидан Тулуй ва унинг бош кўмондонни Шиқи-Хутухту кўшинларини Ҳинд дарёси бўйидаги Парвон жангида тор-мор келтирди. Олис-яқин давлатларга элчилар билан фатх-нусратномалар юборди. Сўнг отасининг жасадини топиб, олисроқдаги бир мустаҳкам қалъанинг номаълум ерига дафн этди. Мурҳумнинг руҳига Қуръон тиловат қилинди...

Орадан яна йиллар ўтди. Жалолиддин Элбурус тоғлари этагида, Арманистон ва Туркистонни забт этиб, буларнинг кўшнисини - Озарбайжон курдларини, мусулмонларни ҳам шафқатсизлик билан қира бошлаганида Худои таоло ундан ҳам юз ўтирди. Жалолиддин Рум подшоси Малик Ашрафнинг ёш кизига уйланиб, кайфу сафога берилиб, маст-аласт ётганда мўғуллар босиб келиб қолди. Қутилмаган босқиндан султон Жалолиддин аранг қочди. Эртасига ниҳоятда ҳориб-чарчаб, ёш хотинини бир жойга яшириб, ўзи яна қоча бошлади. Аммо Ажал фариштаси Азроил уни қувиб етди...

Султон Жалолиддиннинг ўлими ҳақидаги хабарга биров ишонди, биров ишонмади. Уни мўғуллар ҳануз тирик деб ўйлашарди. Аммо Жалолиддин лашкарлари курашни давом эттириб, Миср маликаларининг раҳбарлиги остида ҳам мўғулларга, ҳам салибчиларга қақшатғич зарбалар бера бошладилар.



Яна бир неча йиллардан сўнг Ўктой хоқон замонида Хоразмшоҳ озод қилган қуллардан бири, бойлик ва мансаб учун иймонини сотиб, мўғул кофирларига султон Алоиддин Муҳаммаднинг гўри қаерда эканлигини айтиб берди. Оби-суқун оролида қул кўрсатган жойдан шоҳ жасади топилмади. Аммо Чигатойнинг синчков мўғуллари халқни алдаб-сулдаб, сўраб-суриштириб, Хоразмшоҳнинг гўрини барибир топиб олдилар. Уни кавлаб чиқариб, яна тобутга солиб, голибларча тантана билан Мўғилистон пойтахти-Қорақурумга олиб кетдилар. У ерда мўғул шахзодалари ва қўшинлари йиғилиб, қурултой вақтида байрам қилишиб, Хоразмшоҳнинг жасадини гулханга ташлаб, ёқдилар ва кулини кўкка совурдилар...

\* \* \*

*Темурбек отаси билан бирга Кеш (Шаҳрисабз)дан Насафга, устоз шайх Шамсиддин Кулол ҳузурига борганларида «Жавомеъ ут таворих» китобидан шу ҳикояни ўқидилар. Муҳаммад Тарагай авваллари ўғлига, биз ҳоқон Чингизхоннинг кўёви Қорачор нўён авлодимиз, деб буюк боболарини эслатар эси. Темурбек, мўғулларнинг Мовороуннаҳр ва Хуросоннинг гуллаб-яшнаган шаҳарларини фақат қарға-зоғлар, бойқушлар маконига айлантиргани ҳақида мадраса муаллимининг ҳикояларини ҳам эшитган эди.*

*Мадраса муаллими Абдурахмон домла болаларга Куръон сабоқларидан ташқари, қилич, найза машқларини баландликдан қирга чиқиш, қирдан настликка сакраш, анҳорларда узоқ соҳилга сузиб ўтиш, отни жиловлаш ва пойгада ўздириш машқларини ҳам ўргатар эди. Мабодо мўғул амирларининг соқчилари, ясовуллар текшириб қолса, муаллим тайинлаганидек, болалар «Бизлар Чингизхон авлодларига хизматга ҳозирланмоқдамиз» деб жавоб беришарди. Аслида Шамсиддин Кулолнинг шогирди бўлган Абдурахмон домла болаларни Мовароуннаҳрдан босқинчиларни қувиш учун келгусидаги беомон жангларга тайёрламоқда эди...*

## ГУЛДИРАЙДИ ОВОЗИ

**«Алпомиш» сабоқлари.** Шундай деб ёздим-у, ўйланиб қолдим. Бу сабоқларни айтиб, битиб тамом қилиб бўлурми? Йўқ. Бизнинг айтмоқчи бўлганларимиз ҳамир учидан патир эмас, қулча дейишга ҳам ийманасан киши. Халқ оғзаки ижодининг, «Гўрўғли» туркумлари, алахусуси «Алпомиш»нинг ёзма бадиий адабиётта таъсирини тавсиф қилса қатор-қатор китоб бўлгулик. «Алпомиш»ни туйғулар қомуси деймиз, ҳақиқатан унда барча ҳислар васфини, кўнгила сувратларини кўрамиз; ночорлик, хўрлик, ҳижрон, айрилиқ, юртпарварлик, меҳр-муҳаббат, орият, ҳамият, ўксиниш, соғинч, полвонлик, қахрамонлик, дўстпарварлик ва ҳоказо санаб етиши мушкул ва яъниким биз ҳали номлаб улгурмаган туйғу ва уларнинг кечинмалари мавжуд. Бу туйғулар ифодачилари, жумладан Фозил шоир Йўлдош ўғли даҳоси фақат халқимизга хос бўлган нозикликларни гоёта инжа ва гўзал куйлашгандир. Имкон тақозосига кўра эслатиб ўтамиз (кўпчиликка ёд бўлиб кетганликдан): Қоражон зиндондан Алпомишни тортиб олаётир, кўнглига ўй келди; «Кун келиб э, жўра, катта кетма» деб юзимга солса-чи, ва солдорини солади - арқон узилади. Ёки Алпомиш Қалмоқдан қайтгач, Қултойнинг янгаси билан айтишуви - бу қоим дейилиб, қофиялик бўлади, элда «қофия» ҳам дейилади, аскиянинг бу тури айтувчидан шоирлик истеъдодини талаб этади, бундай зотлар илгарилари эл ичида кўп бўлиб кейин-кейин Фозил Йўлдош ўғлига ўхшаш оқинларнинг ўзларигина қолишди, ҳозирги гамхўрликдан кейин ажабмас, қоим-қофия тагин авж олса.

Бу каби дostonларимизни ўқир ёки тинглар экансиз, эзгуликни, улуғликни ва макр-ёвузликни жуда яқиндан кўрасиз, ҳис этгандай бўласиз. Ҳа, Ултонтоз каби муваққат хонлар подшолар учун, халқни, эл-улусни гафлат денгизига гарқ қилмоғи кўп қийин эмас, қачонки элнинг ўзи бедорликдан мосуво қилинган бўлса.

Ун йилга яқин Ислom шоирга котиб бўлган Қуддус Муҳаммадий домла ўша пайтларда ёзиб олган тасмалар устига ўткинчи, енгил-елпи нағмалар ёзиб юборилганини кўриб, олдинда оққан сувнинг қадри шуми деб куйиниб қолардилар: Ислom шоир тонгдан шомгача, шомдан яна тонггача куйлардилар, у киши дoston айтсалар...

Шу ерда бир воқеа эсимга тушди. Ёзувчилар Уюшмасига бир бахши келиб терма айтиди, мен кўярда-қўймай Қуддус бобони учрашувга олиб кирдим, учрашув ярмида туриб кета бошладилар, «Узр, ока, (кичикларга ҳам ҳурмат юзасидан шундай муомала қилардилар). Ота ёдимга тушиб кетди... У киши дoston айтсалар даврадагилар айланар эди, ўзларини унутар эдилар, деразалар зириллаб, деворлар дирилларди, от устида айтсалар тўрғайлар айланиб, елкаларни силаб ўтарди, кўпқарига бораётган отлар тўхтарди. Икки кеча-икки кундуз тўхтамай айтарди баъзан, номозларни ўқиб оларди, давраладагилар чой хўплашиб, бу пайт унутган зарил ишларини қилиб олишарди. Бир кун Москвада Катта Анжуманда дoston айтдилар, тушинишмаса-да, тилимизнинг гўзаллигига маҳлиё бўлиб миқ этмай эшитишди, яна кимлар,

ёзувчилар, санъаткорлар, давлат арбоблари... Ислом отанинг кўкракларига орден тақилди.

Шу ерга келганда баъзиларнинг ҳе, орден олган эканлари ўша тузумдан деб майдалашмасликларини истардик. Чунки Ислом ота тиланчи бўлмаганлар, у киши шоир, бахши бўлганлар, дoston куйлаганлар. Демокчиманки, ўзимиз ҳам истеъдодларни қадрлашни ўрганишимиз керак, Бахшилар қаҳрамонларига ўхшаган паҳлавон руҳли, полвон қалбли бўладилар, Ислом ота жуда оғир юкларни кўтарардилар, тўла маънода.

Бир кун Масковда овқат маҳали емакхонага тушдик, ходима отанинг лозимларига ишора қилиб, уй кийими-ку, деб кудди, Ота сўзларини тушунмасалар ҳам кўнгиллари бир нарса сездди ва нима деяпти дедилар. Қўйовринг, дедим. Йўқ, ўғлим, айтнинг, дедилар. Айтдим. Вой, таржима қилинг, бу уй кийими эмас, миллий кийим, нега кулади, сиёсатниям, маданиятниям тушунмайди, нима, бирор жойида кири бор эканми? Йўқ, дедим, Ҳақиқатан оппоқ яктак-лозим. Ота фариштадай нуроний эдилар. Таржима қилингки, хоним энгашсалар, ҳамма жойлари, тўғривоғи кетлари бемалол кўриниб кетяптики, мана бу ростдан кулгули ва нафақат кулгули, балки ачинарли, дедилар. Мен қандай бўларкин, ноқулаймасмикан, дедим. Э, нимаси ноқулай, бизнинг устимиздан ноўрин кулиш унга ноқулай эмас-ку. Мен таржима қилдим, хоним узр сўради. Ота, кечирдим, дедилар, лекин барибир туриб кетдилар: мен бунинг қўлидан овқат емайман! Самарқанддан олиб бориған

сутли нон, кўпкан нон, майиз, туршак, яхна гушт,асал билан таммадди қилдик. Булар ошхонангиздан тузук, дедилар, ҳалол».

Мана, бу воқеалар ҳам «Гўрўгли», «Алпомиш» сабоқларидир. Халқ шоир, бахшиларининг ҳаётлари ҳам катта-катта китобларга аризигуликдир. Бу борада «Чечанликда сўзга сувдайин оққан» китоби (муаллифи Муҳаммад Али Қўшмоқбой) ибратлидир. Худди дostonларнинг ўзидай ўқилади. Бахшиларнинг фожиавий ва шарафли ҳаётлари бадиий пишиқ ифодаланган, ўқимишли. Бу ҳам дostonларнинг сабоғидир. Муҳаммад Али ака бу ишни яна давом эттирсалар гоёят савоблик бўлурди. Шунингдек таниқли олим, мунаққид Маҳмуд Саъдий ҳам Ислом отадан, бошқа бахшилардан дostonлар тинглаганлар, Ислом отага ҳамқишлоқ бўлганлар, таассуротларини битсалар бу сабоқлар янада тўлақонли бўлиб, келгуси тадқиқотчиларга хужжат бўлур эди.

Биз дostonлардаги қоим-қофиялар, бошқа шеърий қурулма, услуб-ижролар ҳақида ҳам мавриди билан тўхталиб, қалам суриш ниятимиз ва ҳудода шукрки, ихтиёримиз бор. Ҳозир эса дostonлар таъсирида битилган баъзи машқларимизни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Хўш, Гўрўгли, Алпомиш, Барчин ким? Менинг чала жавобим шулки, улар Амир Темур, Навоий, Бобур, Шайбоний, Сино, Улуғбек, Солижон ва улардан олдингилар, улардан кейингилар, эртангилар, индингилар ва сизларсиз. Сизни, эл-улусни, юртимизни улар руҳи тарк этмасин!

Йўлдош ЭШБЕК

## АЛПОМИШ ЙЎЛИ

Олти ойлик йўлди орамиз,  
ойдинларни, тунларни кўрдим,  
далалардан ўтиб борамиз,  
учта йўлни бир қилиб ўрдим,  
бир гул сарғиш ёрар тунларни  
ёритувчи юлдуздай дилда,  
мен эслаيمان жонбахш унларинг  
ва такрорлаб, кўймайман тилдан:

«хўш қол юртим, хуш забоним,  
думолоқ ер-осмоним,  
мусофирлик беомондир,  
ҳар дам менинг эй, омоним!»  
тинглаувчи одам қаёқда,  
тун эрийди дилдаги оҳга,  
қараб-қараб Кўнғирот ёққа,  
ёлбораман ёлғиз аллоҳга:

«олти ойлик йўлни оз қилгин,  
зимистонни оппоқ ёз қилгин,  
майли куз, қиш, лекин соз қилгин!»

Эҳ, тулпорим бир парвоз қилгин!  
Бошин ерга олар тулпорим,  
ҳар бармоғим қамчим, тўқмоғим,  
синиқ қанот, синиқ оёғи...  
қонларимда қайнайди орим,

қондошимнинг қилмиши бирдан  
ура бошлар зил бардошимни,  
адрларнинг ёллари нурдан,  
аста силаб қўяр бошимни,  
йўл узундан узокдир,  
ҳар қадамда тузокдир,  
ёсуманлар жойлаган  
оғулар - оқ булоқдир,

ичдим - вайрона бўлдим,  
йўли ғамхона бўлдим,  
сарғайди қизил юзим,  
ранги сомон-а бўлдим,

зиндон гулидай нурга  
ҳаргиз девона бўлдим,  
юсуфистон бағрида  
элга афсона бўлдим!

## ДОСТОНГА ИЛОВА

Мени ямлаб ютмақдасиз бу фурсат,  
унинг зулмлари кетган томирлаб,  
бир товуш келади қайдандир... даҳшат!  
оёғим тортади... оғир темирдан,  
чирт этиб узилар юрак белбоғи,  
белимдан қувватим кетади... кўркув!  
келади Алпомиш уни-ингроғи,  
эланиб кимдандир сўрар Ёдгор сув!  
Қуриб кетган томоғимда бармоғи -  
ёсуманми, шайтонмикин - йириги,  
сурилиб кетдимиз ортга - бормоғим,  
кечкики қолдимми?... фурсат фириби!  
Юртнинг иши дейман, қарғайман вақтни,  
ғаним нигоҳила боқдим ўзимга,  
дуоибад қилдим хаёлий бахтни,  
мен ғамни - азобни суртдим кўзимга,  
энди қайгу саодатдай порлайди,  
энди бахтлар тахтдан баланд юртимда,  
гўруғлилар, алпомишлар бормайди,  
Кашалга ҳам, Қалмоққа ҳам кўз тутмам,  
энди Барчин кўчмас бўлди, кўчмасин,  
чироғимиз ўчмас бўлди, ўчмасин,  
сўнмас шуъла Фирот билан Бойчибор,  
учар бўлса сўғиш учун учмасин,  
яхшилиқдан, эзгу кундан Ёдгорман,  
фурсат зугумидан озод беморман -  
соғайдим мен қушдай кунда порладим,  
ярим йўлга бордим. Кашал бормадим.  
Гулдирайди босиб ёбонни  
Алпомишнинг - Улуғ Бекнинг овози,  
ўш тарафда жўшиб еру осмонни  
Солиҳ элни тутди ўзбек парвози!



## ЎЗБЕКИСТОН "ОЙНАИ ЖАХОН"НИНГ БУГУНГИ КУВОНЧ ВА ТАШВИШЛАРИ

Хозирги ҳаётимизни телевидениесиз тасаввур қилиш қийин. Ўзбекистонда телевизор бўлмаган бирон бир хонадонни топиш амри маҳол. Айниқса, мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг халқимизнинг бутун дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалардан хабардор бўлишга иштиёки,



маълумот ва ахборотларга бўлган эҳтиёжи ниҳоятда ошиб кетди. Шу маънода оммавий ахборот воситалари орасида телевидениенинг устунлик жиҳатлари ёрқинроқ намоён бўла бошлади.

Хўш, Ўзбекистон телевидениесининг кўрсатувларини қанча томошабин мунтазам кўриб боради? Уларга қайси мавзудаги кўрсатувлар манзур бўляпти? Кўрсатувларнинг гоёвий-бадий савияси қандай? Мухлислар қайси кўрсатувларни интизорлик билан кутадилар? «Ойнаи жаҳон» ижодкорларининг қандай муаммо ва ташвишлари бор? Бу сингари саволлар ҳар бир кишини ўйлантириши муқаррар.

Энг аввало, кишини озми-кўпми қувонтирадиган баъзи бир кўрсатувлар ва уларнинг ижодкорларини тилга олиб ўтиш лозим деб ўйлайман. Хусусан, «Меҳробдан чаён» романининг телеталқини (режиссёр М.Муҳамедов), турк адиби Н.Камолнинг «Жалолиддин Хоразмшоҳ» телеспектакли (режиссёр Т.Исроилов), Т.Мирзонинг «Амир Темур» видеофильми (режиссёр Т.Ҳамидов) ва бошқа йирик асарларнинг телевизион талқини кўпчиликнинг диққат-эътиборини тортди. Шунингдек, «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи» (режиссёр М.Мирзааҳмедов), «Телевизион миниатюралар театри» (режиссёр Р.Қурбонов),

«Оталар чойхонаси» (режиссёр М.Каримов) каби кўрсатувларнинг қайта тикланганлиги ҳам кўпчиликни мамнун этмоқда.

Шунингдек, «Юзма-юз», «Ўзлик», «Хайрат», «Хидоят сари», «Хамма кўриши шарт... эмас», «Катта танаффус», «Ракурс», «Диёнат», «Ўзлигинг намоён қил», «Тунги ёғду» каби бадий-публицистик, маърифий дам олиш кўрсатувларининг ҳам мухлислари тобора ошиб бораётгани, «Ахборот», «Хафтаном» ва бошқа дастурларда ўзбек журналистларининг дунёнинг турли-туман мамлакатлари ҳаётидан тайёрлаган хабар, лавҳа ва репортажлари кўпаяётганлиги кишини қувонтиради.

Булардан ташқари, 1998 йил - Оила йили муносабати билан «Чироғи ёниқ уй», «Оила», «Оила ва жамият», «Хонадон», «Азизим», «Онагинам», «Ажаб саодат эрур» каби кўрсатувларнинг мазмун йўналиши жамиятимиз пойдеворини ташкил қилувчи оила ва кишилар ўртасидаги меҳр-оқибатни тараннум этишга қаратилганлиги эътиборга сазовор.

Маълумки, «Ойнаи жаҳон»нинг энг кўп мухлислари ёшлар ҳисобланади. Шу боисдан ҳам мамлакатимизнинг келажаги бўлган ёш авлоднинг ўзига хос дунёсини кўрсатиб бериш, қувонч ва ташвишлари билан кўпчиликни ошно этиш мақсадида анчагина ишлар қилинмоқда. Хусусан, кейинги пайтларда «Ёшлар» телеканалининг ташкил этилганлиги, «Сомон йўли» маърифий-дунёвий



кўрсатувларининг пайдо бўлганлиги тасодифий эмас. Булардан ташқари, ёшларнинг маънавий дунёсини бойитиш, уларда Ватанга меҳр-муҳаббат ва эътиқод тушунчаларини шакллантириш мақсадида ҳам бир қатор ижодий

ўзгаришлар олиб борилмоқда. Шу маънода кейинги пайтларда томошабинларга тақдим



видеомуҳандислар ва бошқа-бошқа касб эгаларининг ҳам қанчадан-қанча саъй-



этилаётган «Шу Ватанга бордир менинг керагим», «Акё-садо», «Келин-куёв», «Сочининг савдоси тушди», «Табассум кўчаларида», «Эстрада ва ёшлар», «Мушоҳада баҳси», «Ўйла, изла, топ!», «Омад юлдузи» ва бошқа кўрсатувларни санаб ўтиш ўринлидир.

«Профессионал журналист, сиёсатшунос, шарҳловчи кадрлар танқислиги сезилмоқда. Уларда тажриба, тадиллик етишмаяпти, зиммасига масъулият олишдан қўчиш ва лоқайдлик, ўзибўларчилик ҳолатлари муқмрон. Кўпгина журналистлар ханузгача эскича фикр иритишдан халос бўлолмаётдилар, муҳим муаммоларни ёритишда уларда қатъият ва принципиаллик етишмайди». Юртбошимиз Ислам Каримовнинг бундан 2-3 йил муқаддам айтган бу фикр-мулоҳазалари айни кунларда ҳам биз, журналистлар учун жуда ўринли танбех бўлиб турибди.



Президентимизнинг бу гапларини қайта-қайта эдга олар эканмиз, Қобилбек Каримбеков, Қуддус Аъзамов каби сиёсий шарҳловчилар, Мухаммадjon Обидов, Раҳмон Кўчқор, Иқбол Сингари билимдон ва қуръатли ижодкорлар, Аҳмад Аъзам, Абдурауф Коржовов, Садриддин Суяров, Саидазим Мардиев, Дилшод Шамс Таби ўз соҳасининг билимдонлари, Шерзод Қудратхўжаев, Мухаммаднозим Мавлоновга ўхшаш



экранга ҳар жиҳатдан мос тушиб, халқимизга маърифат ва ахборот улашувчи салоҳиятли журналистлар орамизда нега камёб, деган ўйлар хаёлдан кечади. Албатта, бу саволга бирданга жавоб бериш қийин. Қолаверса, тележурналист ўз-иқтидори ва ижодий меҳнатини тўлақонлироқ намоён қилиши учун унинг ёнида эл-юртига фидойи тасвирчилар, рижессёрлар,

ҳаракатлари лозим. Шунинг учун эфирга узатилаётган ҳар бир кўрсатувни кўпчилик, яъни жамоа меҳнатининг маҳсули деб қарамоқ тўғрироқ бўлади. Шу боисдан ҳам ҳар бир жамоада мўтадил ижодий муҳит яратиш, телеасарлар юзасидан қизгин баҳс-мунозаралар уюштириш, ижодкорларнинг меҳнати ва ижодий изланишларини ўз вақтида рағбатлантириб бориш муҳим аҳамиятга эгадир.

Маълумки, ҳар бир кўрсатувнинг ғоявий-бадий даражаси журналистларнинг иқтидори ва профессионал маҳоратига боғлиқ. Шу маънода телевидениега эндигина қадам қўяётган ёш ижодкорларнинг ижодий оқимга тушиб кетиши, ўзининг таланти ва қобилиятини тўла-тўқис намоён қилиши, кўрсатувлари билан томошабинларнинг эътиборини қозониши осон кечаётгани йўқ. Барча бош муҳарририятда ҳар жиҳатдан талабга жавоб

берадиган кадрларга муҳтожлик, тажрибали журналистлар билан ёшлар ўртасида узилиш сезилмоқда. Қолаверса, кейинги пайтларда х у с у с и й телевидениеларнинг пайдо бўлаётгани кадрлар муаммосини кун тартибига янада ўткирроқ қўймоқда. Шу ўринда журналистларнинг билим ва тажрибаларини ошириб бориш мақсадида турли ўқув-тажриба алмашиш машғулотларини ташкил қилиш, уларни вақти-вақти билан аттестациядан ўтказиш, хорижий мамлакатларга юбориб туришни изчил амалга ошириш лозим, деган фикрдамиз.

**Рустам ФАНИ,**  
*Ўзбекистон телевидениеси*  
*Бош директорининг ўринбосари.*

Рустам ФАНИ. Ўзбекистон "ойини жаҳон"нинг бурчли кўнги ва ташвишлари



Рўзи ҚОДИРИЙ

ЮРАК -  
АБДИЯТ  
ЧАШМАСИ

1

Инсоннинг инсонга ақида чўғи  
Хулкнинг ўчоғида туғилур бешак.  
Уни ўз бағрида асраб, авайлаб,  
Парвариш этади ёлқинли юрак.  
Кўшиб ўз тафтини нафас-банафас,  
Етилтириб борар ақидани дил!  
Эзгуликка боғлаб унинг тақдирин,  
Тарбият, назорат қилар мутгасил!  
Чиқармас кутлуғвор изидан ҳеч он,  
Ақидага қонун юрак фармони.  
Шу фармон илкида яшар ҳамиша,  
Демак юрак амри ақида жони!  
Юракким, тириклик қони, чашмаси,  
Усиз йўқ ҳарорат, йўқ, ҳеч садоқат.  
Виждон ҳам юракнинг кўридан асли,  
Эътиқод, маслак ҳам ўшандан фақат!  
Ақида-ла ёник меҳр оташи,  
Усиз ёлқинсиздир, куч-кувватсиздир.  
Муҳаббатнинг ўти ақидаданким,  
Ақидасиз юрак муҳаббатсиздир.  
Беақида қалбда ихлос на қилсин,  
Аслида эгизак ихлос - ақида.  
Ажралмас, ёнма-ён турар иккиси,  
Бир дилдан наф олар ҳар бир дақиқа,  
Ишқ мулоқотдан яшаб, яшнайти.  
Яхшилик кўйнида топар камолот,  
Дўкга, дағалликка дуч келган маҳал.  
Озор еб куну тун чекар азият,  
Ўғрига учраса бўлади беҳол!  
Эгрига йўликса хушидан ажрар,  
Таъмагир учраса вужуди титрар,  
Гар қотилга кўзи тушса ютаркан!  
Ёвузни кўрганда жон, руҳ зиркирар!  
Тили захар, ичи қорадан дод! - дер.  
Ҳазар айлайди у узоқлаб қочар.  
- Нопокни кўрмай! деб -  
излар покларни,  
Аввал ор мулкининг султонин кучар.

2

Моддий бир маҳсулот эмас ақида,  
У бировга хурмат, эҳтиром нури.  
Бойлик, амал, буйруқ қор қилмас унга,  
Ёник, самимий дил, мухрию кўри.  
Қарамликдан олис яшар ақида,  
Кўрганга итоат қилмас, бош эгмас,  
Оқил, ғамхўр бошлиқ амрин бажарар,  
Ёлғончини севмас, ғамин ҳам емас,  
Ундан қутулмоқлик чорасин ўйлар!  
Бош эгишдан ҳоли, саждадан ҳоли,  
Билмайди алдашни ва хушомадни,  
У жон бағишлайди одамийликка.  
Тик жардан қулатар бедиёнатни!  
Ҳалолларга шайдо, покларга ҳамроҳ,  
Улар атрофида парвона ҳардам.  
Муҳаббат, садоқат гулига ўраб.  
Кадр осмонига кўтаради ҳам.  
Ҳамма қалб ўшани силар ва сийлар,  
Суздирар ақида уммонларида.  
Эл меҳри, иззати жамланиб бутун -  
Акс этар кўнгилнинг осмонларида.  
Ростлик, самимийлик унга мададкор,  
Алдову ёлғонни у кечирмас асло!  
Ақида душмани маккордир, маккор,  
Заволга юз тугар алдамчи дунё!  
Шу боис ақида кўпларга қайнок,  
Мисоли булоқдир тошар умрбод.  
Одиллик, ҳалоллик, таъмагирликсиз,  
Бухусумат мулкин этади обод!  
Қалблар урушида қилинади ёд,  
Ақидадан ҳеч ким маҳрум бўлмасин!  
Сақлан якка банда бўлиб қолишдан,  
Иймонинг булғаниб, умринг сўлмасин!  
Ҳа, шундай ақида томири тийран,  
Чуқур қалб тубида жами илдизи.  
Чин севиш ўшандан туғилур дўстим,  
Меҳру муҳаббатдир унинг негизи!



# НАПОЛЕОН, ГИТЛЕР, «ТИТАНИК»...


## БУ НЕ ҰХШАШТИК?

Иккинчи жаһон уруши пайтнда Геббельснинг күпшлкке бой ташвиқоти Гитлер қисмати Наполеонға жуда ұхшаб кетиши хусусига роса бақираб-чақирғанда. Сўнғроқ маълум бўлсаки, бу шов-шувлар заманида баъзи рақамларнинг фавқулодда мутаносиб келиши ётган экан.


Ұзингиз ҳисоблаб кўринг. Наполеон 1760 йили туғилган, Гитлер эса 1889. Демак орадаги фарқ 129 га тенг. Наполеон ҳоқимиятни 1805 йили кўлга киритди, Гитлер эса 1934 йили. Орадаги фарқ, кўриб турганингиздек, яна 129 га тенг. Наполеон Венани 1809 йили забт этди, Гитлер эса 1938 йили. Орадаги фарқ яна 129. Ва ниҳоят Наполеон Россияга 1812 йили ҳужум қилди, Гитлер эса 1941 йили. Тафовут яна 129.

Бироқ ҳовлиқма ташвиқотчилар бир галопатни тилга олишмаган: Наполеон урушни 1816 йили бой берди, Гитлер эса роппа-роса 129 йил ўтиб, яъни 1945 йили.

Айямо Наполеон билан Гитлер орасидаги қисмат ўхшашлиғи фақат булар билангина тугамасди. Уларнинг ҳар аскалови ҳам 44 ёшларида ҳоқимият тепасига чиққан, ҳар аскалови ҳам 52 ёшида Россияга ҳужум қилган ва ҳар аскалови ҳам 56 ёшида бутунлай мағлубиятга учраган!



## “ТИТАНИК”НИНГ СИРЛИ ШАРПАСИ



1912 йили ҳалокатга учраган «Титаник» ҳақида жуда кўп ёзилган. Ҳатто, тарихий маълумотларга қараганда, 1898 йили эълон қилинган бир романда ҳам «Титан» номли маҳобатли бир кеманинг океанда айсбергга урилиб, ҳалокатга учраши башорат қилинган экан.

«Титаник» фожеаси ҳақида кўплаб бадий фильмлар ҳам кўйилган. Кўпчиликка маълумки, режиссёр Жеймс Камерон суратга олган сўнғги «Титаник» фильми бу йил Америка киносанъати академияси 70 йилдан буён таъсис этиб келаётган бениҳоя нуфузли «Оскар» мукофотидан нақ ўн биттасини кўлга киритди! Бунинг устига, «Титаник» кино оламига Леонардо Ди Каприо сингари янги, ёш юлдузларни олиб кирди.

Дарвоқе, «Титаник» фильми кинотеатрларда намоиш этила бошлангач, дастлабки ўн тўрт ҳафтанинг ўзида бир миллиард икки юз миллион доллар даромад келтирди.

Бироқ ушбу кичик мақолада «Титаник» номи билан боғлиқ бошқа бир ғаройиб воқеага тўхталмоқчимиз. Хуллас, 1939 йили «Титаниан» номли кема айнан «Титаник» бундан йигирма етти йил бурун ҳалокатга учраган жойдан ўтиб борарди. Кема чамбарагини бошқариб бошқараётган зобит

ногоҳ шу воқеани эслайди ва қандайдир ғайри табиий куч измида беихтиёр «Стоп, машина!» деган буйруқ бериб юборади. Буйруқ адо этилади ва улкан кема тезлигини пасайтиради. Худди шу маҳал кеманинг қоқ тумшуғи қаршисида улкан айсберг, баҳайбат муз тоғи пайдо бўлади!

Агар кема тезлиги секинлашмаганида эди, ҳалокат рўй бериши аниқ эди. Денгизчилар жон-жаҳдлари билан ҳаракат қилиб, кемани муқаррар ҳалокатдан сақлаб қоладилар. Айсберг «Титаникан»нинг ёнбош қисмига сал заха етказади, холос...